УЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

8Ўз
А15

Китобхонлар диққатига тақдим этилган ушбу китоб улуғ ўзбек шоири ва олими Алишер Навоийнинг улуғ форс-тожик шоири ва олими Абдураҳмон Жомий ҳақида ўзининг турли асарларида баён қилган қимматли ва тарихий фикрларининг йиғиндисидир.

Бу тўпламда китобхон Жомий билан Навоий орасидаги яқин муносабат, чин дўстлик ва ҳамкорликка оид энг муҳим маълумотга эга бўлиш билан бирга, мавлоно Жомийнинг ҳаёти, илмий ва адабий фаолиятининг айрим лавҳалари билан ҳам танишишга муяссар бўлади.

Тўпламнинг энг муҳим қиммати шундаки, Навоийнинг Жомийга бағишлаб ёзган ва илмий жамоатчилик учун ғоятда зарурий манба бўлган «Хамсатул-мутаҳаййирин» асари тўплам ичида биринчи мартаба нашр этилмоқда.

Китоб филолог олимлар, олий ўқув юртларининг ўзбек ва тожик адабиёти ўқитувчиларига, аспирант ва студентларига, умуман, классик Шарқ адабиёти ихлосмандларига мўлжалланган.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи
ПОРСО ШАМСИЕВ
Масъул муҳаррир
СУЙИМА ҒАНИЕВА

7-2-2

Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигига бағишланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Масъул муҳаррир С. Ғаниева. Т., «Фан», 1966.
150 бет. (Ўз[illegible]. Фанлар Акад. А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт ин-ти).
Тиражи 5000.
Навои и Джами.

8Ўз+8с (таж)
А15

УЛУҒ ДЎСТЛИК ЛАВҲАЛАРИДАН

Тожик-форс адабиётининг буюк намояндаси мавлоно Абдураҳмон Жомий Шарқнинг XV асрда етишган энг йирик сиймоларидандир. Мавлоно Жомий жаҳон бўйлаб зўр шуҳрат қозонган гениал шоирлар сирасига мансуб бўлиш билан бирга, ўз замонасидаги ҳамма ва ҳар турдаги илмларни қамраб олган улуғ мутафаккир олим ҳамдир. У яратган турли мавзудаги асарлар саноғини тўқсон тўққизгача етказадилар. Бу катта саноқда фалсафа, тарих, адабиёт, тил, музика, муаммо, аруз, шеърият ва бошқа хил илм-фанга оид ижодий маҳсулот мавжуддирки, бундай ғоят кенг яратувчилик иши мислсиз зўр сабот, матонат ва меҳнатсеварлик самарасидир. Одатда кўп ва ранг-баранг асарлар билан ўзини кўрсата олган ижодкор олимни Шарқда **аллома,** ҳозирги таъбирда эса **энциклопедист олим** дейдиларки, мавлоно Жомий ҳам, ҳеч шаксиз, ана шундай унвонга эга бўлган шахсдир.

Абдураҳмон Жомий турли фанларга оид кўплаб асар яратиб, алломаликка сазовор бўлиш баробарида, бадиий сўз санъати бобидаги, шеърият соҳасидаги табиий истеъдоди уни бу майдонда кенг қулоч ёйишга, бу бепоён денгизда ғаввослик қилиб, нафис сўз қимматбаҳо дурдоналарини кишилик дунёсига манзур қила олиш каби улуғ ишга йўллади. Ҳақиқатан ҳам, Жомий яратган илмий ишларининг саноғи кўп бўлса-да, лекин шеъриятдаги яратувчилигининг салмоғи анча вазминдир.

Шарқда улуғ шоирлар бир-бирлари билан беллашиб, мусобақалашиб, «Хамса» каби шоҳ асарлар яратдилар. Жомий ҳам уч катта ва мукаммал девон, талай қасида ва бошқа шеърий асарлар бунёдга келтириш билан бирга, мусобақадошлар билан бел олишишга киришиб, «Хамса», яъни беш достон тўплами муқобаласида, «Хамса» (бешлик) эмас, етти достон мажмуасини — «Хафт авранг»ни тақдим этди, бу билан «хамса»чи салафлари ва замондошлари каби ўлмас обида қолдирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ана шундай ижодий камолотнинг юксак чўққисига кўтарила олган улуғ шоир ва баркамол олим Хуросон ўлкасининг марказий шаҳри Ҳиротда яшади, ўша ерда ва Мовароуннаҳр маркази — Самарқандда «улуми ақлия ва улуми нақлия»ни таҳсил қилиб, яна шу Ҳиротнинг ўзида умрининг охиригача (1414—1492) яшаб, ёлғиз Ҳиротнинг ўзигагина эмас, балки атроф-жавонибга илм-маърифат нурини тарқатиб турди. Жомий табиий қобилияти ва кўп қиррали фазилати билан тез фурсатда эл-юртда донг таратди, узоқ ва яқиндан барчанинг диққатини ўзига жалб этди. У зўр камолот соҳиби бўлиб етишгани ҳолда, ҳеч қандай олий мартаба ва юксак даражаларга интилмасдан, ўта камтаринлик билан ғоят содда, оддий ҳаёт кечирди. Уни ўша давр ҳукмдорларининг бирортаси ҳам сарой доирасига торта олмади. Бу улуғ зотнинг ҳаёт йўлидаги асосий ғоя поклик, покизалик ва инсонпарварлик эди.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий катта олим ва машҳур шоирлиги туфайли унинг мухлислари ва шогирдлари сон-саноқсиз эди. Лекин булар орасида Алишер Навоийчалик самимий мухлис ва энг яқин дўст ҳамда бу самимият ва яқинликни умрининг охиригача қатъий садоқат билан барқарор сақлаган киши топилмаса керак. Алишер Навоий камолот касб этиб, истеъдоди янада жилоланган, улуғ шоирлик ва мутафаккир олимлик чўққисига кўтарила ва давлат арбоби даражасига эриша боргани сари унинг Жомийга муҳаббати, иззат ва эҳтироми тобора орта борди, бу ғоят самимий муносабат энг яқин ва узилмас дўстлик даражасига бориб етди. Бунда ҳеч қандай ғайри табиийлик ёки фавқулоддалик йўқ, албатта.

Бу устоз билан шогирд ёки икки чин дўст орасидаги маънавий ўхшашлик ғоятда кучли эди. Абдураҳмоннинг зеҳн ва қобилияти қанчалик эрта намоён бўлиб, ҳаммани ҳайратга солган бўлса, Алишерда ҳам худди шундай бўлди. Шогирд қанчалик тез Навоий бўлиб танилган бўлса, устоз ҳам ёшликдан Жомий тахаллуси билан шуҳрат қозонди. Чин инсонийлик хислатларидан сабот, матонат, ғайрат, толмас меҳнаткашлик бу икки дўстнинг муштарак хусусиятлари бўлиб қолди. Бу муштарак хусусият булардаги буюк ижодий куч ва маҳоратнинг деярли бир мезонда борганлигида кўринади. Ҳар икковлари ҳам ўз асарларида анчагина масалалар борасида бир мақсадга интилдилар.

Тожик ва ўзбек халқларининг бир шаҳарда, бир асрда, бир замонда яшаб ижод қилган икки улуғ вакили — Жомий ва Навоий — икки бошқа-бошқа тилда ва мустақил равишда иш олиб боришган бўлсалар-да, лекин ижодий йўналишда ҳамкор эдилар. Ҳар бир асарнинг майдонга келишида бир-

лари бирларига тарғиботчи, иш сифатини яхшилашда бирлари бирларига танқидчи, ҳатто, айтиш мумкинки, мусобақадош ҳам эдилар. Жомий бирор асар ёзса биринчи галда Навоийга тақдим этар, керак миқдорда ислоҳ этишини, камчилик ва нуқсонларини кўрсатиб беришини талаб этар эди.

Навоий эса ҳар бир ижодий меҳнатининг юзага чиқишида ўзининг дўсти ва устози Жомийга суянар ва ундан маслаҳат олишга интилар эди. Навоий Жомийни ўзига мададкор, қийналганида мушкулларини ҳал қилувчи ва ишларга рағбатлантирувчи улуғ ҳомий ва мураббий деб билар эди. Биз бу ҳолни Навоийнинг «Хамса»га кирган ҳар бир достоннинг муқаддима қисмида Жомийга алоҳида боблар ажратганидан биламиз. Бу бобларда Навоий Жомийнинг барча фазлу камолини кўтаринки руҳ билан мадҳ этади, ундан мадад сўраб, у кишининг кўрсатган раҳбарлигини алоҳида қайд этади.

Навоий «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр»ни бошлаш олдидаёқ Жомий уни рағбатлантириб, қўлига ўзининг «Туҳфатул-аҳрор» достонини тутқизган. Бу Навоий учун зўр илҳом манбаи бўлган. Шундан кейин Навоий:

Мен талаб йўлида қўйдум қадам,
Бордур умидимки чу тутсам қалам,
Йўлдаса, бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса, Хисрав била Жомий қўлум,
Нукта сурудида раво бўлмағай,
Буки Навоийға наво бўлмағай? —

деб ишга киришиб кетади, яъни Жомийнинг илҳомбахш сўзлари ва кўрсатган намунаси Навоийга зўр далда бўлади.

«Хамса» муқаддималарининг айрим бобларида ва баъзи достонларнинг хотима қисмларида ҳам Жомий билан бўлган ўзаро муносабат ва алоқани изоҳлашга бағишланган парчалардан бири иккинчи достоннинг VIII бобида жойлашган. Бобнинг охиридаги бу эпизодда шоир иккинчи достонни бошлаш қийинчиликларини тасвирлаб, мазкур қийинчиликларни бартараф қилиш йўлида пир (Жомий)га мурожаат қилади. Бунда ҳам шоир пирнинг берган доно маслаҳатларидан руҳланганини, кушойиш топганини:

Манга чун етти бу давлат нишони,
Очилди ҳар ён абвоби маоний.
Чу мен тупроғ ердин кўкка еттим,
Ер ўптум даги ўз ҳужрамға кеттим,

каби мисраларда завқланиб изҳор этади.

Бу достон охиридаги хотимадан биз ажратиб олган тўрт шоир (Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ўзи)га тааллуқли парчада буюк шоирларнинг ижодий мусобақаси ажойиб маҳорат ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

назокат билан тасвирланган. Бу парчада санъаткор шоирларнинг қайси халқ ва қандай ўлкага ижодий кучлари билан ёйган қанотлари завқбахш бир йўсинда тараннум этилган. Бунда Навоийнинг ўз танлаган йўли бобидаги нозик фахрияси ҳам чиройли ибораларда ифодаланган:

Деёлмасменки Хисрав ё Низомий
Ва ё назм аҳлининг сархайли Жомий.
Нечукким чектилар тил ханжарини,
Саросар олдилар сўз кишварини.
Алар ўтруғида мен ҳам чекиб тиғ,
Чекарга сўз синонин қилғамен биғ.
Вале ҳақ лутфиға элтиб паноҳи,
Шаҳ иқболидин истаб такягоҳи.
Деёлғайменки кўп айлаб тазарруъ,
Буларға айлай олғаймен татаббуъ.
Ки арз этсам манга етмай малолат,
Ҳаводоримға юзланмай хижолат.
Бўлуб аҳсанта лафзи элга ойин,
Етишгай шайхдин эҳсон, дағи таҳсин.
Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа.
Чекиб Хисрав дағи тиғи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.
Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда дағи чолса кўси шавкат,
Агар бир қавм, гар юз йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен таҳти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез-
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.
Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балки туркмон ҳам.

Искандар ҳақидаги достонда Искандарнинг келиб чиқиши (насл-насаби)ни аниқлашда шоирлар ўртасидаги ихтилофни ечишда Навоий устози — Жомий сўзига таянади, Жомий сўзини энг мўътабар далил деб билади ва достонда воқеа йўналишини шу асосда ҳал қилади.

«Садди Искандарий» достони охиридаги «Хамса»нинг якунловчи бобида Жомийнинг улуғлиги тўғрисида талқин этилган жозибали қалб сўзлари кишини тўлқинлантирувчи кучга эгалиги билан диққатга сазовордир. Бу бобда Навоий яна бир бор Жомийнинг чин дўст, жонкуяр мураббий эканини айтиб, унинг бадиий сўз оламида улуғ сиймолар гуруҳига мансублигини боб давомида исботлаб боради.

Навоий «Хамса»ни ёза бошлаган фурсатда ва иш давомида Жомий қанчалик руҳлантириб, мадад бериб турган бўлса, «Хамса» каби буюк бир обида майдонга келгандан кейин ҳам унинг «мақбули омма» бўлишида ташаббус кўрсатди.

Жомий мададкорлигида Навоийнинг гўзал боғда адабий мусоҳаба ва мушоара мажлисини қизитаётган бири бирисидан нуроний шоирлар даврасига кириб бориши ва у нафис мажлисда Навоийга, яратган улуғ иши туфайли, кўрсатилган илиқ илтифот ва дўстона муҳаббат манзарасининг тасвири, асосан, Навоийнинг Жомийга нисбатан ҳар тарафлама юксак ҳурматининг ёркин тимсолидир.

Бу хаёлий тасвирнинг алоҳида қайд этиладиган моменти шундаки, мажлис аҳллари — шоирлар турли мамлакат ва халқ намояндалари бўлиб, бунда гуманист Навоийнинг теран халқчиллик ва улуғ дўстлик ғоялари ўзининг ёркин ифодасини топгандир.

Навоий Жомий ҳақида «Мажолисун-нафоис» ва «Насоимул-муҳаббат» тазкираларида, «Муҳокаматул-луғатайн» ва «Маҳбубул-қулуб»да ҳамда «Арбаин» таржимаси рисоласида ҳам мазкур асарларнинг мавзуига муносиб равишда, ўз мавқеига қараб махсус ўрин ажратган.

Навоий Жомийни «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг учинчи мажлиси бошида ўз замондоши бўлган ва суҳбатларига эришган шоирларнинг биринчиси ва пешқадами сифатида алоҳида ва юксак баҳолайди, бундаги ҳазиломиз кичкина муқояса масалани жонлантириш баробарида, киши хотирасида узоқ сақланиб қоладиган завқ уйғотади.

«Муҳокаматул-луғатайн» ва «Маҳбубул-қулуб»нинг тегишли ўринларида, мавзу тақозосига қараб ҳамда «Арбаин» рисоласи таржимасининг муқаддимасида ҳам Жомийнинг шеъриятдаги юксак мавқеи, унга ияриш (татаббуъ) масалалари ва Навоийнинг ўзининг форс-тожик шеъриятига муносабати, ҳамкорлиги ва ҳоказолар тасвирини кўрамиз.

Навоий ўзининг ўнлаб асарида Жомийга айрим боблар, алоҳида эпизод ва парчалар ажратиб, бу ўринларда устозининг фазлу камоли, ижодий кучи ва маҳорати масалаларини атрофлича тасвирлаш билан кифояланмай, унинг вафотидан кейин дўстлик хотираларини абадийлаштириш мақсадида унга бағишлаб, «Хамсатул-мутаҳаййирин» номли ўзаро умрий алоқаларни якунловчи махсус асар ҳам ёзди. Юрак сўзлари ифода этилган бу асарда ҳазрати Махдумий[1] таржимаи ҳолига оид келтирилган маълумотлар, айниқса, улуғ тожик шоирининг вафоти ва ундан юзланган алам-қайғу тасвири инсон қалбида чуқур из қолдирувчи ҳайратбахш лавҳалардир.

Навоий Жомий ҳақида ёзган китобчасининг биринчи бо-

[1] Навоий Жомийни кўпинча шундай деб атайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бини ўзи билан у киши ўртасида рўй берган воқеалар, ҳангомалар ва қизиқ суҳбатлар баёнига бағишлайди, «андин аларнинг бу фақирға илтифот ва хусусиятлари зоҳир бўлур», дейди. Ҳақиқатан ҳам бу бобда баён қилинган турли муносабат ва турли тасодифлар билан ўзаро пайдо бўлган гўзал суҳбат ёки қизиқ ҳодисалар бу икки дўстнинг ўрталаридаги алоқа нақадар мустаҳкам, нақадар жонли, мароқли, «қил ўтмас» даражада энг яқин, шу билан бирга, жуда оддий ва табиий эканини кўрсатади. Суҳбатлар жараёни батамом илмий, адабий бўлиб, том маънодаги юксак одоб доирасидадир. Ҳазиломиз гаплар ҳам бирор ҳақиқатнинг исботи учун хизмат қилади, шу билан бирга, жуда ширин ва бениҳоя кўнгилли ва завқлидир. Ана шундай суҳбатларнинг одоб ва услуби ҳозирги кунимизда ҳам ўрнак бўларлидир.

Иккинчи боб икки дўстнинг турли вақтларда, турли ерлардан ёзишган мактублари намуналаридан иборат бўлиб, булар ҳам бу икки зотнинг мустаҳкам алоқалари тимсоли ҳамда ўзига хос бадиий сўз тўпламидир.

Бу мактубларда биз икки ажралмас, вафодор дўстнинг ҳижронда, жудоликдаги соғиниш кечинмаларининг ажойиб таассуротларини ўзимиз ҳам шу таассуротга шерик ҳолда ҳис этамиз. Ранг-баранг услубда ёзилган бу хатлардаги шеърий парчалар забардаст шоирларнинг серзавқ ва жонли мушоараси манзарасини кўз олдингизда гавдалантиради, бу шеърий парчалар тожик тилида яратилган шеъриятнинг бадиий юксак ва гўзал намуналаридандир.

Юқорида таъкидланганидек, икки улуғ шоир ва олимнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги ва бундаги жуда яқин муносабат масалаларини учинчи бобда қатъий далиллар билан алоҳида исботланганини кўрамиз.

Шу бобнинг бош қисмида Жомий асарларидан 37 тасининг рўйхати берилади. Бу асарларнинг кўпчилиги Навоийнинг яқиндан кўрсатган ташаббуси ва тарғиби билан ёзилган.

Навоий ўз замонининг энг буюк илм-маърифат ҳомийси бўлиши сифати билан турли илм-фан соҳасида хилма-хил асарлар бунёдга келишининг ташаббускори бўлганлиги маълум. Учинчи бобдан очиқ кўринишича, Жомийдан асар ёздириш ва бунга ташаббус кўрсатиш тамоман бошқача йўл ва ўзгача тартибда, икки самимий дўстнинг бир-бирига бўлган муносабати йўли билан, зўр иззат ва эҳтиром доирасида борган. Биз буни мазкур бобда ҳар бир асар устида олиб борилган суҳбат одобидан англаймиз. Шу билан бирга, ўз навбатида, Жомийнинг Навоийга кўрсатган меҳрибончиликлари ҳам бениҳоя самимий ва юксакдир.

Асар хотимасида келтирилган ўн банд (70 байт) дан иборат Жомий вафотига бағишланган «таркибband» шаклидаги тожикча марсия Навоийнинг энг таъсирли ва энг ҳаяжонли чин юрак шеъридирки, буни ўқиганда ҳар қандай кишининг қалби жуда чуқур ва тўлқинли кечинмаларга дуч келмай қололмайди.

Абдураҳмон Жомий вафотига атаб кўп шоирлар тарихлар, марсиялар ёзиб ўқиганлар, шулар ичидан Навоий марсиясини Ҳиротнинг машҳур нотиқ воизи мавлоно Ҳусайн воизнинг халқ ҳузурида минбарда туриб ўқиши, албатта, бежиз эмас эди. Бу эса икки қардош халқ икки вакилининг энг сўнгги дамгача ва ундан кейин ҳам дўстликларининг абадий эканини намойиш қилувчи ёрқин далилдир.

Улуғ шоир ва олим Абдураҳмон Жомий ҳақида, унинг фазлу камолини ва барча ҳолатини тасвирлаб, Навоийдан бошқа мухлислари ҳам катта-кичик асарлар ёздилар, ҳеч бўлмаса, айрим асарларида Жомий номини тилга олмасдан ўтолмадилар.

Машҳур хотиранавис ва ўзбек халқининг лирик шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобир хотираномасида Жомий яшаган давр ва Жомийга берган характеристика жуда қисқа бўлса ҳам чуқур мазмунга эгадир:

«Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолға еткургай.

Ул жумладан бири мавлоно Абдураҳмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдур. Муллонинг жаноби андин олийроқ дурким, таърифқа эҳтиёжи бўлғай. Ғояташ хотирға кечтиким, бу муҳаққар ажзода таяммун ва табаррук жиҳатидин аларнинг отлари мазкур ва шамман сифатларидин мастур бўлғай»[2].

Ниҳоят, шуни ҳам қайд қилмоқ лозимки, юқорида қисман айтилганидек, Жомий билан Навоий ораларидаги муносабат ҳеч қачон ва ҳеч бир масалада бир тарафлама бўлмаган. Аксинча, улар сиёсий масалаларда сирдош, маслаҳатдош, ижодда кўмакдош, замон фожиаси аламларини тортишда, элу юрт дардини чекишда ҳамдард бўлганлар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам бўлган. Шунинг билан бирга деярли барча масалаларда бир-бирлари билан ҳамкор ва бир-бирларига устоз бўлганлар. Шунинг учун Навоийнинг Жомийга берган ғоят юксак баҳоси тамомила тушунарли ва қонуний бўлганидек, Жомий томонидан Навоийни кўкларга кўтариб, беҳад мадҳ этиши ҳам тамомила асослидир.

[2] «Бобирнома», Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960, 239—240-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Абдураҳмон Жомийнинг туғилганига 1964 йили 550 йил тўлди. Бу тарихий кун Совет Иттифоқининг барча республикаларида зўр тантана билан нишонланди: ялпи мажлислар, илмий-адабий сессиялар ўтказилди, бу анжуманларда улуғ шоирнинг илмий ва адабий фаолияти, ижодий таржимаи ҳоли, бутун ҳаётий йўли тўғрисида хилма-хил темаларда докладлар тингланди, шоирнинг ўз асарлари ва у ҳақида ёзилган ишлар нашр этилди.

Форс-тожик шоир ва олими Абдураҳмон Жомий ўзбек халқига қадимдан таниш ва яқиндир. Ўзбек халқининг тожик халқи билан бўлган қадимий жипс алоқамандлиги бу етук олим ва забардаст шоир сиймосида ҳам яққол намоён бўлади. Бунинг ёрқин далили, юқорида кўриб ўтганимиздек, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий билан бу улуғ зот орасидаги мустаҳкам ва ғоят самимий, дўстона муносабатлардир.

Шу билан бирга, Жомийнинг ижодий фаолияти ўзининг бошланғич давридан то шу кунимизгача бизга танишдир. Улуғ Октябрь революциясигача, кўп асрлар давомида, Жомийнинг илмий асарлари ўша давр мадрасаларида, ғазалиёти эса мактабларда дарслик сифатида ўқитилиб келинди. Жомийнинг араб тили грамматикасига оид «Фавоидуз-зиёия» номли араб тилида ёзилган асари энг мўътабар дарслик эди. Бу асар «Шарҳи мулло» номи билан машҳур бўлиб, асрлар бўйи мадрасаларимиз дарс жадвалидан тушган эмас. Бадиий ижодиёти Саъдий, Ҳофиз, Бедил ва бошқа шу каби шоирлар қатори, деярли барча шеъриятга, бадиий ижодга қўл урган шоир ва адибларимизнинг ўрганиш манбаи бўлиб келган. Мавлоно Жомий форс-тожик шоири бўлиш билан бирга, биз учун ҳам ғоят қимматлидир.

Жомий юбилейи кунларида бу улуғ мутафаккирни хотирлаш йўлида Ўзбекистонда ҳам анчагина ишлар қилинди. Жумладан, Навоийнинг мана шу энг қийматли эсдалигини нашр этиш ҳам ўша юбилей кунлари режаларидандир.

П. ШАМСИЕВ,
филология фанлари кандидати.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда феодализм нисбатан ривож топган, деҳқончилик, ҳунармандчилик ўсган, Юнонистон, Хитой, Россия ҳамда Ғарбий Европа, Шарқнинг талайгина мамлакатлари билан кенг савдо-сотиқ муносабатлари йўлга қўйилган эди. Марказлашган давлатнинг мавжудлиги, мамлакатда бир қадар тинчлик ҳукм сурганлиги, шунингдек, Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро каби ҳокимларнинг фан ва маданиятга хайрихоҳлик билан қараганликлари сабабли мамлакатда, айниқса, Ҳиротда маънавий ҳаётда жуда катта жонланиш юз берган эди.

Ҳиротда буюк адиблар, машҳур тарихчилар, моҳир санъаткорлар, нозик қалам хаттотлар яшар эдилар. Машҳур илм соҳиблари Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид астрономия фанини янги босқичга кўтардилар. Самарқанддаги Улуғбек обсерваторияси жаҳоннинг ўша вақтгача бўлган барча расадхоналари ичида энг мукаммали ҳисобланар эди.

Бу даврда халқнинг аҳволи оғир эди. Оғир солиқ-тўлов системаси, темурийларнинг ўзаро низолари халқ бошига кулфат ёғдирарди. Деҳқонларнинг ҳаёти айниқса фожиали эди. Улар ўн турдан ортиқ солиқ тўлашга мажбур этилардилар. Ниҳояси йўқ жабр-зулмлардан, доимий очлик, қашшоқликдан тоқати тоқ бўлган меҳнаткаш халқ бир неча бор бош кўтариб чиқди. 1441—1442 ва 1469 йиллардаги халқ қўзғолонлари аёвсиз бостирилди.

Лекин феодал шароитларининг кулфат ва оғирликларига қарамай, ҳамиша яхшиликка ва ижодга интиладиган халқ даҳоси, инсон ақли-закоси ишлади, ажойиб, моддий ва маънавий бойликлар яратди. Бу маданиятнинг илғор вакиллари ижодида, бир томондан, даврнинг даҳшатли манзаралари, иккинчи томондан, халқнинг дод-фарёди, дил аламлари, олижаноб фазилатлари, гўзал орзулари, ажойиб интилишлари, инсонпарварлик ғоялар ўз ифодасини топган эди. Шундай ижод эгаларидан бири Абдураҳмон Жомий бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Жомий 1414 йилнинг 7 ноябрида дунёга келди. У маълум вақт Самарқандда яшаб, таҳсил олади, лекин ўз умрининг аксар қисмини Ҳиротда, Алишер Навоий билан ҳамкорликда ўтказади ва шу ерда 1492 йилнинг 8 ноябрида оламдан ўтади.

Жомий ҳар нарсадан олдин ўз даврининг — гоят зиддиятли даврнинг меваси ва фарзанди эди. У, бир томондан, ҳайратомиз комил санъаткор сифатида илғор фикрларни, инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларини ифодалади, улуғлади, куйлади, иккинчи томондан эса, мамлакатда кенг қанот ёйган ҳамда ҳоким бўлган ижтимоий фожианинг азобларига, енгилмас бўлиб кўринган замон зўравонлари разилликларининг чидаб бўлмас тазйиқига бардош бера олмай, мистикага, тарки дунёчилик кайфиятларига берилган вақтлари ҳам бўлди.

Жомий ўз даврининг энг улкан ва доно маданият арбобларидан бири эди. Унинг ижоди ва ижтимоий фаолияти ғоят кўп қиррали ва мураккабдир. У ўзига қадар ва ўз замонида бўлган фаннинг турли соҳаларини чуқур эгаллаган ва, айниқса, адабиёт назарияси, тилшунослик, тарих, фалсафа ҳамда музика илмида кўп иш қилган олим эди. Лекин у ҳар нарсадан олдин ўзининг бадиий ижоди билан алоҳида эътибор ва мақтовга сазовор бўлди, бутун дунёда шуҳрат қозонди ва ўз номини абадийлаштирди. У биринчи навбатда ўзининг юксак санъаткорлик ила яратган ажойиб поэмалари ва лирик шеърлари билан ҳамон яшаб келмоқда.

* *
*

Жомий — ўз халқи ва даври адабиётини яна бир юқори поғонага кўтарган улкан шоир. У «Фотиҳатуш-шабоб» («Ёшликнинг очилиши»), «Воситатул-иқд» («Ўрталикдаги дур»), «Хотиматул-ҳаёт» («Ҳаёт хотимаси») деб номланган ва лирик шеърларни ўз ичига олган уч девоннинг муаллифидир. Шу билан бирга у «Туҳфатул-аҳрор», («Нуронийлар туҳфаси»), «Суҳбатул-арбоб» («Тақводорлар тасбиҳи»), «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномаи Искандарий» («Искандар хирадномаси»), «Силсилатуз-заҳаб» («Олтин занжирлар») ҳамда «Саламон ва Абсол» достонларидан иборат «Ҳафт авранг»нинг, «Баҳористон»нинг ва бошқа талайгина асарлар ижодкоридир.

Шоир ўз достонларида ғоят юксак бадиий маҳорат намуналари бўлган хилма-хил образлар галереясини яратди. Унинг Лайли ва Мажнуни, Юсуф ва Зулайхоси, Саламон ва Абсоли, Искандар ва Афлотуни жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олган нодир образлардандир.

Жомий асар яратар экан унда ажойиб инсонпарвар ҳамда ватанпарвар шоир сифатида буюк ва муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш билан машғул бўлади, улар юзасидан илғор фикрларни ифодалайди. У инсонни улуғлайди, ватан ҳақида қайғуради. Одамлардаги зарарли хулқларни қоралайди, фитна ва фужурни, худбинлик ва айёрликни, мунофиқлик ва алдамчиликни, текинхўрлик ва талончиликни кескин танқид остига олади. Шоир бундай иллатларга ўралашиб қолган одамларга ҳалол, виждонли, инсофли, адолатли одамларни, чин инсоний фазилатларни, ажойиб хулқ-одоб нормаларини қарама-қарши қилиб қўяди.

* *
*

Жомий халқнинг жуда оғир ва фожиали аҳволига ачинади ва уни яхшилашни орзу қилади. У золим ва талончи шоҳларга, юлғич амалдорлар ва дин пешволарига ғазаб билдириб, уларни адолатли бўлишга, эл-юрт ғамини ейишга чақиради. У адолатликни ҳар нарсадан юқори қўяди ва адолат ҳар бир одам учун асосий қонун бўлишлиги зарурлигини қайд қилади. Мана у нима дейди:

Нуқтаи хуш гуфтааст он дурбин,
Адл дорад мулкро қоим, на дин.
Куфр кеше, к-ў ба адл ояд фареҳ,
Мулкро аз золими диндор беҳ.
(У узоқни кўрувчи одам яхши сўз айтган:
Мамлакатни дин эмас, адолат сақлайди.
Адолат билан машҳур бўлган кофир
Юрт учун диндор золимдан [кўра] яхшироқдир).

Жаҳолат ҳукмрон бўлган ва меҳнат аҳллари хок-сор этилган замонда Жомий илм-маърифатни, меҳнатни улуғлади, куйлади. Ҳар хил тилда сўзлашувчи ё ҳар хил мазҳабга мансуб бўлган халқлар, қабилалар ўртасида адоват қўзғовчи — тараққиётнинг ашаддий душманларининг таъсири зўр бўлган замонда Жомий биродарлик, тинчлик, тенглик, аҳллик ғояларини тарғиб ва ташвиқ этди. У нифоқ яратувчиларга жавобан ғазаб билан деди:

Эй муғбачаи даҳр, бидеҳ ҷоми маям,
К- омад зи низои суннию шиӣ қаям.
Гўянд, ки: Ҷомиё, чи мазҳаб дорӣ?
Сад шукр, ки саг-суннию хар-шиӣ наям.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Эй даҳрнинг муғбачаси, бир жом май тутгил,
Сунний ва шия низосидан кўнглим беҳузур бўлди.
Дейдиларки, эй Жомий, мазҳабинг недур?
Юз шукрки, ит суннию, эшак шиа эмасман).

Жомий реал ҳаёт ва ҳақиқий муҳаббатни жўшқин мисраларда тараннум этади. Ердаги ҳаёт лаззатларини, севгили ёр висолини дин ва шариат пешволари ваъда қиладиган жаннат «роҳат»ларидан устун қўйди:

Дар биҳишти насъя халқе баста дил, лекин ба нақд,
Ҳар кучо дидори туст, оңчост, Ҷомйро биҳишт.

(Халқ насия жаннатга кўнгил боғлади, лекин нақди [шуки] сенинг висолинг қаерда бўлса, Жомийнинг жаннати ўша ердир).

Ёки:

Моему ҳамин ошиқиву лаззати дидор,
Зоҳид ту бирав, дар талаби хулди барин бош.
(Бизлар шундай ошиқ ва [ёр] жамолидан
лаззатланувчилармиз. Зоҳид, сен бор,
жаннат талабида бўлавер).

Шоир ўз севгилисининг ҳусну латофатини, рафтору назокатини ғоят равон ва ўта мароқли тарзда тасвирлайди:

Ба чеҳра сурати Чинй, ба ғамза офати динй,
Ба ишва шўри ҷаҳонй, ба ханда офати ҷонй.
(Чиройда Чин суратисан, ғамзада дин офатисан,
ишвада жаҳон ғавғосисен, табассумда жон офатисан).

Жомий ғазалиётидаги лирик қаҳрамон — ошиқ севгига содиқ, маҳбубасига меҳрибон, рақибларига аёвсиздир. Унинг севгилиси — маъшуқа серноз, истиғночи бўлиб, гоҳо илтифотсиз ва баъзан бемурувватдек кўринади. Лекин у ҳам севгини қадрловчи, ҳақиқий ишқ лаззатларини орзу қилувчи, вафо ва садоқат каби гўзал фазилатлар соҳибасидир.

* *
*

Шоир ўзининг ҳажвияларида воизлар, зоҳидлар, шайхларнинг, амалдор гумашталарининг ярамас хулқ-атворларини аёвсиз танқид қилади. Уларнинг тамоми фаолиятлари замирида фирибгарлик ва ғаломуслик, қабоҳат ва разолат, мунофиқлик ва шуҳратпарастлик каби жирканчликлар ётишини фош этади.

Жомийда инсонпарварлик, дўстлик, камтаринлик каби энг яхши фазилатлар мужассамланган эди. Буни Жомий ва Навоий муносабатларида яққол кўрамиз.

Жомий билан Навоий орасидаги дўстлик, умуман, буюк шахслар ўртасида бўлган энг ибратли ва энг самимий дўстликлардандир. Бу дўстлик икки халқ орасидаги асрлар мобайнида мавжуд бўлган аҳиллик ва ҳамкорликнинг ажойиб ифодаси ва тимсоли эди. Кўп қиррали хусусиятга эга бўлган бу дўстлик ҳамма вақт — мамлакат тақдирини ҳал қиладиган энг катта масалаларда ҳам, мураккаб ижод проблемаларида ҳам намоён бўлди ва ўзининг ажойиб самараларини берди. Икки жону бир тан бўлган Жомий ва Навоий биргаликда ижод этишди ва ижтимоий фаолиятда бўлишди. Улар биргаликда мамлакатда кенг қанот ёйган зулм ва адолатсизликни, ҳокимларнинг ўзбошимчалик ва разилликларини қоралашди, юртни обод, халқ турмушини яхшилаш ҳақида ўйлашди, замондош ижодкорларга ҳар жиҳатдан фаол ёрдам беришди, бир-бирларининг асарларини ўқишди ва бир-бирларига қимматли маслаҳатлар беришди.

* *
*

Жомий олижаноб ва илғор фикрларни ифода этувчи шундай юксак сўз санъати намуналарини яратдики, улар дунё маданияти хазинасини бойитди ва жаҳоннинг деярли барча маданий мамлакатларига ёйилди: ярим минг йил мобайнида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари. Эрон, Қавказда ва Идил бўйларида адабиётнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келди. Шоирнинг номи ва асарларидан намуналар, унинг таъсир кучи ва кўлами аллақачонлар Европага ҳам етиб борди. Масалан, улуғ мутафаккир ёзувчи Гётенинг Жомийни ўзидан юқори қўйиши ва «форстожик классик поэзиясининг порлоқ юлдузи» дея мадҳ этиши тасодифий эмас, албатта.

Жомий барча халқларга, шу жумладан, ўзбек халқига, уларнинг тили ва маданиятига чуқур ҳурмат билан қаради. Уларга бахт-саодат тилади, кўмакчи бўлди.

Жомий қолдирган обидалар — ажойиб асарларни ўзбек халқи жуда яхши билади ва севади. Унинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ғоят каттадир. У мана неча асрдирки, ўзбек адабиётининг ривожланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келди. Ўзбек классик адабиётининг кўзга кўринган деярли барча намояндаларининг Жомий номини катта ҳурмат билан тилга олишлари, уни устоз деб аташлари бежиз эмас. Жомий асарларининг ўтган асрдаёқ типография усулида Тошкентда бир неча дафъа чоп этилиши ҳам тасодифий эмас, албатта.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улуғ Жомий ёзган эди:

Эй тожу муҳрга кўнгил боғлаган,
Қачонгача тожу муҳр қолади?!

Мулку бойлик бари кетади бир кун
На замон, замин, на наҳр қолади.

Қўлингдан келганча яхшилик қилгил,
Жаҳонда сенга шул меҳр қолади.

Шундай яшагилки, сен бўлсанг Шарқда,
Сени дуо қилсин одамлар Ғарбда.

Аксинча бўлмагил яшасанг Райда,
Қаргишлар бўлмасин Рум деган жойда.

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан,
Ўзгалар базмини қилади равшан.
(Таржима Ш. Шомуҳамедовники).

Бу буюк инсонпарвар ва адолатпарвар шоирнинг самимий дил сўзлари эди. Ўзи уларга амал қилди ва ўз асарлари билан асрлар мобайнида авлодлар орасида яшаб, миллионлар қалбига зиё бахш этиб келди.

Суйима Ғаниева,
филология фанлари кандидати.

«ХАМСАТУЛ-МУТАҲАЙЙИРИН»

... Бани одам ашроф ва хавосси хилватларида хусусан ва аҳли олам сойир авоми анжуманларида умуман тасаввур ва аноният умурининг худройи ва ужб ва нафсоният оламининг даштпаймойи Алишер алмутахаллис бин-Навоий... андоқ арз қилур ва бу навъ шарҳға еткурурким,.. шайхуно ва мавлоно Абдураҳмонил-Жомий...

Р у б о и й:

Ким гунбази гардандан олий бунёд,
То даврида таъжилға бўлғай мўътод,
Одамки бўлуб халифа ёйди авлод,
Авлодида ер ўйла халаф бермас ёд.

Бу навъ соҳиб давлати бузургвор ва бу янглиғ соҳиб камоли нубувват кирдор бу хоксори паришон рўзгорни азим илтифотлари била сарбаланд ва ғариб навозишлар била аржуманд қилиб, абнойи жинсим аро сарфароз, балки жинси башардин мумтоз қилур эрдилар. Чун покиза руҳларининг қудсий ошён тоири бадан қафасидин равзаи фирдавс сори парвоз тузди ва муборак жисмларининг олий макон пайкари дорул-фано маҳбасидин дорул-бақо анжуманиға майл кўргузди, агарчи аҳли оламға мотам юзланди, аммо соҳиб мотам бу номуроди сўгвор эрдим ва сойир авлоди одамға азо воқеъ бўлди ва лекин соҳиб азо бу ношоди таъзият шиор эрдим.

Чун бу мотамда мажруҳ кўнгул озори ва маҳзун хотир изтироб ва изтирори ҳаддин ошти. Бу ранж таскини ва бу ошуб итмийнони учун хаёлға андоқ келдиким, ул сипеҳри иззу иқбол била бу хокийваши фурумоя ва ул меҳри авжи камол била бу зарраи камсармоя орасида ўтган ҳолотдин бир неча варақ нигориш қилғаймон ва мақолотдин бир неча муқаддима гузориш бергайменки, ул умур[1] зоҳир ва ботинимға мужиби мубоҳот ва қувонмоқ ва дунё ва охиратимға боис ифтихор ва ўкунмоқдур. Ва агар ул навъ илтифотларни маҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бубдин муҳибға халойиқ бовар қилмасалар — ул ҳазратнинг мусаннафотида[2] мазкурдур ва ул тариқ хусусиятларни муроддин муридға жуз маҳолот билмасалар — куллиётларида мастурким, бу даъвоға икки далили мувофиқ, балки икки гувоҳи содиқдур, чун бу рисола хаёлға келди, биносин бир муқаддима ва уч мақола ва бир хотимаға қўюлди ва бу беш дафъа сўзгаким, ўқуғувчиларға кўп мужиби таҳайюр эрди — «Хамсатул-мутаҳаййирин» тасмия қилилди[3].

Муқаддима — аларнинг насаблари ва валодатлари ва сойир авқотларининг сулуки ва бу фақир алар хизматларига қачон мушарраф бўлғоним.

Аввалғи мақолат — алар била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сўзларким, андин аларнинг бу фақирға хусусият ва илтифотлари маълум бўлур.

Иккинчи мақолат — алар била бу фақир орасида битилган руқъалар бобидаким, ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдурур ва муншаотларида мастурким, фақир жавоб битибмен ё акс.

Учунчи мақолат — кутуб ва расоил бобидаким, аларнинг мусаннафотидур ва бу фақир аларнинг таълифиға боис ва таснифиға сабаб бўлубмен ва бу маъни ҳамул кутубнинг кўпроғида зоҳирдур.

Хотима — ул кутуб ва расоил бобидаким, бу фақир алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен ва аларнинг ҳаётларининг охирининг тарихи ва ул ҳолот кайфияти.

Муқаддима

Аларнинг шариф валодатлари ўзларининг муборак назмлари мазмунидин андоқ маълум бўлурким, секиз юз ўн етгида[4] эркандурким, ўз валодатлари замонидин секиз юз тўқсон уч[5] йил ўтган тарихда жамеъ ҳолотким, аларға ўтгандур— назм қилибтурлар ва ул ғариб қасидадур ва анга «Рашҳулбол»[6] от қўюбтурлар ва матлаи будурким:

Манам чу гўй ба майдони фусҳати маҳу сол,
Ба савалҷони қазо мунқалиб зи ҳол ба ҳол,
Ба соли ҳаштсаду ҳафдаҳ зи ҳичрати набавӣ
Ки зад зи Макка ба Ясриб суродиқоти ҷалол,
Зи авҷи қуллаи парвозгоҳи иззу қидам,
Бад-ин ҳазизи ҳавон суст кардаам пару бор.
Ба ҳаштсаду наваду се кашидаам имрўз
Зимоми умр дар ин тангнои ҳиссу хаёл[7].

Ва бу қасидани айтқон тарихдин сўнгра яна беш йил умр гулзоридин баҳраёб ва ҳаёт чашмасидин сероб эрдилар. Секиз юз тўқсон секиздаким[8], ёшлари замонидин сексон икки йил ўтмиш бўлғайким, пок руҳларининг қудсий ошён булбули риҳлат навосин оғоз қилиб, гулшани фирдавс хавосиға парвоз қилдиким, анинг кайфияти шарҳ била ўз ерида иншооллоҳ сабт бўлғай.

Аларнинг олий насаблари имомул-мужтаҳидин Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз Шайбонийға[9] борурким, Ҳурмуз бани Шайбон қабиласининг малики эрмишким, Бағдодда салтанат қилибдур ва жоҳилият замонида амирул-мўминин Умар[10]... илгида ислом шарафиға мушарраф бўлубтур ва бани Шайбон қабиласи насаб шарафида арабнинг кўпроқ қабойилиға мужиби мубоҳот ва тафохурдур ва ўз оталари ва улуғ оталари зуҳд ва тақво била машҳур ва қазо ва фатво[11] била доим машғул эрмишлар ва Жом вилоятида сокин ва шайхул-ислом Аҳмади Жом ватанида мутаваттин ва аларнинг бу қитъаси бу маънига далилдур:

Мавлидам Ҷому рашҳаи қаламам,
Ҷуръаи ҷоми шайхул-исломист.
Лоҷарам дар ҷаридаи ашъор
Ба ду маънӣ тахаллусам Ҷомӣст[12].

Алар кичик ёшлиғ эканда ҳам алардин муфрит фаҳм ва табъ осори зоҳир бўлур эрмиш. Ул жумладин будурким, орифи комил ва муршиди мукаммил мавлоно Фахриддин Луристонийки, ўз замонининг ягонаси ва ҳақиқат баҳрининг гавҳари якдонаси эркандур — Жом вилоятида аларнинг оталари уйига тушгандур, алар тўрт ё беш ёшларида эмди мактабға борур вақтлари эрмиш, ҳазрати мавлоно аларни ўз қошларида ўлтуртуб, бармоқ ишорати била ҳавоға машҳур отларни: «Умар» ё «Али»дек битир эрмиш ва алар тааммул била ўқур эрмишлар ва ҳазрати мавлоно аларнинг туфулиятда бу навъ зиҳн ва закосидин мутабассим, балки мутаажжиб бўлур эрмишлар. Андоқки, бу сўз «Нафаҳотул-унс»[13]да дағи мазкур бор. Туфулиятлари айёмидағи бу навъ осор ва аломот кўп манқулдур. Сабт этарға машғул бўлунса сўз узалур.

Бори кичик ёшидин шабоб аҳдининг авойилиғачаким[14], Жом вилоятида эрмишлар — аларға фоида еткурур киши оз топилғон жиҳатидин:

Қуёш ул навъки мағриб сори,
Ё наби ўйлаки Ясриб[15] сори.

шаҳрга[16] азимат қилибдурлар ва Ироқ дарвозасида «Низо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мия» мадрасасидаки, мавлоно Зайниддин Абубакр Тойбодий ва мавлоно Саъдиддин Тафтозоний ва баъзи Амир Хисрав Деҳлавийни ҳам дерларким, анда сокин бўлғондурлар, маскан қилиб, таҳсилға машғул бўлубтурлар ва оз фурсатда абнойи жинсдин ишни ўткариб, балки шаҳрнинг мутабаҳҳир уламосидин илм ва фазлни ошуруб, аларға улум ва фунун ҳеч қайсида замон аҳлидин кишига эҳтиёж қолмайдур.

Р у б о и й:

Ҳар кимга етар мавҳибати субҳоний
Ким айлагай они олими раббоний,
Билмоққа улум истилоҳин жоний,
Оз вақт фалак муштағил айлар они.

Агарчи бир неча вақт биззарурат улум касбиға иштиғол кўргузубдурлар, аммо ҳеч вақт назм ойинидин холи эмас эркандурлар. Чун аларға биззот машраби тавҳид воқеъ бўлғондур, ҳақиқат жамолин мажоз музоҳири мушоҳадасида муояна кўруб, беихтиёрлиғлар даст берур эркандур. Ул маънини назм либосида адо қилмоқдин гузирлари йўқ эркандурким, бу восита била ўтқа таскин ва ўтлуқ кўнгулга ором бўлур эркандур. Бу жиҳатдин назмдин ҳаргиз фориғ бўлмайдурлар ва бу боисдин назмға тадвин ва девонға тазйин воқеъ бўлубтур ва мурури айём ўтуб, аларнинг назми ҳар синф шеърдин оламнинг золининг қулоқ била билагин самин дурлар била музайян ва жайб била этагин оташин лаъл била мамлу ва мулавван қилибтурлар ва ғарибдурким, зоҳир улумининг такмили вақтида неча иш аларға муяссар бўлубтурким, бу умматда ўтган акобир ва соҳиб камоллардин ҳеч қайсиға воқеъ бўлғони зоҳир эмас.

Ул жумладин бири шеърдурким, борча аснофин ул навъким, ҳар синфидаким биров саромад ва мусаллам бўлғондур, алар ул кишидек, балки ортуғроқ ўз ҳақ ва мулки қилдилар.

Яна бир: тасаввуф масоили истилоҳотин андоқ такмил қилдиларким, ўтган машойих ва авлиёуллоҳ...нинг расоил ва кутубидинким, ғояти ийҳомдин ул шариф илмнинг идрокидин кўпроқ толиби номуродлар маҳрум, балки орий эрдилар — ул илмни ўз рисола ва китобларида хўброқ алфоз ва адо била ул навъ таснифлар қилдиларким, кўпроқ фақирлар анинг мутолаасидин ҳаз топиб, баҳраманд бўлурлар.

Яна бир: тариқат одоби сулукида андоқ дақиқ равиш била тариқларини туздиларким, ҳеч киши аларнинг зоҳир улуми ва шеър ва муаммо ва иншо ва бу навъ нималардин шарифроқ ниҳоний амрға машғул эрконларин билмадилар ва фаҳм ҳам қилмадилар ва бу ишта чун ҳеч мутанаффисқа муршиди комил мулозамати ва иродатидин гузир йўқдур,

ҳазрати қутби тариқат ва ғавси ҳақиқат мавлоно Саъдиддин Қошғарийким, «Нақшбандия» хожалари силсиласининг ул замонда комил ва мукаммил муршид ва халифаси эрди — суҳбатин ва мулозаматин ихтиёр қилиб, замонининг сойир муршидлари ва комиллари хизматлариға: шайх Баҳовиддин Умардек ва мавлоно Боязид Пуроний ва мавлоно Муҳаммад Асаддек бузурглар суҳбати шарафиға доғи мушарраф бўлур эрдилар.

Аммо толиби илмлиқ ва шоирлиқ суратидаким, бу шариф илм сатр ва китмониға бу икки ишдек парда мумкин эрмас топилмоқ, невчунким дарвишлиқ фано касбидур, балки фанойи маҳздур ва бу икки иш маҳз даъво ва жадал ва аноният ва худписандлиқдур.

Аларнинг камолоти овозасин эшитиб, йироқ йўллар қатъ қилиб, муборак суҳбатлариға мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб орасида ғояти бетаайюнлиқдин мутлақо танимаслар эдиким, ўлтурур-қўпарда ва айтмоқ ва эшитмоқ ва емоқ ва киймоқда ўзлари била сойир мулозимлари орасида тафовут йўқ эрди.

Қиши улуми зоҳирийдин ва маънавийдин бир масъала илқо қилғунча ҳаргиз алар оқдин қарони маълум қилғонлари маълум бўлмади. Аммо масъала илқосидин сўнгра доғи бори улумға махорат ва истиҳзор ул мартабада эрдиким, ҳаргиз ҳеч китобға боқмоққа эҳтиёж бўлмади.

Мунча ишнинг зимнида ишқи зоҳир тариқиким, «Ал-мажозу қантаратул-ҳақиқат»[17] иборат андин бўлғай — аларға андоқ муставли эрдиким, ҳар мулойим мазҳарининг ҳусн ва малоҳатиким, ҳақ жамолияти тажаллиси била зуҳур қилмиш бўлғай ё жавр ва бедоди офатиким, жалолият сифати била жилва кўргузмиш бўлғай, ул сифотидин зоти айният мушоҳада қилиб, сабабни мутлақо орадин муртафеъ кўруб, кўзлариға мусаббибдин ўзга нима келмаган жиҳатидин бетоқат бўлуб, ҳарне ул изтиробда аларға ишқ шиддатидин ва шавқ суубатидин юзланса эрди жонсўз шеърлар ва дилфуруз ғазаллар иштиғоли била ул таҳаммулсизлиққа итмийнон берурлар эрди.

Ва бу ҳол доғи аларға одоби тариқатдаким, тасаввуфда боиси фано бўлғай. кўп мадад берур эрди. Чун фанойи вужуди мавҳум ҳосил бўлди ва ишқ ва шавқ ўти забона торта киришти, ҳар ойинаким, беихтиёрлиғлардин қаландарвашлиғ ва сару по бараҳналиғ ва тоғ ва водий тутмоқ ва мақсуди аслийдин ўзга барчани унутмоқлик даст берур, аларнинг бу шевасин зоҳир аҳли ишқи зоҳири маҳзға ҳамл қилиб, аслий мақсудларидин ғофил ва отил қолурлар эрди. Аммо алар ғайри мақсуди аслий хар навъ суратдаким, ўзларин

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўргузур эрдилар — барча ўз ҳолларининг пардаси ва рўйпўши эрди.

Бир неча йилким, бу ҳолға ўтти — зоҳир улум фазоилида даврнинг уламо ва фузалосиға фоиқ бўлуб, ботин ҳолида дағи бийик маротиб ҳосил қилиб, ғариб кутуб ва расоил тасаввуф илмида алардин рўзғор авроқин музайян қилиб, даврон аҳлиға бу шариф илмнинг истилоҳоти била дақиқ масоилин равшан ва мубарҳан қилдилар, андоққим, мусаннафот теъдодида иншооллоҳ битиб бўлғай.

Шоҳрух султон замони авоситидин султон Абусаид замонининг авоилиғача шаҳрда сокин эрдилар. Андин сўнгра Хиёбон бошида ҳазрати пир махдум Саъдиддин Қошғарий мазори бошида иқомат расмин зоҳир қилдилар ва шаҳрнинг жамеъ уламо ва акобири ва ашрофи аларға мулозамат ва тараддуд бунёд қилдилар, то ул подшоҳи замоннинг аркони давлат ва аъён ҳазрати ва олийшон умаро ва рафеъ макон судур ва вузаро, балки аср подшоҳи аларнинг остониғаким, мақсуд қибласи ва мурод каъбаси эрди—ташриф келтурурлар эрди, балки ўзларин мушарраф қилурлар эрди. Андоқки, даврнинг аржумандлари ва аҳднинг сарбаландлари ул ҳазратнинг олийшон остониға юз еткурурлар эрди ва илтижо келтурурлар эрди. Сойир ниёзмандлар ва омман бехеш ва пайвандлар ҳам кўзларин ул эшик туфроғидин ёрутурлар эрди.

Бу фақири ҳақир бу сўнгғи жамоат зумрасида Хиёбон бошида кўрган замонида мухтасар битилган рисола сабақиға мумтоз бўлдум...

Аввалғи мақолат

Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сўзларким[18], андин аларнинг бу фақирға илтифот ва хусусиятлари зоҳир бўлур.

* *
*

Бир кун мавлоно шайх Абдуллоҳ котиб муқарраби ҳазрати борий Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома»ға мавсум муножот рисоласин фақир қошиға келтуруб эрди ва мавлонойи мазкурнинг кутуб байъ ва широсиға[19] ҳам муносабати, ҳам ҳазрати хожаға авлодлиғ нисбати бор. Фақир ул рисоланинг аввал саҳифасин очиб, хутбасин ўқумоқ бунёд қилдим, бу хаёл билаким, бир саҳифа ё ғояташ бир варақ ўқулғай, андоқки эл маъҳудидур, сўзнинг хўблуғ ва равонлиғидин ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки

жузвдин ортуғроқ эди — итмомға етти. Мажлис ҳуззори воқиф бўлуб, таажжуб қилдиларким бир рисолаким икки жузвға яқин, балки ортуғроқ бўлғай, бир таважжуҳ била бошдин-оёққача ўқумоқ холи аз ғаробат эмас.

Тонгласи ҳазрати махдум бандахонаға ташриф келтурдилар. Ул рисола ҳозир эрди, олиб очиб, муборак назарларин солдилар. Туно кунги асҳоб андоқки рўзгор аҳлининг ойин ва даъби бўлур, таажжуб изҳори юзидин туно ўтган воқеани ул ҳазрат хизматларида арз қилдилар. Алар табассум қилиб, дедиларким: «Ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг оралиқда воқеъ бўлғон эрмиш: икки ё уч кун бурунроқ мавлоно шайх Абдуллоҳ ушбу рисолани бизнинг қошимизға келтуруб эрди, биз доғи аввалдин бунёд қилдук, охириға дегинча ҳеч ерда турмоқ бўлмай туганди».

Тонгласи мавлоно шайх Абдуллоҳ келди, то китобин ё баҳосин олғай. Баъзи анга айттиларким: «Фалон (яъни банда) бу китобни аввалдинким ўқумоқ бунёд қилди, тугагунча иликдин қўймади».

Ул таажжуб юзидин дедиким: «Ҳазрати махдумий хизматлариға ҳам элтиб эрдим, аларға ҳам ушбу ҳол воқеъ бўлди».

* *
*

Бир кун ул ҳазрат хизматларида асҳоб ҳозир эрдилар ва ҳар навъ сўз ўтадур эрди. Бурунроқ фақир аларнинг шайба[20] қасидаларигаким, матлаи будур:

Сафед шуд чу дарахти шукуфадор сарам
В-аз ин шукуфа ҳамин меваи ғам аст барам[21].

Изҳори бу навъ ақида эрдимким, бу навъ ғариб маонийлиқ ва кўп чошнилиқ ва нозук хаёллиқ, салис иборатлиқ, латиф адолиқ шеър фақир кўрмайдурмен, бовужуди улким, қасидагўйларким, муқаддамдурлар қасойидларин кўп мутолаа қилибмен ва асҳобдин баъзи мусаллам тутса, баъзи мусаллам тутмоқға кориҳ кўрунур эрдилар; ва ул ҳазрат мажлисларида сўз қасойид услуби сори тортти, чун ҳар навъ ўтти, фақир шайбанинг васфин ораға солдим ва таърифида беихтиёр бўлдум, то сўз ҳамул ерга еттиким, арз қилдимким: «Фақир муқаддимини маликул-каломлардин ҳеч қайсидин андоқ қасида эшитмайдурмен».

Ул ҳазрат табассум қилиб айттиларким: «Мутааххирлардин биз ҳам андоқ шеър эшитмайдурбиз».

Жамъ сокит бўлуб, фақир бир неча ул бобда баст қилиб, абъёт ўқур эрдим. Алар мунбасит бўлуб, тасдиқ била талақ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қи қилур эрдилар, то ул жамъға фақирнинг сўзининг сидқи тамом зоҳир бўлуб, ўз ақидаларидин айланиб, фақирнинг ақидасиға келдилар.

* *
*

«Фаноийя» боғчасин ясардаким, ул ҳазрат ҳавлиларининг ичинда ер иноят қилиб, бериб эрдиларким, фақир ўзига муҳтақир манзил ясабмен.

Подшоҳ Марв қишлоғиға азимат қилғонда фақир Дарвиш Ҳожи Ирқбандниким, замоннинг чобукдаст боғбонларидиндур — таъйин қилдимки, баҳор ўлғоч, ул боғчаға раёҳин ва ашжор эккай. Баҳор бўлғонда Дарвиши мазкур келиб, ул боғчанинг буйрулғон ишиға қиём кўргузурда ул ҳазрат дағи гоҳи келиб, муборак хотирлари ташхизи учун бир оз замон анда бўлур эрмишлар ва баъзи йиғочларға дағи илтифот қилиб, ер кўргузур эрмишларки, қайда эккай.

Дарвиш Ҳожи тунд мизожлиқ девона кишидур. Баъзида муноқаша қилур эрмиш ва ул ҳазратға хуш келиб, мунбасит бўлур эрмишлар. Бир кун йиғочқа алар ер таъйин қилибтурлар. Девона боғбон инод юзидин дебтурким: «Мунда экмасмен». Алар инбисот била дебтурларким: «Невчун экмассен?» Ул дебтурким: «Ражадин ташқаридур, тонгла черик келса, Мир Шайхим боғбонлиқда воқиф кишидур, кўруб эътироз қилғусидур». Алар дебдурларким: «Боғча Шайхимнинг эмас, Алишернингдур, ул эътироз қилмағусидур».

Черик шаҳрга келгандин сўнгра Дарвиш Ҳожининг тундлиқларидин асҳоб нақллар қилурлар эрди. Ул ҳазрат дағи завқ ва нишот юзидин ул йиғочни кўргузуб, ўтган ҳикоятниким, алар била Дарвиш Ҳожи орасида воқеъ бўлғондур, нақл қилур эрдилар.

* *
*

Бир кечаси бир улуғ киши маҳаллида жамоати азизлар хизматида туштум. Мутаҳҳари Удийким, хушовозлиқда Зуҳранинг[22] отаси ва хушхонликда анинг фарзанди руҳафзоси бўла олур эрди. Тағаний маҳаллида Хожа Ҳасан Деҳлавийнинг бу шеърин ўқуйдур эрдиким:

Зиҳӣ дарунаи дилро замон-замон бату майле[23],

то бу байтға еттиким:

Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд,
Чунин асар диҳад, алҳақ, тулўи чун ту суҳайле[24].

Мажлис аҳли мутааййин хуш табъ эл эрдилар ва мири мажлис ҳам хуш табъ ва подшоҳнишон. Муғанниға баъзи эътироз юзидин ва баъзи танбеҳ юзидин дедиларким: «Сиришки ман ҳама дур шуд» ўқума, «дур шуд» ўрниға «хун шуд» ўқуки, «дур шуд»нинг маъноси йўқтур. Мири мажлис дағи аҳли мажлисға муттафиқ бўлди. Бу фақир ҳеч нима демадим. Мажлис ҳуззори фақирға дағи машғуллуқ бунёд қилдиларким: «Сен дағи невчун бу сўзда асҳоб била мувофиқ эмассен?» деб. Фақир дедим: «Мен ул жонибменким қоил адо қилди, яъни:

Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд
ростдур, балки мундоқ керак».

Барча ҳужум қилиб, фақирға ғулу қилдилар. Фақир айттимки: «Чун сиз барча бир жониб бўлдунгиз, мен ялғуз. Сизга ўз муддаомни собит қила олмон, аммо бир кишини ҳакамлиқға мусаллам тутсангиз, гарав боғлабмен».

Барча иттифоқ қилиб айттиларким, ҳазрати махдум олам афозилининг ҳаками, балки ҳокимидур, аларни мусаллам тутмас киши йўқтур. Чун сўз мунға қарор топти. Фақир алар била гарав боғлаб, мажлиснинг кайфиятин ва ул баҳснинг сабабин ва ул байтда «хун» лафзи муносиброқ ё «дур» лафзи мувофиқроқдур деб, мақсуднинг иснодин ҳамул замон битиб, ул ҳазрат хизматлариға йиборилди. Бир яхши замондин сўнгра борғон киши жавоб келтурди ва ул ҳазрат бу мисрани битиб эрдиларким:

«Сухан дурр асту тааллуқ ба гўши шаҳ дорад»[25].

Ул жамоат мулзам бўлуб, фақирға аларнинг тарбият ва мададлари бу навъ етти. Маълум эмаски, ҳаргиз киши бу навъ мухтасар жавоб ҳеч саволда айтмиш бўлғай. Тонгласи бу сўз шуҳрат тутти. Эл ёд тутуб, мажолисда нақл қилурлар эрди.

* *
*

Ул вақтдаким, фақир алар хизматида сўфия рамуз ва ишороти ва алфоз ва ибороти истилоҳин ўткарур эрдим. Ҳазрати қутбус-соликин шайх Фахриддин Ироқий...нинг «Ламаот»и орзуси хаёлға кўп эврулур эрди. Бир кун тақриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: «Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расоили оз мутолаа қилилибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун».

То улким, ул шариф китобни фақирға сабақ айтурға муртакиб бўлдилар, ҳар кун ҳар сабақда хушҳол бўлуб таъриф қилурлар эрди... Биз «Савониҳ» мутолаасида даҳи мунча хушҳол бўлмайдур эрдукки, мунда, деб айтурлар эрди.

Бир неча сабақдин сўнгра сўз мушкилроқ бўлуб, шуруҳға эҳтиёж изҳори қилдилар ва шайх Ёрали шарҳин ва яна баъзи шуруҳни муборак назарларига қўюб, ул сабақни айтурлар эрди, то улким, кўп мавозиъда шориҳларға таън қила бошладиларким, «бу сўзнинг ва ул сўзнинг ҳамоноки, маънисиға етмай шарҳ битибтурлар» ва бу сўз такрор топқондин сўнгра фақир арз қилдимким: «Мундоқ нафис китобдин фақире баҳра топай деса, шарҳ бу шарҳлар бўлса, оё, не чора қилғай? Магар ҳам ҳазрати Махдум шафқат юзидин толибларға бу мушкилни осон қилғайлар».

Андин сўнгра алар «Ашиъатул-ламаот»ки бу тоифа кутуб ва расоили орасида маълум эмаски, ҳаргиз андоқ шарҳ қаламға келмиш бўлғай — бунёд қилдилар...

Ул шарҳни битирда «Фусус» ва «Футуҳот» ва «Нусус» ва «Фукук» ва аксар қавмнинг умда кутуби муборак назарларида эрди, агарчи ҳеч қайсиға боқғали эҳтиёжлари йўқ эрди. То улким, бу шарҳ била «Ламаот»ни алар қошида тугаттим, бировки ул китобни ўқуса фақир бу варақда битиган сўзлардин нишоналиғ сўзлар топар ва мундоқ давлатға абнойи замондин оз киши, балки ҳеч киши мушарраф бўлмайдур...

Бир кун бу фақирни муаммо[100] фикри бу водийға солиб эрдиким, андин бериким, устоди фан мавлоно Шарафиддин Али Яздий... бу фанни тадвин қилиб, бу фан аҳлининг отин тиргузди, бу замонғачаким, азизлар ҳам кутуб ва расоил битибдурлар ва бу фан ғариб зебу зийнат топибдур ва турфа

қавоид ва истилоҳот пайдо бўлубтур. Аммо истилоҳотни тартиб била адо қилмайдурлар, масалан: қавоид аввалида интиқод қоидасин адо қилурда истишҳодға муаммоким келтурубгурлар, агарчи интиқод ҳам муаддо бўлубтур, аммо таркиб[101] ё таҳлил ё ғайриҳиким мубтадининг аларға ҳанўз шуури йўқ турур, бу мусташҳад муаммода мундариждур. Шарт бу эрдиким, бу муаммода бу қоидадин ўзга мазкур бўлмағай, аммо бу қоидаким, вуқуф ҳосил бўлди, яна ўзга қоида адосида агар мазкур бўлғон қоида ўтса бок йўқ эрди. Фақир бу хаёлда эрдимким, ҳазрати Махдум ташриф келтурдилар, фақир мунбасит бўлуб, истиқбол қилиб, алар таскин топиб, дедиларким: «Башарангда инбисоте зоҳир бўлур, не ҳолинг бор?»

Айттимким: «Ҳазрати Махдумнинг шариф мақдамлари мужиби инбисотдур, аммо бу навъ ҳам хаёлим бор эрди», — деб ўтган мақолатни арз қилдим. Алар ниҳоятдин ташқари хушҳол бўлуб, таҳсинлар қилиб, дедилар: «Ҳаққи ва шарти будурким, сен хаёл қилибсен».

Аларни чун мундоқ хушҳол кўрдум, айттимким: «Ҳиммат тутсалар бу дастур била бу фан қоидасида мухтасаре рақам қилсам».

Алар дедилар: «Сен бу ташвишни тортма». Ҳамул иккиуч кунда манзуми мухтасарни таҳрир қилдилар. Кўп ихтисорға қўшиш қилғон учун кўп дақиқ ва тор воқеъ бўлубтур, андоққи, мубтадиға идроки суҳулат била даст бермас.

Фақир яна истидъо қилдимким, амр бўлса мундин осонроқ қилса бўлғай, деб маъмур бўлғондин сўнгра «Муфрадот»ға мавсум мухтасарни битидим ва алар хизматиға еткурдум. Қабул нишонаси мундин ўтмаским, бовужуди мунча расоилким, ҳоло ародадур, махдумзодаға ул мухтасарни ўқурға ишорат бўлди ва ул бу мухтасарда муаммо фанниға вуқуф топти.

Алар «Ҳафт авранг»дин — ҳам ҳар лафзи етти иқлимға сармоя ва ҳар ҳарфи етти кавкабға пироядур — «Субҳатул-аҳрор»ким, аларнинг мухтараидурким, не ул баҳрда маснавий айтибдурлар ва не ул таркиб ва адо била манзум китоб тартиб беribдурлар, хатми китоб ва хотимаи хитобда чун ул маъшуқаи зебо ва мухаддараи оламорони жилва бериб, қабули хотир таманноси ва назари қабул истидъоси қилибтурлар, бу абёт анда мазкурдурким,

маснавӣ:

Ё раб, ин ғайрати ҳурил-инро,
Шоҳиди равзаи иллийинро.
Аз дилу дидаи ҳар дидаваре,
Бахш тавфиқи қабули ҳар назаре.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хосса он дар равиши фақр далер,
З-он далереш шуда ном ду шер.

Он яке дар раҳи дин шери худо,
В-ин дигар панҷа ба ҳар сайд кушо[102].

Бу бесомони кам бизоат ва бу нотавони беиститоат бу алтоф муқобаласида не де олғаймен. Аммо туҳфатул-фақирул-ҳақир[103] расми била «Хамса»нинг аввалғи дафтари «Ҳайратул-аброр»да аларнинг васфидаки, васфға сиғмас, достоне ниёзмандлиқ қилибменким, бу абёт андиндурурким,

маснавий:

Улки букун қутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.

Кўкси ҳақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси.

Олий анга етти фалакдин маҳал,
Етти фалак мушкили оллида ҳал.

Мадрасаи қудс анинг маъмани,
Хонақаҳи унс анинг маскани.

Жилвагаҳи гулшани чархи барин,
Обхўри чашмаи айнил-яқин.

Қасри каломи чиқиб андоқ баланд-
Ким анга гардун сола олмай каманд.

Анда шаётин хасиға йўқ сабот,
Баски уруб хайли малоик қанот.

Достон олтмиш байт бор эркин ва алар мажлисида «Хамсатайн»[104] сўзи мазкур бўлғоннинг кайфияти ва алар «Туҳфатул-аҳрор»ни бунёд қилиб, ул тақриб била тугатгонлари, бу фақирға элдин бурун кўргузгонларининг шарҳи ва фақир «Ҳайратул-аброр»нинг назм қилур тақриби бу достонда мазкур бўлубтур, ўқуғон маълум қилур.

«Ҳафт авранг» китобидин «Юсуф ва Зулайхо» достониким, «Ошиқ ва Маъшуқ»ға мавсумдур ва ул китоб назири Юсуф ҳусни ва Зулайхо ишқидек маълум, охирида подшоҳ дуоси зайлида бу навъ банданавозлиқ қилибтурларким,

маснавий:

Муборак бар шаҳу аркони давлат,
Ғазанфар ҳайбатони шер савлат.

Ба тахсис он ҷавонмарди к-аш аз дер,
Насаб чун ном бошад шер бар шер.

Зи пас дар беша мардӣ далер аст,
Зи мардони ҷаҳон номаш ду шер аст.

Яке дар аз дизи даврон кананда,
Яке сарпанча бо гўрон зананда.

Ба расми таъмия з-он бурдамаш ном,
Ки монда дур аз он андешаи ом.

Ва гар на кай тавон з-он фаҳму идрок
Ба сад ҳуққа нуҳуфт ин гавҳари пок.

Кунад дар шеър табъаш мўшикофӣ,
В-аз он мў нўги килкаш шеърбофӣ.

Ниҳад з-ин шаъри мушкин домӣ дилҳо
Диҳад аз шеъри ширин коми дилҳо.

Дили ушшоқ аз он як монда дар банд,
Лаби хубон аз ин як дар шакарханд.

Ба зикраш хатм шуд ин равшан анфос,
Ба сони нури манзил хатми барнос.

Бале, дар коргоҳи одамият,
Ҷуз ў кам ёфт роҳи маҳрамият.

Ҳамеша то атои даври олам
Кунад табъи лаимон шоду хуррам.

Чунон дил бо худои оламаш бод,
Ки н-ояд аз атои оламаш ёд.

Суханро аз дуо додӣ тамомӣ,
Ба омурзиш забон бикшой, Ҷомӣ.[105].

Аларнинг бу маснавийлари баҳрида фақирнинг «Хамса»сидин «Фарҳод ва Ширин» воқеъ бўлубтур ва аларнинг мад-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳида турфа достоне гузориш топибдур. Борчасин бу мухтасарда сабт қилмоқ мужиби итноб бўлур. Аммо бир неча байтдин гузир йўқтур. Сўз таърифида бир неча сўз деб, шайх Низомий била Мир Хисрав... маддоҳлиқларин қилиб, ул тақриб била алар мадҳиға кириб, бу навъ адо топибдурким,

маснавий:

Қел, эй соқийки, тушмиш жонима жўш,
Кетур бу икки ёди бирла бир қўш.

Алар ишқида нўш айлаб ики жом,
Тутай Жомий майи мадҳин саранжом.

Ики пил ўлса Хисрав ё Низомий,
Эрур юз пил чоғлиғ, пил Жомий.

Муҳаббат жоми дурдошоми улдур,
Ҳамоно Зинда пили Жоми улдур.

Қўруб сармаст жоми ваҳдат они,
Демишлар Зинда пили ҳазрат они.

Чу ул май дурдидин бўлмиш хурўши,
Сафо аҳлидур онинг дурднўши.

Майи таққиқ этар ҳолатда ошом,
Чекиб ложуръа гар гардун эрур жом.

Бўлуб зоҳир фано тимсоли андин,
Тутуб оламни олам холи андин.

Фано ул навъ этиб нафъйи вужуди-
Ки ер топиб набуд ўрнида буди.

Бўлуб андоқ фано даштида маъдум-
Ки сайри шоҳроҳи хатти мавҳум.

Бу хатқа нуқтаким мавжуд эмастур,
Хирад олинда жуз нобуд эмастур.

Фано мулкида жисми ўйла фоний-
Ки фаҳм айлаб саводи аъзам они.

Жаҳонни ким қила олғай таваҳҳум-
Ки бўлғай нуқтаи мавҳум аро гум.

Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил.

Жаҳон ичра жаҳон ким топти макнат,
Солиб икки жаҳон халқиға ҳайрат.

Жаҳон йўқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсади ақсо де они.

Ки ҳарне олами суғрода мавжуд
Бори бу олами куброда мавжуд.

Бу достон ҳам тавилуз-зайлдур[106], мунча абёт истишҳодға келтурулди.

Аларнинг «Лайли ва Мажнун» китобида ул достонким, сарсухани бу навъ битибдурким: «Дар зикри баъзе берун рафтагони аз доирай моҳу сол ва дуои баъзе марказнишинони нуқтаи хол[107]» ва анда рамз ва ишорат била тахаллусни зикр қилиб, бу фақирни ўз ёрлиғлариға баҳраманд ва ўз муҳаббатлариға аржуманд қилибтурлар. Бу навъдурким:

Соқий, бидеҳ он маи куҳансол,
Ёқути музобу лаъли сайёл.

Он май ки чу дўстон бинўшанд
Бо ҳам ба вафову меҳр кўшанд.

Ором шавад рамидагонро,
Пайванд диҳад буридагонро.

Ёре ки кунад ба ёр пайванд,
Нахли амалаш шавад баруманд.

Ёр аст калиди ганҷи уммед,
Ёр аст навиди айши ҷовид.

Мақсуди вуҷуд чист ҷуз ёр,
З-ин савдову суд чист ҷуз ёр.

То хотимати вуҷуд аз оғоз
Мурғе накунад чу ёр парвоз.

Хосса ки ба боғи ошной,
Бар шохи вафо бувад Навой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъне ки Навоӣ лутф созад,
Дилҳои шикастагон навозад.

Қоре набвад ба ҷои ин кор
Ёрони ҷаҳон фидои ин ёр.[108].

Бу фақир ҳам «Хамса»да бу дафтар аввалида алар мадҳида достоне ороста қилибмен ва бу абёт андиндурким,

маснавӣ:

Сӯз гулшанининг шугуфта варди,
Илм оятининг варақнаварди.

Қадриға ул авж узра поя,
Ким меҳр тутуб тагида соя.

Наълайнидин айлабон малак ҳал,
Суртарға судоъ бўлса сандал,

Ҳамдинки, асоси бошида тоб,
Чекмакка ики жаҳонни қуллоб.

Нўгида синон айлагач кин,
Кўр айлаб дев ила шаётин.

Юз донаки субҳаси аро қайд.
Юз файз қушини айлабон сайд.

Ул торки доналар белига,
Бил ҳабли матин жаҳон элига.

Ибриқи вузуси баҳри гардун
Ҳар қатраки томса дурри макнун.

Лўла анга файзи жовидоний,
Андин оқиб оби зиндагоний.

Каъби ери давраи иродат,
Давр аҳлиға ҳалқаи саодат.

Алар «Хирадномаи Искандарий»даким, «Ҳафт авранг»нинг еттинчи дафтаридур, китоб хатми достонин чун суруб-турлар, сўз хотимасини бу ерга еткурубтурларким,

маснавӣ:

«Биё Ҷомӣ, эй умрҳо бурда ранҷ,
Зи хотир бурун дода ин «Панҷ ганҷ».

Шуд ин «панҷ»ат он панҷаи зўрьёб,
К-зў дасти дарьё кафон дида тоб.

Аҷаб аждаҳоест килкат дусар,
Ки резад бурун ганҷҳои гуҳар.

Кунад аждаҳо бар дари ганҷ ҷой,
Вале кам бувад аждаҳо ганҷзой.

Шуд он аждаҳо ганҷ дар мушти ту,
Бар ӯ ҳалқа зад мори ангушти ту.

Чу гавҳарфишонанд ин ганҷу мор,
Ки шуд пур гуҳар домани рӯзгор.

Вале бинам аз килки ҳар ганҷсанҷ,
Пур аз панҷ ганҷ ин сарои сипанҷ.

Бар он панҷҳо кай расад панҷи ту?
Ки як ганҷашон беҳ зи сад ганҷи ту

Ба тахсис панҷе ки сарпанҷа зад,
Ба шере ки сарпанҷа аз Ганҷа зад.

Ба туркизабон нақше омад аҷаб,
Ки ҷодудамонро бувад мӯҳри лаб.

Зи чарх офаринҳо бар он килк бод,
Ки ин нақши матбуъ аз он килк зод.

Бибахшид бар форсӣ гавҳарон,
Ба назми дарӣ дурри назмоварон,

Ки гар будӣ он ҳам ба лафзи дарӣ,
Намондӣ маҷоли сухангустарӣ.

Ба мизони он назми мӯъҷизнизом,
Низомӣ ки будию Хисрав кадом?

Чу ӯ бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамйизашон раҳ намонд.

Зиҳи табъи ту устоди сухан,
Зи мифтоҳи килкат кушоди сухан

Суханро, ки аз равнақ афтода буд,
Ба кунҷи ҳавон рахт бинҳода буд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ту додӣ дигар бора ин обрӯй,
Қашидӣ ба ҷавлонгаҳи гуфтугӯй.

Сафоёб аз нури рои ту шуд,
Навое зи лутфи навои ту шуд.

Ба-дин нахли назме ки парвардаам,
Ба хуни дилаш дарбар овардаам.

Нашуд боисам ҷуз сухандоният,
Ба дастури дониш суханронят.

Вагарна ман онро чу оростам,
На эҳсон, на таҳсин зи кас хостам.

Чӣ хезад зи мудхил, ки эҳсон кунад,
Чӣ ояд зи таҳсин, ки нодон кунад.

Ба лутфи сухан гар сутудам туро,
Ҳади дониши худ намудам туро.

Ки ин молу ҷоҳ арчи ҷонпарвар аст,
Камоли сухан аз ҳама бартар аст.

Равад як сар аз сайр чархи куҳан,
Вале то ҷаҳон ҳаст монад сухан.

Сухан низ ҳарчанд доим бақост,
Ҳамӯшӣ аҷаб дилкашу ҷонфизост.

Биё, соқиё, ҷоми дилкаш биёр,
Майи гарму равшан чу оташ биёр.

Ки то лаб бар он ҷоми дилкаш ниҳем,
Ҳама килку дафтар бар оташ ниҳем.

Биё, мутрибо, тез кун чангро,
Баландӣ деҳ аз захма оҳангро.

Ки то пунба аз гӯши дил баркашем,
Ҳама гӯш гардему дам даркашем»[109].

Бу фақир ҳам бу китобнинг аввалида алар мадҳида айтқондин бир неча байт била ихтисор қилинур:

Биров олди сўз кишварин яққалам
Ки қилди қаламни сутуни алам.

Қўлиға олиб найза ўрниға килк,
Сўз иқлимини сарбасар қилди милк.

Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр, сўз жисмининг жони ул.

Чу суръат аро ўт сочиб хомаси,
Яна гарм ўлуб нукта ҳангомаси.

Хамул ўтғаким, назм шамъин тутуб,
Маоний шабистонини ёрутуб,

Чу табъидин оқиб маоний суйи,
Келиб чашмаи зиндагоний суйи.

Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб,
Суханварлик ўлган танин тиргузуб.

Чу истаб тараб табъи озодаси,
Қуюб назм жомиға сўз бодаси.

Анинг журъаси элни маст айлабон,
Демай мастким, майпараст айлабон.

Не жомеки, май журъасидин нами,
Тарашшуҳ қилиб, маст ўлуб олами.

Бу янглиғки жоми маоний тутуб,
Малак хайлиға дўстгоний тутуб.

Бўлуб чун анинг жомидин журъачаш,
Бўлуб чарх сўфийлари журъакаш-

Ки машъуф ўлуб жоми мастонаға,
Гарав айлабон хирқа майхонаға.

Янги ойни жоми ҳилолий қилиб,
Неча ким тўла келса холи қилиб,

Жаноҳайн ўлуб сукрдин хокрўб,
Гаҳи даст афшон, гаҳи пойкўб.

Бу навъ ўлсалар арши аъзам эли,
Не бўлғай, хаёл айла, олам эли?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу достон доғи эллик-олтмиш байт борким, барчасин битмак мужиби итноб бўлур учун бас қилилди.

* *
*

Бу фақир Имом Али Мусо ар-Ризо... зиёратидин ҳамул йилким, алар нақл қилдилар, шаҳрға келдим. Маъҳуд тариқ била аввал алар хизматиға туштум. Алар учунчи девонларига тартиб бериб эрдилар. Фақирға ўз муборак хатлари била битилган девонни иноят қилдилар. Фақир илтимос қилдимким, Мир Хисравдин ўзга назм аҳлидин эшитилмайдурким, мутааддид девон тартиб қилмиш бўлғайлар. Аммо аларким мутааддид битибдурлар ҳар қайсиға бир муносиб от қўюбтурлар. Сиз дағи бу девонларға муносиб отлар қўйсангиз деб. Алар қабул қилдилар. Икки кундин сўнгра яна алар хизматиға еттим: жузв қўюнларидин чиқориб фақирға бердилар; девонлар учун феҳрист битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир исмға қилиб эрдилар ва бу ишға фақир боис бўлғонимни дағи зоҳир қилиб эрдилар ва ҳоло куллиётларида давовин ибтидосида битирлар ва ул феҳристда ҳамд ва наътдин сўнгра мундоқ адо қилибдурларким:

«Намуда меояд ки чун ин камина ба ҳасаби фитрати аслӣ ва қобилияти чибиллӣ ҳадафи сиҳоми аҳкоми хучаста фарҷоми сафват калом афтода буд ва садафи ҷавоҳири асрори исми бузургвор «ал-мутакаллим» омада, ҳаргиз натвонист ки авқоти худро билкуллия аз ибдои назмӣ, ё ихтирои насрӣ фориғ ёбад ва холӣ гардонад, лоҷарам аз таволии аъвом ва шуҳур ва тамодии аъсор ва дуҳур расоил ва кутуби мутааддида аз мансурот ва дафотири мутанаввиа аз маснавиёт ва давовини мутафарриқа аз қасоид ва ғазалиёт ҷамъ омада буд ва дар ин воло аз таърихи ҳиҷрати набабия то такмили миата тосиа се сол беш боқӣ намондааст, муҳиб ва мўътақиди дарвешон, балки маҳбуб ва мўътақади эшон... Низомул-миллати вад-дин Алишер... ҳиммати шариф бар он овардааст, ки давовини қасоид ва ғазалиётро ки адади он ба се расидааст, дар як ҷилд фароҳам оварда ва чун се мағзи тозаи писта дар як пўст парварда, аз ин фақир истидъои он кард, ки ҳар як ба исми хос самти ихтисос гирад ва аз васмати ибҳом ва иштирок сурати истихлос пазирад, лоҷарам ба мулоҳазаи авқоти вуқуашон девони аввал ки дар авони ҷавонӣ ва авоили замони амну амонӣ ба вуқуъ пайваста ба «Фотиҳатуш-шаббоб» иттисом меёбад ва девони сонӣ ки дар авосити уқуди айёми зиндагонӣ интизом ёфта ба «Воситатул-иқд» номзад мешавад ва девони солис ки дар авохири

ҳаёт оғози тартиби он шудааст ба «Хотиматул-ҳаёт» мавсум мегардад.

Умедворӣ ба карами ҳазрати парвардигорӣ восиқ аст ки номи ҳама азизон ба саволиҳи аъмол ва латоифи ақвол бар сафаҳоти рўзгор бимонад ва воситаи дуои хайр ва василаи саодатин охират гардонад.

Р у б о ӣ: Ҳаргиз макнод ин фалаки пуршутулум

Номи моро аз номаи ҳастӣ гум.
Зеро ки бақои он пас аз марги нахуст,
Гўянд ҳакимон, ки ҳаётест дувўм...[110]

Чун фақир алар хизматида бу феҳристни ўқудум, бу фақирға ҳам амр қилдиларким: «Сенинг доғи назминг туркча алфозда чун мутааддид бўлубтур, сен доғи ҳар бирисини бир исм била мумтоз қил ва ҳар қайсини бир лақаб била жилвасоз этгил».

Алар амрининг итоати чун вожиб эрди — фақир доғи аввалғи девонғаким, туфулиятда рангин назмнинг ғаробати бор: «Ғароибус-сиғар» от қўйдум; ва иккинчи девонким, шабоб айёмидаким, маоний нодиралари назм силкига киритбур: «Навоидируш-шабоб» лақаб бердим; учунчи девонким умр авositида воқеъ бўлғон бадеъ никотдур «Бадойиул-васат»қа мавсум бўлди; ва тўртунчи девонким, шайхухат синнидағи фойдалардур: «Фавоидул-кибар»ға иттисом топти. Умид улким, сағир ва кабир, шайх ва шобнинг хотираларига дилпазир ва кўнгулларига ногузир бўлғай.

* *
*

Устод Қулмуҳаммад кичик эркандаким, мусиқий ўрганур эрди, чун бот ўрганмоки била хўб ишлар ясамоғи шуҳрат тутти. Фақирға доия бўлдиким, бу фаннинг илмийсини дағи билгай, мавлоно Бу-Алишоҳ бўкаким, бу фанда асрининг бебадалидур — анга сипориш қилилди. Агарчи акнун афъюн касрати ани ақл ҳулъясидин орий қилибдур, ул вақтда бу фанда «Аслул-васл» отлиғ китобни тасниф қилди, дағи Мир Муртоз ва Хожа Шиҳобиддин Абдуллоҳ Марворид ва мавлоно Биноий дағи бу фанда рисолалар битидилар. Аммо чун барча изҳори истиъдод қилиб эрдилар — мубтадиға бот баҳра олмоқ душвор эрди. Ул ердинким, аларнинг бу фақир сори иноят ва илтифотлари бор эрди, мусиқий ва адвор[111] рисоласин битидиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ул вақтдаким, бу фақир Мир Хисравнинг «Даръёи аброр»иға Марвда татаббуъ қилиб, алар отиға тугатиб, шаҳрға йибориб эрдим, андоқки юқори мазкур бўлди. Ул қасидада йигирмидин ортуғроқ байт муаммо тариқи ва истилоҳи била муаддо бўлуб эрди. Алар мунунг муқобаласида муаммо тариқи била бир қасида айтиб, анда басе дақиқ маоний ва ғариб тарокиб дарж қилиб, битиб йибориб эрдилар ва ул шеърнинг матлаи будурким:

Ҷоҳ дори ҷоҳил-осо дар сар, эй комил, мудом,
Ҷоҳилат хонам на комил чун туро ҷоҳаст ком[112].

Бир қатла бу фақирнинг туркча бу матлаиким:

Очмағай эрдинг жамоли олам оро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки,

эл орасида шуҳрат тутуб эрди ва подшоҳ ҳазратларининг суҳбатларида дағи кўп ўқилур эрди. Шуюъ ва шуҳрати ул ерга еттиким, ҳазрати Махдумға дағи масмуъ бўлуб, аларға ҳам дағдаға улким, бу баҳр ва қофия ва радифда шеър дегайлар, бу доия пайдо бўлуб, чун туркча алфоз била назмға илтифот қилмас эрдилар, бир форсий ғазал айттиларким, матлаи будур:

Дидаме дидори он дилдори раъно кошкӣ,
Дида равшан кардаме аз хоки он по кошкӣ,[113]

битиб подшоҳ хизматлариға йиборгондин сўнгра мақбул ва матбуъ тушуб, подшоҳ ҳазратлари эҳсон ва таҳсинлар қилиб, бу фақирға ҳукм қилдиларким, аларнинг бу ғазалин мусаддас[114] боғлағаймен. Чун маъмур ва маҳкум эрдим — маоф ва маъзур бўлсам ажаб эрмас. Мусаддас айтилғондин сўнгра подшоҳ ҳазратлари эҳсон ва таҳсинлар қилиб, мусаввадасин алар хизматлариға йибордилар. Алар дағи банданавозлиғ юзидин илтифотлар қилдилар. Матлаи бу навъ боғланибдурким:

Кардаме дар хоки кӯи дӯст маъво кошкӣ,
Судаме рухсори худ бар хоки он по кошкӣ,
Омади берун зи кӯи он сарви боло кошкӣ,
Бурқаъ афканди зи рӯи оламоро кошкӣ,
Дидаме дидори он дилдори раъно кошкӣ,
Дида равшан кардаме аз хоки он по кошкӣ[115].

Хотима

Ул расоил ва кутуб теъдодиким, бу фақир алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен.

Аввал алар битиган «Қофия» рисоласидурким, анингдек мухтасар бу фанда ҳеч ким билмайдур.

Яна «Муаммо»нинг иккинчи рисоласидурким, «Ҳулиятулҳулал» дин сўнграроқ битилибдур.

Яна ҳам аларнинг «Аруз» рисоласидур.

Яна «Лавоеҳ» дурким, сўфия машойих истилоҳида битилибдурким, андоқ рисола ҳеч роқимнинг қаламидин ва ҳеч қаламнинг рақамидин таҳрир топмайдур.

Яна «Лавомеъ»дур, ҳам бу истилоҳдаким, ҳар ламъасининг партави соликка ҳирмон қоронғу тунида ҳидоят шамъининг осоридур, балки иноят машъалининг анвори.

Яна «Шарҳи рубоиёт»дур, ҳам бу истилоҳдаким, фано тариқида мосиваллоҳ азосиға тўрт такбир урмоқ анинг мутолаасидин муяссардур.

Яна ҳам бу истилоҳда «Ашиъа» дурким, барқининг талолойидин хира кўзларга очуғлуқ ва қуёшининг шаъшаасидин тийра кўнгулларға ёруғлуқ етишур.

Яна «Нафаҳотул-унс» дурким, ошнолиғ насоими унс равзасидин жон машомиға келтурур ва улфат шамоими қудс гулшанидин руҳ димоғиға еткурур.

Яна бири «Шавоҳидун-нубувват» муқобала қилилибтурким, алфози имон жўйбори ашжорин яқин анҳори била сероб ва маонийси ийқон ашжори асморин таққиқ саҳоби амтори била шаҳди ноб этар.

Яна баъзи машойих... расоилидин: Хожа Муҳаммад Порсо...нинг «Қудсия» сидурким ҳазрати қутбил-авлиё Баҳовуддин Нақшбанд раҳматуллоҳнинг фирдавс ойин мажлисларида ул ҳазратнинг муъжиз баён тилларига ўтган ҳақойиқ ва маоний баъзи хулафоким, жамъ қилурлар эрмиш Хожа Муҳаммади мазкур анға маоний битибдурлар ва толиблар учун анинг диққатлари ийҳомин возиҳ этибдурлар.

Яна ҳазрати шайхил-машойих Фахрил-миллати вад-дин Ироқийнинг «Ламаот»идурким, ҳазрати Махдум ул китобни бу фақирға сабақ айтурда айтур эрдиларким, «Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ ва ноҳамвор равишлиқ элнинг кўпроқ машғуллуқ қилғони хавос аҳлида бадном қилғон эрмишким, баъзи ўқумас эрмишлар. Бу жиҳатдин бу китобнинг хўблуқлари яшурун қолғон эрмиш». Асру изҳори хушҳоллиқ ва сурур қилурлар эрди, шарҳ битмагига дағи бу иш боис бўлди. Ушбу анинг таърифида басдур.

Яна ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ...нинг оталари ишорати била битилган рисолаларидур, ҳам фақр ва фано тариқида-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ким, оз ўғулға бу давлат муяссар бўлуб эркинким, ота амри била бу навъ шойиста хизмат қилмиш бўлғай ва андоқ писандида амр бажо келтирмиш бўлғай.

Яна муқарраби ҳазрати борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий... нинг «Илоҳийнома»сидурким, анинг васфида қалам тили ожиз ва лол ва қаламзан хомаси алкан ва шикаста мақолдур.

Яна «Хамса», балки «Ҳафт авранг»ларининг кўпрагин муқобала дастури била алар ўқуғонда қулоқ тутулубтур ё қулоқ тутқучилар мадади учун алар мажлисида ўқулубтур.

Яна дағи баъзи расоил бор, агарчи сабақ дастури била ё муқобала қонуни била алар хизматида ўқулмайдур, аммо мушкил маҳаллари алардин сўрулуб, таҳқиқ қилилибтур.

Агарчи хавориқи одат изҳориға ҳак таоло амри била маъмур эмаслар эрди ва покиза ҳолатлари «Маломатия» тариқини шоирлиқ ва муллолиқ тариқида яшурун тутарлар эрди. Аммо гоҳи ғариб нималар алардин зоҳир бўлур эрди.

Ул жумладин дағи бир нечаким, айнил-яқин бўлубтур — битимаги муносиб кўрунди.

Сейидам Ироқий деган йигит Музаффар барлоснинг ўбдон навкари, балким эшик оқоси эрди, ғояти нодонлиғидин аларға мункир эрмиш, ғояти инкоридин аларнинг девонин бирин-бирин узуб, ўтға солиб, куйдурубтур. Ҳамул уч-тўрт кунда гўё бир узвиға туган қўпуб, ул жароҳат газак бўлуб, охир бўлди.

Маждиддин Муҳаммадки, олам машҳуридур, таърифға эҳтиёж эмас. Подшоҳ ани ёзғурғонда андин итлоқиға зомин тилагандур. Ул аларға илтимос қилибдур; ва алар тааҳҳуд қилғондин сўнгра қочти. Оз фурсатда, ўн беш кунга тортмадиким, тутулди. Азим қийинлар тортти ва бору йўқ жиҳотин девоний қилдилар[116]. Шаҳрдин бошин олиб, овора бўлди ва ҳамул оворалиқда фаноға борди.

Бир панжшанба куни алар хизматида Гозургоҳдин қайтиб келиладур эрди, Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонаи фосиқи абтарий шаҳарда бор эрдиким, доим маст юрур эрди ва йўлуқғон элга ташнеълар ва сафоҳатлар қилур эрди. Бу фақирни чун

алар хизматида кўрди, аларға абтар ва девоналиғ юзидин узромиз ҳикоятлар де бошлади. Чун андин бу хилофи маъҳуд эди. Фақир таажжуб қилдимким, девонани не нима мунга тутуб эркинким, одмиёна ва ҳушмандона сўзлар андин зоҳир бўладур. Баъзи мулозимлардин сўзин тақрир қилдиларким, туно кун девонаи абтарийи усрук аларға йўлуқуб, кўп беадабона ҳарзалар деб, оғзиға келган сафоҳат қилғон эркандур. Букунким, фақирни алар хизматида кўрубтур, бу хаёл биларким, ногоҳ алар тўно кунги ҳолни фақирға изҳор қилсалар, фақир девонаи абтарға изо қилғаймен, деб қўрқунчдин мулоямат қиладур эрмиш. Фақир бу сўзни эшитгач, беихтиёр бар он бўлдумким, анга изо қилғаймен. Алар манъ қилиб айттиларким:

— Ул ўз сиёсатин топқусидур, сен ҳеч нима дема.

Ҳамул беш-ўн кунда абтар девонани бўзахонада яна бир ўзидек абтар бўйнин чопиб ўлтурди.

Толиби илмлар орасида Ноҳиқийким, ани дев била шаётиндин мутаваллад бўлғон ўғул деса бўлур, ноҳамворлиқ ва беандомлиғи андин кўпрак эрдиким, ани шарҳ қилса бўлғай.

Ул жумладин бири буким, аларға мункир эрди ва ҳазаёнот кўп айтур эрди. Бир кун Гавҳаршод бегим мадрасаси толиби илмлари бир боғда суҳбат тутуб, буғро[117] пиширадур эрмишлар. Алар таърифида баъзи муболаға қиладур эрмишлар. Ноҳиқий инкор юзидин бемаъни ҳашвлар айтур эрмиш. Иродат аҳли аларнинг девонин очибтурларким, кўрали: ул ҳазрат Ноҳиқий бобида не нима зоҳир қилурлар, деб сафҳанинг аввалида бу байт келибтурким,

ш е ъ р:

Пурсат гўши ман аз субҳаи малак чу Масиҳ,
Кучо мушаввиши хотир бувад наҳиқи харам[118]

Ўз фавтлари воқеасидин ўттуз беш йил бурунроқ, ул йилким, Султон Абусаид мирзо аввал қатла Шоҳрухия қўрғонин бориб қабаб эрди, ул юрушта Хожа Деҳдор била эрди ва мавлоно Қутбиддин Нафис мулозими эрди. Бир кеча аларни воқеада кўргандурким, анинг сори боқиб айтибтурларким; «Қуръон бихон». Ул подшоҳ замониким ўтти ва салтанат тахти султони соҳибқирон Абулғози султон Ҳусайн Баҳодирхон ...ға муқаррар бўлди, ул воқеа тарихидин етти ё секкиз йилдин сўнгра Хожа Деҳдор бу фақирға мусоҳиб бўлди, ул туш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни изҳор қилди. Фақир соий ва боис бўлдумким, ул қуръон ўқуб, ёд тутти ва хўб ҳофизи мужаввид бўлди.

Алар фавт бўлур йилким, ул воқеа кўрган тарихдин ўттуз-ўттуз тўрт йил тахминан ўтуб эрди эркин, Хожа Деҳдорни баъзи муҳим учун Астробод вилоятиға йибориб эрдим. Ул муҳимни саранжом қилиб, қайтиб келадурганда шаҳарнинг бир манзилида эканда аҳмол ва асқолни қўюб, бежиҳат илғаб, шаҳарға келди ва алар назъ ҳолатида ва мавт сакаротида эрдилар, ҳеч ҳофиз ҳозир эрмас эрдиким, алар бошида қуръон ўқуғай. Бу маҳалда Хожа Деҳдор етишти. Аларнинг видоъ дийдорлариға мушарраф бўлуб, қуръон ўқуғали бошлади, хатмни тугатмак ҳамон эрдиким, алар руҳ вадиатин жон офарингға топшурдилар. Бу навъ каромат авлиёнинг камидин воқеъ бўлмиш бўлғайким, ўттуз йил ортуғроқдин сўнгра натижа зоҳир бўлмиш бўлғай.

Аларнинг бу навъ ҳолот ва камолот ва каромотларида азизларки, мисли: мавлоно Абдулвосеъки, басе фазоили ҳамида била оростадур ва мавлоно Аҳмад Пир Шамским, басе хасоили писандида била пироста кутуб ва расоил битибтурлар, маълум қилай деган киши ул китоблардин маълум қила олур. Бу фақир ўз кўрганларимнинг юзидин бирин битсам сўз узар жиҳатдин бир неча била ихтисор қилдим.

Ул ҳазратнинг фавтлари воқеаси шарҳиға шуруъ қилали: аларнинг валодатлари тарихи ва ҳаётларининг замонининг тарихи юқори мазкур бўлубтур. Аммо фано доридин бақо гулзориға риҳлатлари жумъа куни муҳаррам ойининг ўн еттисида тарих секкиз юз тўқсон секкизида[119] воқеъ бўлди.

Ва анинг шарҳи будурким, шариф жисмлариға ҳаво асаридин заъф юзланиб эрди, бир кун соҳиб фирош бўлдилар. Бу фақир дам-бадам хабар тутар эрдим. Панжшанба куни хотирим аларнинг заъфидин бағоят мутараддид эрди, жумъа кечаси бу тараддудда уйқум келмас эрди. Ярим кеча изтироб юзидин отланиб, алар хизматиға иёдатға бордим. Баъзи азизлар ва асҳоб аларнинг бошларида жамъ эрдилар, гоҳ беҳол, гоҳ ўз ҳолларида эрдилар. Фақир густохлиқ юзидин хотир итмийнони учун ҳолларин сўрдум, илтифот қилдилар. Ва ҳазрати қутбис-соликин Хожа Абдулазиз Жомий дағи бошларида ҳозир эрдилар. Тонг отқунча бир ҳолда эрдилар, чун тонг намозидин халойиқ фориғ бўлдилар, аларнинг ҳоли ўзгачарак бўлди. Ҳазрати Хожа Абдулазиз чун кўрдиларким, ҳол ўзга навъдур, ўзлари мадад бериб, аларнинг бошин машриқ жонибидин шимол жонибиға қилиб, юзларин қибла сори қилдилар. Мавлоно Зиёвуддин Юсуфким, аларнинг аржуманд

фарзандларидурлар, аёғлари сори кўзлариға ўтру ўлтуруб эрди, алар қачон кўз очсалар анга илтифот юзидин боқадурлар эрди. Бу фақир густохлиқ қилиб, илтимос қилдимким, махдумзода ўтрудин қўптилар. Андин сўнгра алар нақшбандия хожалари тариқи била хафий зикриға машғул бўлуб ўз таважжуҳлариға иштиғол кўргуздилар, то жумъа салоти чиқти, андоқки, юқорироқ мазкур бўлди — Хожа Ҳофиз Ғиёсиддин Муҳаммад Деҳдор келиб, аларнинг бошида қуръон хатмиға машғул бўлди, то ул замонким, ҳануз эл намоздин фориғ бўлмайдур эрдиларким, алар касрат анжуманидин кўз юмуб, ваҳдат хилватхонасиға нузул қилдилар. Аларнинг мутаҳҳар руҳи чун малаил — аълоға азимат қилди ва асҳобнинг ҳаёти қуши ҳамул тойири қудсийдин ирашти, фазаи акбар малаи аълоға етишти, чун ул пок муҳиб ўзин пок маҳбуб висолиға солди — олам жонсиз баландек холи қолди. Шеър:

Кўкка мотамзадалар навҳаси гар ёвушти,
Мени мотамзадаға лек қатиғ иш тушти.

Не ўзга бедод қилмоқдин фоидае, балки не ўзни ўлтурмоқдин натижае. Бу фақирға воқеъ бўлғон суубат шарҳи чун мумкин эрмас ва шуруъ анга таҳайюр ва тааззурдин ўзга фоида бермас, шуруъ мақсудға қилмоқ авлодур.

Алқисса: бу муҳиш хабар шаҳрға муштаҳир бўлғоч, акобир ва ашроф жавониб ва атрофдин етиштилар. Барча сўгворлиқ либосида, балки мотам ва азо балосида то улки, ҳазрати султони соҳибқирон... ташриф келтурдилар, ҳой-ҳой йиғлаб ва талх шўробалар тўкуб, бир замон ўлтуруб, мавлоно Зиёвуддин Юсуфни шафқат юзидин қучуб, муддате бошин қўйнида асраб йиғлаб, сойир асҳобға кўнгул бериб, бу фақирни соҳиб азо тутуб, ҳолимға дилсўзлуқлар била ашк тўкуб, насойиҳ ва мавоиз дурбор алфозларидин зоҳир қилиб, чун муборак мизожларида заъф бор эрди — хилофат тахти ва салтанат маснади азимати қилдилар ва султонзодаларни ва аркони давлатни борчасин анда аларнинг кўтарур ишига қўйдилар. Султон Аҳмад мирзо ва Музаффар Ҳусайн мирзо бошлиғ салотин ва подшоҳзодалар бир-бирига навбат беришмай, аларнинг маҳфуф маҳофасин эгинлариға кўтариб, Мусаллоға[120] элттилар. Халойиқ ғавғоси ул мартабада эрдиким, неча юз минг халқни тасаввур қилса бўлғайким, бир жисм бўлуб эрдилар. Намозгоҳда ҳазрати Хожа Азизуллоҳ ул ҳазратға сойир ашроф била намоз қилиб, яна мутаҳҳар равзаларига олиб қайттилар ва халқ ғавғосидин миҳаффани[121] келтурмак душвор эрди. Подшоҳзодалар ясовуллуқ қилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

элни қўруб, йўл очиб, наъш мадфанға етти ва ҳазрати қутбил-авлиё мавлоно Саъдиддин Кошғарий ёнидаки, зоҳиран тариқат одобида аларнинг пиридур — дафн қилдилар.

Ва ҳазароти олиёт маҳди олия Бикабегимки, сойир абнойи жинсдин фазл ва камол ва ақл ва ҳамида хисол била мумтоздурлар ва аларға иродат ва ихлослари бениҳоятдур, ҳам сўгворлиғ ва мотамзадалиғ таврида келиб, азо сўрар қоидасин бажо келтурдилар ва бу фақирға навозишлар қилиб, борча асҳобни ва махдумзодани илтифотлар била мушарраф қилдилар.

Сойир азизларким, атрофдағи вилоятдин аларнинг азоси учун келдилар, чун филҳақиқат бу фақир соҳиб азо эрди, ҳамул дастур била фақирни-ўқ соҳиб азо тутуб, сўрмоғ расмин маръий туттилар. Ҳаттоким, ҳазрати салтанат шиор, хилофат дисор Султон Бадиуззамон мирзо... ким, Мозандарон мулкидин киши йибориб, алар азоси учун баъзиға либослар илтифот қилиб эрдилар, ҳам мухотаб фақир эрдим ва ул ҳазратнинг ҳазрати салтанат шиор била гўшаи хотир ва ҳиммат-лари бағоят кўп эрди. Ҳазрати салтанат шиорнинг ҳам аларға иродат ва ихлоси бениҳоят эрди.

Бир йилғача олам аҳлиға умуман ва Хуросон ва Ҳирот аҳлиға хусусан мотам эрди. Йил бўлғондин сўнгра ҳазрати султони соҳибқирон аларнинг йил ошин басе эъзоз ва эҳтиром била подшоҳона бериб, мухлисларидин баъзи[122] ул ҳазратнинг мутаҳҳар марқади бошида олий иморат солиб, ҳуффоз ва имом ва муқри ва худдом тайин қилди. Ва назм аҳли кўп тарихлар айтиб ўқудилар. Ул жумладин ҳуруф роқими[123] бу марсия била тарихни айтиб, йил оши тортарда султони соҳибқирон олий мажлисларида ўткарди ва ҳукм бўлдиким, мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди.

Тарих будурким:

Гавҳари кони ҳақиқат, дурри баҳри маърифат,
К-ў ба ҳақ восил шуду дар дил набудаш мосивоҳ,
Кошифи сирри илоҳӣ буд бешак з-он сабаб
Гашт таърихи вафоташ: «Кошифи сирри илоҳ»[124].

Ва марсия будурким:

Марсия

Ҳар дам аз анҷумани чарх ҷафои дигар аст,
Ҳар як аз анҷуми ў доғи балои дигар аст.

Рўзу шабро, ки кабудасту сияҳ ҷома дар ў,
Шаб азои дигару рўз азои дигар аст.

Балки ҳар лаҳза азоест, ки аз дашти адам,
Ҳар дам аз хайли аҷал гарди фанои дигар аст.

Ҳаст мотамкадае — даҳр, ки аз ҳар тарафаш
Дуди оҳи дигару нолаву вои дигар аст.

Оҳи у ҳаст ба дил тирагӣ афзоянда,
Вои ў низ ба ҷон яъсфизои дигар аст.

Гули ин боғ, ки садпора зи мотамзадагист,
Ҳар яке сўхтаи ҷома-қабои дигар аст.

Оби ў заҳру ҳавояш мутааффин, чи аҷаб,
Ки дар ин марҳала ҳар лаҳза вабои дигар аст.

Аҳли дил майл сўи гулшани қудс оварданд,
Ҳаст аз он рў, ки дар ў обу ҳавои дигар аст.

Назди арбоби яқин дори фано ҷое нест,
Ватани аслии ин тоифа ҷои дигар аст.

3-ин сабаб масти маи ҷоми азал орифи Ҷом
Сархуш аз дори фано сўи ватан кард хиром.

* *
*

Эй ҳарими ҳарами қурби илоҳӣ ҷоят,
Тарафи ҷаннати фирдавс куҷо парвоят.

Чун шудӣ аз ҳарами мулк ба сайри малакут,
Буд дар анҷумани хайли малак ғавғоят.

Тўтиёни ҳарами қудс ба дил муштоқат,
Булбулони чамани инс ба ҷон шайдоят.

Кимиёкори қазо меҳри дигар дод тулўъ
Чархро аз асари равшании симоят.

Нуҳ фалак чарх занон омада бар атрофат,
Буда гўё ба сари ҳар як аз он савдоят.

Шўр дар олами арвоҳ бияфтод, аз он,
Ки ниюшанд ба ҷон нуктаи руҳ-афзоят.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Руҳи ақтоб расиданд ба истиқболат,
Ҷони автод фитоданд ба хоки поят.

Даст бар даст рабуданд туро то ҷое,
Ки дар ин ғамкада ҳам хостӣ онро роят.

Ту шудӣ восили мақсуди ҳақиқию бимонд
То қиёмат ба ҷаҳон шевану вовайлоят.

Дар фироқи ту ғамин монд дили ғамзадагон,
Тира з-ин гӯшаи мотамкада мотамзадагон.

* *
*

Ту бирафтию дили халқи ҷаҳон зор бимонд,
То қиёмат ба фироқи ту гирифтор бимонд.

З-оташи оҳи дили сӯхтагон то ба абад
Дудҳо дар хами ин гунбази даввор бимонд.

Аҳли тавҳид, ки бе муршиди комил гаштанд,
Садашон мушкили ҳалношуда дар кор бимонд.

Соликонро, ки камол аз ту расидӣ ба сулук,
Аҷзҳо дар равишу нуқс дар атвор бимонд.

Уламоро, ки шудӣ машъали дарс аз ту мунир,
Тира шуд машъалу то ҳашр шаби тор бимонд.

Сирри ҳақ рафт паси пардаи китмон, ки зи ашк
Ба гил андуда дури махзани асрор бимонд.

На ки сад хори алам бар дили аҳрор халид,
Ки дусад бори ситам бар тани аброр бимонд.

Толибонро равиши роҳи фано рафт зи даст,
Ҳар яке дар паси сад пардаи пиндор бимонд.

Чӣ тазалзул, ки зи фавти ту дар айём афтод,
З-он тазалзул чӣ халалҳо, ки дар ислом афтод.

* *
*

З-ин азо дар ҳама олам на гадо монда, на шоҳ,
Ки кашиданд ба сӯги ту дусад нолаву оҳ,

Абрсон гиръякунон, наъразанон соя фиганд
Бар сари наъши ту хуршеди карам — зилли илоҳ.

Гар муяссар шудаяш наъш кашидӣ бар дӯш
Чун мани сӯхтадил ҷониби мадфан ҳамроҳ.

Шаҳриёрони ҷаҳон чок зада ҷома ба тан,
Пеши тобути ту пӯянда ба аҳволи табоҳ.

Сарбаландони ҷаҳон дар таҳи наъшат шуда паст,
Ҳама гирьёну кашон бори ту бо пушти дутоҳ.

Шуда ҳар пояи наъши ту ба дӯши як қутб,
Лек ҳар чор шуда нудбагару вовайлоҳ.

Оламеро ба сӯи олами дигар бурдан
Натавон ҷуз ба чунин боркашонӣ огоҳ.

Ҷазаи акбаре афтод, ки бо ин ҳама чашм,
Чархи гардун натавонист ба дон сӯй нигоҳ.

Гарчи шоми ту шуд аз нур чу маҳтоб сафед,
Ҳеч кас лек надидаст чунон рӯзи сиёҳ.

Ба намозат, ки ҳазорон зи башар пайвастанд,
Сад ҳазорон зи малоик ба ҳаво саф бастанд.

* *
*

Ҳама бурданд ба афғону дили чок туро,
Ҷой карданд чу ганҷе ба дили хок туро.

Хайли арбоби иродат ҳамаро чок ба дил,
Ҳар яке хост кашидан ба дили чок туро.

Сари покони ҷаҳон будӣ, аз он эзиди пок
Пок оварду дигар бурд ҳамон пок туро.

Ғарқаи баҳри висолӣ, ки ба чашми ҳиммат,
Равза чун гулхану тубист чу хошок туро.

Руҳи покат чу ба болои нуҳӯм чарх шитофт,
З-ин ки тан зери замин рафт куҷо бок туро.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳама покони ҷаҳонро ба тани пок расид,
Ончӣ омад ба тани пок зи афлок туро.

Сайри афлокат аз он шуд, ки зи эзид дархост
Баҳри ҳамрозии худ хоҷаи лавлок туро.

Ақли кул будӣ аз идроки маонӣ з-он рӯ
Натавонад, ки тааққул кунад идрок туро.

Қисми ёрони ту гар зорию ғамнокӣ шуд,
Лек зоре набувад чун мани ғамнок туро.

Зада саф хайли акобир, ки барояд Махдум,
Мухлисонро макун аз дидани рӯят маҳрум.

Дӯстон, дар ҳама фан нодираи олам ку,
Афзалу афсаҳи ачноси банӣ одам ку?

Дар биёбони таманнош халоиқ мурданд,
Ба давои ҳама он Хизри Масиҳодам ку?

Дили аҳбоб шуд аз теғи фироқаш сад захм,
Он ки будӣ ҳамаро хулқи хушаш марҳам ку?

Хома рӯ карда сияҳ, синаи худро зада чок,
Ки худованди ман он бар уламо аълам ку?

Ҳуҷра холию парешон шуда авроқи кутуб,
Соҳиби ҳужра кужо, нозири онҳо ҳам ку?

Дар саро нест ба ҷуз худкушии ғамзадагон,
Он ки таскин диҳад инрову хурушон ғам ку?

Дар Хуросон натавон гуфт, ки кас хуррам нест,
Кас ки дар рӯи замин ёфт шавад хуррам ку?

На ки дар хонақаҳи зуҳд фитод ин мотам,
Дар хароботи фано низ ба ҷуз мотам ку?

Эйки будан ба фано аҳд кунӣ боқии умр,
Андар-ин дайри фано аҳди бақо маҳкам ку?

Ишқбозон зи ғам оташ ба дил афрӯхтанд,
Ҷонгудозон ҳам аз ин оташи ғам сӯхтанд.

* *
*

Эй, ки дар пеш гирифтӣ сафари дуру дароз,
Ки бад-ин навъ сафар ҳар ки бишуд н-омад боз.

На ки аз нӯги қалам боз бибастӣ раҳи сеҳр,
Балки аз банди забон бурдӣ аз офоқ эъҷоз.

Нафси қудсият аз кас натавон ёфт дигар,
Ваҳйро баъда набӣ з-он ки нашуд кас мумтоз.

Шоҳро монд ба ҷон з-оташи ҳиҷрони ту сӯз,
Бандаро дар дили сад пора зи доғи ту гудоз.

На шаҳу банда, ки то рӯзи қиёмат дар даҳр
Ҳар ки бошад бувад аз мотами ту навҳатироз.

Гарчи рӯ дар тутуқи васл ниҳуфтӣ, ки шавӣ
То абад ҷилвакунон дар ҳарами иззату ноз.

Мадад аз руҳи пуранвори худат низ расон,
Ки харобанд зи ҳаҷри ту басе аҳли ниёз.

Эй рафиқон, ҳамаро оқибати кор ин аст,
Фикри анҷом касе беҳ, ки кунад аз оғоз.

Ҳар кӣ сад қарн бимонад ба ҷаҳон ҳам ба фусун
Бирабояд зи ҷаҳонаш фалаки шӯъбадабоз.

Шоҳи маънӣро гар сурат афтод чунин,
Бод то ҳашр шаҳ сурату маънӣ омин[125].

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ҲАЙРАТУЛ-АБРОР»ДАН

Сафо жомининг софи ошоми мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадда зиллаҳул-олий васфиким, васфға сиғмас ва таърификим, таърифга рост келмас ва ул ҳазрат илтифотининг қуёши бу хоксори тийра рўзгор ҳолиға партав солғоннинг изҳори ва ул қуёш тарбиятидин бу туфроққа зоҳир қилған гули насрин, балки гуногун раёҳин осори ва «Туҳфатул-аҳрор» туҳафи мутолаасидин маҳзун кўнгул тараби ва «Ҳайратул-аброр» лаоли ва жавҳарин назм риштасиға тортмоқнинг сабаби.

Улки букун қутби тариқатдур ул,
Қошифи асрори ҳақиқатдур ул.

Кўкси ҳақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси.

Олий анга етти фалакдин маҳал,
Етти фалак мушкили оллида ҳал.

Мадрасаи қудс анинг маъмани,
Хонақаҳи унс анинг маскани.

Жилвагаҳи гулшани чархи барин,
Обхўри чашмай айнил-яқин[1].

Қасри каломи чиқиб андоқ баланд,
Ким анга гардун сола олмай каманд.

Анда шаётин хасиға йўқ сабот,
Баски уруб хайли малоик қанот.

Гунбадийи ҳужрада зоти ниҳон,
Ўйлаки кўк гунбади ичра жаҳон.

Қайси жаҳон, олами кубро[2] дегил,
Қудрати оллоҳу таоло дегил.

Хирқа анинг жисмида қаптон[3] бўлуб,
Қаптони тан, жисми анинг жон бўлуб.

Хирқа била топмағани ихтисос,
Танни риё тўнидин этмак халос.

Чунки таважжуҳда қуйи солса фарқ,
Сойири равшан равиш андоқки барқ.

Сайрдаким чархни айлаб хижил,
Тай қилибон арз «катаййис-сижил»[4].

Вақти қуёшин чу қилиб парда пўш,
Қилки қаро абрдек айлаб хурўш.

Парда ясаб ҳолати пинҳон учун,
Сафҳа ёзиб сатр ила китмон учун[5].

Зулмат этиб жамъ давоти анинг,
Маъни ўлуб оби ҳаёти анинг.

Қатрасидин кимки бўлуб комёб,
Умри муаббад қилибон иктисоб.

Назми ақолими жаҳонни тутуб,
Насри дағи кишвари жонни тутуб.

Файзи гадову шаҳ аро мунташир,
Хизматиға шоҳу гадо муфтахир.

Лек манга оллида ажзу ниёз,
Борча улусдин берибон имтиёз.

Меҳридин офоқ аро гар нурдур,
Зарра анинг меҳрида машҳурдур.

Қуш кўп ўлур боғ ҳаримиға хос,
Булбул ила гулга бўлур ихтисос.

Номағаким роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин[6].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳр тулуъ айлади чун тоғ уза,
Тушти бурун партави туфроғ уза.

Гулбун уза ҳарне гул очти чаман,
Аввал анинг ҳамдами бўлди тикан.

Базмда бир кун юзидин нур эди,
Ҳар соридин нодира мазкур эди.

Тушти чу раҳрав била пайравға сўз,
Етти Низомий била Хисравға сўз.

Ким не сифат олам аро солди шайн,
Иккисининг хомасидин «Хамсатайн»[7].

Лек бу ўн турфаки[8], топмиш жамол,
Икки бурунғисида[9] бор ўзга ҳол:

Гавҳаре йўқ «Махзанул-асрор»дек,
Ахтаре йўқ «Матлаул-анвор»дек.

Ўзга санамлар ҳам эрур жилва соз,
Борчасининг ҳуснида зеби мажоз.

Ул иккисидин бири гавҳар фишон,
Гавҳарида нури яқиндин нишон.

Ул бириси дағи бўлуб нур пош,
Нури аро партави таҳқиқ фош.

Нукта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.

Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.

Риштаға чун зоҳир эрур тору пуд,
Дурсиз анга ранги-ю нақши не суд?

Ўтти чу алқисса бир ой, икки ой,
Бир кун ўлуб, бахту хирад раҳнамой.

Хизматин эттимки, таманно эди,
Илгида кўрдум неча ажзо эди.

Кулгу била қилди ишорат манга,
Туҳфа[10] била берди башорат манга.

Ким олибон боштин аёғиға боқ,
Қил назар авроқиға боштин-аёқ.

Олиға жон нақдини сочтим равон,
Олдиму ўптум, дағи очтим равон.

Боштин-аёқ гавҳари шаҳвор эди,
Қайси гуҳар, «Туҳфатул-аҳрор» эди.

Нафъ топиб кимки бўлуб мустафид,
Мухтасар ул иккидин[11], аммо муфид.

Ул иккини топса бўлур мунда-ўқ,
Мунда туҳаф кўпки, ул иккида йўқ.

Шавқида кўксумни шикоф айладим,
Жилдиға кўнглумни ғилоф айладим.

Чун ўқумоқ замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас.

Ким бу йўл ичраки алар солди гом,
Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром.

Форсий бўлди чу аларға адо,
Туркий ила қилсам ани ибтидо.

Форсий эл топти чу хурсандлиқ,
Турк дағи топса барумандлиқ.

Ул икига фотиҳа ўқуб сўруб,
Фотиҳа бу бири манаа еткуруб.

Ботин ила қилмаса ул икки рад,
Зоҳир ила бу бири қилса мадад.

Менки талаб йўлида қўйдум қадам,
Бордур умидимки, чу тутсам қалам.

Йўлдаса, бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса, Хисрав била Жомий қўлум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нукта сурудида раво бўлмағай,
Буки Навоийға наво бўлмағай[12].

Элтса жоҳ аҳлиға муфлис паноҳ,
Топса қабул ул ҳам ўлур аҳли жоҳ.

Мушкка ҳаргиз теридин ор эмас[13],
Лаълға ҳам хорадин озор эмас.

Боғи аносирки, эрур дилкушой,
Жадвали девори анинг чордой.

Бўлса ўту суву ҳаво дилпазир,
Ул аро туфроқ ҳам эрур ногузир[14].

Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.

Бўлса хазу атласу иксун либос,
Ит жули қилмоққа ярар ҳам палос.

Лаъл ила ёқуту дур истар баҳо,
Лек сомонники чекар каҳрабо.

Уч қадаҳи соф ила шаҳ бўлса хаш,
Лойи дағи қолса чекар дурдкаш.

Ит киби чун пастлиғим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипига боғладим.

Бўлса алар озими дашти адам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам.

Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робиуҳум калбуҳум[15].

«ФАРҲОД ВА ШИРИН»ДАН

Ҳазрати шайхул-исломий мавлоно Абдураҳмон Жомий... мадҳидаким, бу лабташнаи водийи ҳайратқа мунунгдек маъни бодасининг жоми анинг ҳиммати майхонасининг сувчиларидин дамодам тўлди ва анинг дуоси паймонасининг соқийларидин лаболаб бўлди.

Ики пил ўлса Хисрав ё Низомий,
Эрур юз пил чоғлиғ пил Жомий.

Муҳаббат жоми дурдошоми улдур,
Ҳамоно Зинда пили Жоми улдур.

Қўруб сармасти жоми ваҳдат они,
Демишлар Зинда пили ҳазрат они.

Чу ул май дурдидин бўлмиш хурўши,
Сафо аҳлидур онинг дурднўши.

Майи таққиқ этар ҳолатда ошом,
Чекиб ложуръа гар гардун эрур жом[1].

Бўлуб зоҳир фано тимсоли андин,
Тутуб оламни олам холи андин.

Фано ул навъ этиб нафъйи вужуди[2],
Ки ер топиб набуд ўрнида буди.

Бўлуб андоқ фано даштида маъдум[3],
Ки сайри шоҳроҳи хатти мавҳум.

Бу хатқа нуқтаким мавжуд эмастур,
Хирад олинда жуз нобуд эмастур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фано мулкида жисми ўйла фоний-
Ки фаҳм айлаб саводи аъзам они[4].

Жаҳонни ким қила олғай таваҳҳум,
Ки бўлғай нуқтаи мавҳум аро гум.

Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил.

Жаҳон ичра жаҳон ким топти макнат[5],
Солиб икки жаҳон аҳлиға ҳайрат.

Жаҳон йўқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсади ақсо де они-[6]

Ки ҳарне олами суғрода мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд[7].

Бошиким тарк тожидин баруманд,
Бўлуб тожиға гардун тугма монанд.

Либоси фақри кенграк юз жаҳондин,
Жаҳон силки келиб бир ришта ондин.

Замири лужжаи заххори маъни,
Қаломи гавҳари шаҳвори маъни.

Ўзи дарё, сўзи дурдек муҳайё,
Яна маънидин ул дур ичра дарё.

Келиб дарё насаб, гавҳар ҳасаблиқ,
Ишида неча боқсанг булъажаблиқ.

Қалам баҳри кафида турфа ишдур,
Магар дарё аро бутган қамишдур.

Ажаб эрмас қамиш бўлмоғ шакаррез,
Ва лекин бу қамиш бўлмиш гуҳаррез.

Учидин ҳам гуҳар оламға сочиб,
Ичиндин ҳам шакар дўкони очиб.

Саросар гўйё ул най гуҳардур,
Ғалат қилдим, лаболаб найшакардур.

Оғизлар ичра лаззат шаккаридин,
Қулоғлар ичра зийнат гавҳаридин.

Қулоғни бу гуҳар фарсуда қилмай,
Оғизни ул шакар олуда қилмай.

Шакар ул навъ топмай коми идрок,
Гуҳар бу тавр келмай равшану пок.

Ало, токим, гуҳар сероб бўлғай,
Шакарнинг шираси жуллоб[8] бўлғай.

Сўзин тут гавҳари кони маоний,
Шакар жаллоблиғдин асра они.

Навоийким муриду бандасидур,
Иродат йўлида афгандасидур.

Ҳам ул гавҳар била кўнглин ёрутқил,
Ҳам ул шаккар била комин чучутқил.

Қаломин ул гуҳардек айла рангин,
Ҳадисин ул шакардек айла ширин.

Кетургил, соқий, ул жоми киромий,
Ки тутсун риндлар сархайли Жомий.

Чу пири дайр май қилди ҳавола,
Ичармен гар эрур гардун пиёла.

* *
*

Қўюб васвосу савдоларни бир ён,
Етиштим пир[9] даргоҳиға гирён.

Тушуб тупроғ ичига зору маҳжур,
Кўзум чун топти ул тупроғдин нур.

Сипеҳр олинда андоқким овуч хок
Ва ёхуд туби[10] атрофида хошок.

Демакка арзи ҳолимни уёлиб,
Шукуҳи жисмима титратма солиб.

Кўруб тупроғда ул меҳри жаҳонтоб,
Мени титратмадин андоқки сиймоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кулуб чун субҳ меҳр изҳор қилди,
Ғамим шомини субҳ осор қилди.

Деди: «Ҳолинг недур, шарҳ айла бир-бир?»
Чу сўрди дафъа-дафъа, тушти тақрир.

Чу бўлди барча аҳволимға воқиф,
Манга худ бўлди ул иккинчи ҳотиф[11].

Неким аввалғи ҳотиф ҳукм сурди,
Икинчи хотиф они-ўқ буюрди.

Қабул эттим тутуб анфоси поси,
Равон қилдим дуонинг илтимоси.

Чу ул бошлаб Масиҳ осо каломин,
Дуо ул деб, малоик айтиб: омин.

Дуо йўқким, ижобатдин нишон ул,
Ижобат бирла балким тавъамон ул.

Манга чун етти бу давлат нишони,
Очилди ҳар ён абвоби маоний.

Қаро тупроғ уза ул абри пурбор
Туруб қилди ўзин ул навъ дурбор-

Ки ўтти пояси дарёу кондин,
Не дарёу не конким, осмондин.

Чу мен тупроғ ердин кўкка еттим,
Ер ўптум дағи ўз ҳужрамға кеттим.

Эшик ёпмоққа чун сундум йиликни,
Ёпилғоч ул ҳақ очти юз эшикни.

Кетур соқий, қадаҳ хилватда бир дам,
Чу келтурдунг эшикни боғла маҳкам.

Чу Жомийдан етишти бўйла коме,
Анинг ёди била тут бизга жоме.

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»ДАН

Валоят сипеҳрининг ахтари жаҳонтоби ва ҳидоят маъданининг гавҳари сероби ва назм авжининг меҳри фалак эҳтишоми ва маоний жомининг ринди софий ошоми, яъни мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадҳида нукта сурмак ва анинг дурди жомин сумурмак.

Сўз гулшанининг шугуфта варди,
Илм оятининг варақнаварди.

Қадриға ул авж узра поя,
Ким меҳр тутуб тагида соя.

Наълайнидин айлабон малак ҳал,
Суртарга судоъ бўлса сандал[1].

Хамдинки, асоси бошида тоб,
Чекмакка ики жаҳонни қуллоб[2].

Нўгида санин айлагач кин,
Кўр айлаб дев ила шаётин[3].

Юз донаки субҳаси аро қайд,
Юз файз қушини айлабон сайд.

Ул торки доналар белига,
Бил ҳабли матин[4] жаҳон элига.

Ибриқи вузуси[5] баҳри гардун,
Ҳар қатраки томса дурри макнун.

Лўла анга файзи жовидоний,
Андин оқиб оби зиндагоний.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Каъби[6] ери давраи иродат,
Давр аҳлиға ҳалқаи саодат.

Сажжода масожидида меҳроб,
Қаъба уйиға кирарга абвоб.

Меҳроби уза ёзилғон оллоҳ,
Эвнинг ияси ишида огоҳ.

Бошиға чу билса сажда чоғин,
«Ҳе» даврасидин сунуб аёғин.

Бал саждада жисми чун топиб хам,
Айлаб ани «ҳе» ҳамиға мудғам.

Ҳар саждада ҳаққа бўйла восил,
Не сажда дағи бу васл ҳосил.

Чолиб фалак узра кўси рифъат,
Айтиб малак ичра дарси ҳиммат.

Сочиб лақаби жаҳон аро нур,
Зоти била нурун ало-нур.

Абдураҳмондин оти номий,
Лекин топиб иштиҳор Жомий.

Эй илм юзига машъал афрўз,
Файз ойинасиға сайқал андўз.

Эй борча сулук ичинда муртоз,
Фоиз санга файзи бирла файёз.

Чун илминг баҳриға тушуб мавж,
Бу етти ҳубоб уза тутуб авж.

Хомангдин дурри маъни оқиб,
Сўз силкига нутқунг они тоқиб.

Қилкинг жавфида сайр этиб ул,
Ул нову бу дур хиромиға йўл.

Ул йўл аро корвони маъни,
Балким келибон жаҳони маъни

Чун хавфдин айлабон қадам фард,
Олам юзида бўлуб жаҳонгард.

Яъни тутубон жаҳон юзини,
Бал арсаи осмон юзини.

Ҳам назминг насрдек келиб хўб,
Ҳам насринг назмдек дилошўб.

Бу назминг ила насринг сипоҳи,
Олам юзини тутуб камоҳи.

Гар «Хамса»ни этмай мураттаб,
Қилкинг яна сўз қилиб мураккаб.

Улдамки хароши хома қилдинг,
Ўзга нима нақши нома қилдинг.

Лекин киши бўлса фикрат андеш,
Ул ганжга ҳам эрур адад беш.

Чун «Силсила»[7] айладинг ҳувайдо,
Юз ақлни қилдинг анда шайдо.

Чун «Туҳфа»ни эл балоси эттинг,
Жон туҳфаларин фидоси эттинг.

Чун «Субҳа»ни килкинг этти тавзиҳ,
Солдинг малак ичра зикри тасбиҳ.

Чун қилдинг «Аҳсанул-қасас» фан,
Ул қисса улусқа бўлди аҳсан.

«Девон»ники айладинг муҳайё,
Сочти бошиға гуҳар сурайё.

Қўргуздунг тортмай ғаму ранж,
Беш ганжларига бўйла беш ганж.

Назминг сифати баёндин ортуқ,
Насрингники дерман ондин ортуқ.

То нукта улусқа ком бўлғай,
Файзи анинг элга ом бўлғай.

Файзинг била баҳраманд олам,
Олам эли поймоли мен ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«САБЪАИ САЙЁР»ДАН

Жаноби сипеҳр макон хизматгорлиғи ва саҳоби гавҳар афшон ҳаводорлиғи, яъни ҳазрат шайхул-исломий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий... мадҳида хома найининг шакарборлиғи ва кўнгул садафининг гавҳар нисорлиғи

Фазл конию илм дарёси,
Баҳру кон сирринг шинососи.

Илми дарёсиға ҳубоб сипеҳр,
Йўққи, ул баҳр ичинда гавҳар меҳр.

Кашфи ҳикмат иши камоҳи анга
Ҳам табиию ҳам илоҳи анга.

Худ риёзийда фикри гардунрав,
Айириб чарх мазраин жав-жав.

Арабиятда дарс анинг вирди,
Ибни Ҳожиб камина шогирди.

Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ[1].

Тили зикри каломи раббоний,
Ҳарф бар ҳарф забт этиб они.

Нуқтаи бо «бисм» учун тафсир
Юз мужаллад қила олиб таҳрир.

Ҳам ҳадис ичра сарбаланд шажар,
Ким етишмай анга юз Ибн Ҳажар[2].

«Арбаин»[3]ики айлабон тартиб,
Арабий бирла форсий таркиб.

Арбаин аҳли даркидин ожиз,
Кўрмайин бўйла «Арбаин» ҳаргиз.

Фақр ичинда имоми олам ул,
Қайси олам, имоми Аъзам[4] ул.

Сўзидин фиққ элига зебу баҳо,
Масъала деса ҳайратул-фуқаҳо.

Фаръ эдиким дейилди бу неча фасл,
Илми фақру фано бўлуб анга асл.

Онча айлаб фанода нафйи вужуд,
Ки бўлуб мужиби бақоу шуҳуд.

Ўз вужудин шуҳуд аро ёпибон,
Ҳақ вужуди аро бақо топибон.

Ўйла ҳақ зоти ичра мустағрақ,
Ки асар қолмайин анга жуз ҳақ.

Чун тасаввуф келиб сифот анга,
Бу фан ичра мусаннафот анга,

Ким қаю бирга кимки топса вуқуф,
Барча мақсуд анга бўлуб макшуф,

Солди «Шарҳи рубоиёт» андин,
Рубьи маскун аро ҳаёт андин.

Қилкидин чун «Лавомеъ» этти зуҳур,
Солди офоқ ичинда ламъаи нур.

Табъидин чун «Лавоеҳ» ўлди падид,
Жилва қилди лавойиҳи тавҳид.

Зоҳир этгач «Ашиъатул-ламаот»,
Ламъа қилди аён ашиъаи зот.

«Тову Мимия»ғаки чекти рақам,
Ибни Фориз равони дедики там.

Чун «Шавоҳид»га бўлди нукта тироз,
Қилди юз шоҳид анда жилваи ноз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Нафаҳот» ичраким футуҳ андин,
Нафҳаи унс топти руҳ андин.

Чун рақам қилди «Туҳфатул-аҳрор».
Сочти оламға махзанул-асрор.

«Субҳа» иқдиға берди чун тавзиҳ,
Солди хайли малак аро тасбиҳ.

Чунки таҳрик топти «Силсила»си,
Телбалик бўлди ақл масъаласи.

Чун рақам қилди «Ошиқу маъшуқ»,
Бўлди ишқ аҳли ўтидин маҳруқ.

Чун «Қасойид»ға қасд этиб ройи,
Дур сочиб табъи гавҳар оройи.

Ғазалиёти ўт жаҳонға солиб,
Шуъласи юз шарора жонға солиб.

Ўзга ҳар фандаким расойил анга,
Борча ҳақ васлиға васойил анга.

Гар борин бир-бир айласам тафсил,
Зоҳир айлар калом аро татвил.

Гар тугансун даҳи кутуб оти,
Андин ортуқ анинг камолоти,

Ки агар мунча юз калом ўлғай,
Васфи зоти анинг тамом ўлғай?

Поясин ҳар киши деса афлок,
Бўлғай афлокни демак хошок.

Ройи покин демакки меҳри мунир,
Демак ўлғай қуёшни қурси қир.

Илмин онинг тенгизга қилса хитоб,
Мутлақ ўлғай демак тенгизни сароб.

Не камолот аро ниҳоят анга,
Не маротибда ҳадду ғоят анга.

То камол аҳлидин мақол ўлғай,
Одами зийнати камол ўлғай.

Ҳам малак дона чини доми анинг
Ҳам хирад журъа хўри жоми анинг.

Баҳравар андин одам авлоди,
Олам аҳлиға зилли иршоди.

Майи ҳуш аҳли жонфизойи ҳам,
Жомидин баҳравар Навоий ҳам.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ»ДАН

Сўз дурлари назмида низомий низом ва такаллум гавҳарлари интизомида хисрав калом Низомий била Хисрав қойим мақоми, яъни ҳазрати махдумий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий... жанобида арзи ниёз қилмоқ ва изҳори роз айламак.

Биров олди сўз кишварин якқалам,
Ки қилди қаламни сутуни алам.

Қўлиға олиб найза ўрниға килк,
Сўз иқлимини сарбасар қилди милк.

Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр, сўз жисмининг жони ул.

Чу суръат аро ўт сочиб хомаси,
Яна гарм ўлуб нукта ҳангомаси.

Ҳамул ўтғаким, назм шамъин тутуб,
Маоний шабистонини ёрутуб.

Чу табъидин оқиб маоний суйи,
Келиб чашмаи зиндагоний суйи.

Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб,
Суханварлик ўлган танин тиргузуб.

Чу истаб тараб табъи озодаси,
Қуюб назм жомиға сўз бодаси.

Анинг журъаси элни маст айлабон,
Демай мастким, майпараст айлабон.

Не жомеки, май журъасидин нами,
Тарашшуҳ қилиб, маст ўлуб олами.

Бу янглиғки жоми маоний тутуб,
Малак хайлиға дўстгоний тутуб.

Бўлуб чун анинг жомидин журъачаш,
Бўлуб чарх сўфийлари журъакаш.

Ки машъуф ўлуб жоми мастонаға,
Гаров айлабон хирқа майхонаға.

Янги ойни жоми ҳилолий қилиб,
Нечаким тўла келса холи қилиб.

Жаноҳайн ўлуб сукрдин хокрўб,
Гаҳи даст афшон, гаҳи пойкўб.

Бу навъ ўлсалар арши аъзам эли,
Не бўлғай, хаёл айла, олам эли?

Чу ул жомдин обиҳайвон топиб,
Ўни жон бериб, гар бири жон топиб.

Қаю назм, балким жаҳон офати,
Жаҳон офати йўққи, жон офати.

Эшитмаклиги завқнок айлабон,
Вале дарки маъни ҳалок айлабон.

Ғазал дарду сўзини ваҳ-ваҳ не дей,
Деса маснавий аллаҳ-аллаҳ не дей!

Агар назмдин борча услуб анга,
Бори бир-биридин эрур хўб анга.

Вале маснавий ўзга оламдурур,
Ки табъиға ҳоло мусалламдурур.

Бўлуб жилвагар табъи кўзгусида,
Ки сабт айлади «Хамса» ўтрусида.

Эрур андин ортуқки, ўксук эмас,
Эл андин дер ортуқки ўксук демас.

Анинг байтиға гар фузундур адад,
Вале йўқтурур мунда маъниға ҳад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Неча анда дуржи дақойиқдурур,
Вале мунда дурри ҳақойиқдурур.

Бўлур они баҳру муни кон демак,
Ани кўнгул, аммо муни жон демак.

Бурун жилва айлаб аён «Туҳфа»си,
Бериб олам аҳлиға жон «Туҳфа»си.

Яна «Субҳа» жон риштасин тор этиб,
Ки ҳар муҳра бир дурри шаҳвор этиб.

Чу Юсуф сўзин ошкор айлабон,
Зулайхо киби элни зор айлабон.

Чекиб хома «Лайлию Мажнун» сари,
Юз офат солиб тоғу ҳомун сари.

Бу дамким қилиб хомасин дурфишон,
Скандар ҳадисидин айтур нишон.

Шак эрмаски, фатҳ айлабон хушку тар,
Скандар киби олғуси баҳру бар.

Бугун комил ул навъ мафҳум эмас,
Бурун бор экан дағи маълум эмас.

Биров кўнгли олиндаким софдур,
Агар заркаш, ар бўръё бофдур.

Агар бўлса ўз фаннида бебадал,
Ғаниматдур ул борчаға филмасал.

Бировким нафас анга қудсий сифот,
Нафас бирла ўлганга бергай ҳаёт.

Қаю кимсаким аҳли идрокдур,
Анга жон фидо қилса не бокдур.

Агар нуктаи жонфизоси анинг,
Бу навъ ўлса юз жон фидоси анинг.

Ало, токи, жон бўлғай инсон била,
Тирик бўлғай инсон дағи жон била.

Ҳадисини эл жониға воя қил,
Ҳамул воядин жонға сармоя қил.

Бу сармоядин бизга коме етур,
Лаболаб майи васли Жомий етур.

Ки Жомийға ўзни қилиб журъакаш,
Сўз айлай адо, масту девонаваш.

* *
*

Ва лекин бу фурсатки донойи даҳр
Берур эрди бу қиссадин элга баҳр.

Ки жоми сафо урди элга сало —
Ки Жомийға еткурмасун ҳақ бало,

Скандар иши эрди манзум анга,
Бари ҳолати эрди маълум анга,

Манга ҳам чу машғуллуқ бу эди,
Таворих олимда ўтру эди.

Бу ерда мени чунки ажз этти лол,
Ўпуб ерни донодин эттим савол.

Скандарга икки эконни адад,
Чу олинда таҳқиқ эди, қилди рад:

«Ул ишлар,— деди,— бирга воқеъ дурур,
Гувоҳи анинг насси қотеъ дурур».

Анингдекки аслин Низомий деди,
Ҳамул навъ фарзона Жомий деди—

Ким ул Файлақус ўғли эрмиш яқин,
Эмас аҳли тарих тардиди чин.

Қилинди чу таҳқиқ тадқиқ ила,
Қилай эмди тадқиқ таҳқиқ ила[1].

* *
*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу маодин жавоҳирин эҳтимом била назм силкиға тортмоқнинг тақрири ва бу махозин тилисмотини истеҳком била итмомға еткурмакнинг таҳрири ва ҳам жавоҳир пири дарё замир равшан кўнглига ер тутқоннинг баёни ва ҳам махозин шуаройи шеърий сарир муқаддаса арвоҳиға қабул тушганнинг тибёни...

Манга давлат илги бўлуб раҳнамун,
Чу бу панжаға қилди зўр озмун.

Дема панжа они, қатиқ хора де,
Дема хора, пўлоди якпора де!

Солиб панжаким, бўлғали зўрсанж,
Топиб панжа ул панжада тобу ранж.

Чу зўр ортуқ айлаб тарозусидин,
Чиқиб йўққи оранж бозусидин[2].

Не панжа эрур, «Хамса» и ганжсанж,
Ки доно қўюбтур отин «Панж ганж»[3].

Қаю «Хамса» ким, махзани дурри ноб,
Қаю панжаким, панжаи офтоб-

Ки ҳар ким анга кўргузуб зўрдаст,
Чу зўр айлабон, илги топиб шикаст,

Менингким қўлум эрди беҳад заиф,
Эмас эрдим ул панжа бирла ҳариф.

Солиб панжаварлиқ, замиримға шўр,
Не илгимда қувват, не панжамда зўр,

Десам тарк этай, қўймайин ҳимматим,
Десам зўр этай, етмайин қувватим.

Чу панжамға ҳайрат била боқибон,
Бу панжамға ул панжани қоқибон.

Бу андеша мендин олиб ақлу ҳуш-
Ки ногаҳ нидо қилди фаррух суруш-

Ки: «Эй ғарқаи баҳри ажзу ниёз!
Бўла олмағон дардинга чорасоз!

Етишгил қўпуб пир[4] даргоҳиға,
Таважжуҳ қилиб жони огоҳиға.

Анинг ботинидин тила ёрлиқ,
Бийик ҳимматидин мададгорлиқ-

Ки ҳар қуфлким фатҳидур нопадид,
Анга бор эранлар дуоси калид».

Эшитгач бу сўз, бошдин айлаб қадам,
Киши ўйлаким қилса азми ҳарам[5].

Чу ул остон маъман ўлди манга,
Биҳишти барин маскан ўлди манга.

Қаю остон, тавфгоҳи фалак,
Қаю тавфгоҳ, саждагоҳи малак.

Қўзум очиб ул остон туфроғи,
Қўзум ҳам ёруб, балки кўнглум доғи.

Таважжуҳға чун хотирим қилди майл,
Ета бошлади файз андоқки сайл.

Не ҳаддим эшикка урарға илик,
Илик майл қилмай очилди эшик.

«Ниёз аҳли кирсун!» дебон чиқти роз,
Бу роз англағач кирдим айлаб ниёз.

Не хилват, намудори чархи барин,
Не хилватнишин, балки Руҳул-амин[6].

Ани айлабон равшан анвори қудс,
Мунунг нутқидин равшан асрори қудс,

Ул ул навъким файз топқон кўнгул,
Бу ул навъ маскан аро ақли кул.

Чу мен бўлдум андоқ ҳарам маҳрами,
Ҳарам йўққи, нуру сафо олами.

Қуёш нурида маҳв ўлуб зарравор,
Кўнгулни қила олмайин устувор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзум ўзлугум меҳнатидин ориб,
Бориб ўзлугу мен ўзумдин бориб.

Қила олмайин арз ҳолимни ҳам,
Хаёл айлай олмай хаёлимни ҳам.

Бу янглиғ мени айлабон гунгу лол,
Аён айлади Исо осо мақол.

Не дер сўзки, кўнглум аро бор эди,
Мени чунки гунг этти, борин деди-

Ки: «Гўё пишурган хаёлинг будур,
Қила олмасингдин малолинг будур».

Чу бу хастадин қилди тасдиқ фаҳм,
Анга худ бу ҳол эрди таҳқиқ фаҳм.

Ишим бутмагига дуо айлади,
Бори ҳожатимни раво айлади.

Дедиким: «Бу бир иш эди қилғулуқ,
Бу айтилмағон нукта айтулғулуқ.

Бу соатқа мавқуф эрди экин,
Бу дам тенгри тавфиқ берди экин.

Агарчи етишти малолат санга,
Вале охир ўлди ҳаволат санга-

Ким ул ганжлар бошиға етгасен,
Тилисмотини даҳи фатҳ этгасен-

Ки ҳар неча қилдуқ назар даҳр аро,
Қиёс айладук водию шаҳр аро.

Йўқ атрок[7] аро бирда онча билик-
Ки бу навъ улуғ ишга урғай илик.

Не атрокким, ҳам ажам, ҳам араб,
Кўрарлар бу ишни ажабдин ажаб.

Керак даҳр аҳлиға ўн кун жадал,
Ки беш байтдин боғлағай бир ғазал.

Басе маснавийғўйи нозук хаёл-
Ки назм аҳли ичра солиб қийлу қол,

Халойиққа юз ҳусну ноз айлагай-
Ку ўн йилда минг байт соз айлагай.

Чиқорғон замон ул нав ойин савод-
Ки оламда йўқ бўйла рангин савод.

Саводиға ҳар кимки кўз солибон,
Қаро шоми меҳнат аро қолибон.

Не зулматки, йўқ обиҳайвон анга,
Қаю тунки, йўқ меҳри рахшон анга.

Агар даҳр аро сепса мушки татор,
Кўнгулни қилур тийраву кўзни тор.

Бу беша ародур ики нарра шер,
Бу баҳр ичра икки наҳанги далер[8].

Анга киргали шери жанги керак,
Мунга ҳам диловар наҳанги керак.

Сен-ўқ сен букун чобук андешаи,
Дақойиқ аро нозук андешаи-

Ки сўз таври келди сенинг шонинга,
Бўлуб хатм табъи дурафшонинга.

Мусаллам сўзунгга равонлиқ даги,
Сўз ичра санга паҳлавонлиқ даги.

Равон килкинга онча бор эътимод-
Ки сўз дерда шаққиға берса кушод.

Равон айлагай онча обиҳаёт-
Ки тўйғай Хизр суйидин коинот.

Бу иш чунки бўлғай муқаррар санга,
Умид улки бўлғай муяссар санга.

Қўп эмди, ишингнинг хаёлида бўл,
Хаёл аҳли зеби жамолида бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қи сендин бу шуғлунгда ҳушёрлиқ,
Дуо бирла биздин мададгорлиқ»...

Эшитгач бу сўзлар мени нотавон,
Ўлук жисмима кирди гўё равон...

Ер ўптум даги йўлга азм айладим,
Сўз айтурни кўнглумга жазм айладим...

Бу беш ганжниким кушод айладим,
Варақ узра они савод айладим.

Саводин солиб жузвдоним аро[9],
Дема жузвдонимки, жоним аро.

Анинг сори[10] бўлди кўнгул рағбати,
Ким эрди мададгор аниинг ҳиммати.

Мададгор йўқ, амр этгучи ул,
Не иш тушса ғаврумға етгучи ул.

Борур эрдим айларга арзи ниёз,
Иш итмомини қилмоқ ифшойи роз.

Замиримда лекин хаёлот эди-
Қи бу иш ҳусули ажаб бот эди...

Тузалди бу назминг басе сарсари,
Яна туркий алфоз анга бир сари-

Қи ҳар нечаким диққати бордур,
Талаффуз аро лакнати бордур.

Сўзунгники яхши кўрарсен ўзунг,
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.

Қошингда сенинг гарчи кўп вазни[11] бор,
Чу бор ўз сўзунг, йўқ анга эътибор-

Қи сўз зодаи табъу фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур, жонға пайванд эрур...

Сўзунгким санга келди ҳоло писанд,
Писанд эркин эл ичра ё нописанд?

Не бўлғай, кўруб пири кошиф[12] мени,
Бу аҳволдин қилса воқиф мени...

Уруб гом мундоқ хаёлот ила,
Димоғимда савдо маҳолот ила-

Қи еттим ангаким эрур мақсадим,
Қи ҳардам демакка отин — йўқ ҳадим.

Ниёз айлаю остонин ўпуб,
Бийик сидраи чарх шонин ўпуб.

Чекиб «Хамса»ни жузвдондин равон,
Қўюб хизматида мени нотавон.

Неча ганжким ошкор айлабон,
Аёғиға борин нисор айлабон.

Сафинам чу азм этти дарё сари,
Узатти кафин баҳр ул ажзо сари[13].

Назар солди очиб варақ-барварақ,
Бўлуб мултафит, чун очиб ҳар варақ.

Қаю сўздаким бир савол айлабон,
Жавобин дегач, завқу ҳол айлабон,

Қилиб гоҳ таҳсину гоҳи дуо-
Қи юздин бири йўқ манга муддао.

Етиб ҳар сўзидин кушоде манга,
Бўлуб ҳосил андин муроде манга.

Мусалсал каломимдин оғзида сўз,
Мен олинда ерга тикиб икки кўз.

Сўзум очибон бўстондек энгин,
Қилиб лутф, эгнимга солди енгин.

Қаю енгки гардунға солса ани,
Муҳаддаб юзин айлагай мунҳани[14].

Чу эгнимга ул қўл била енг етиб,
Замиримдин ўзлук хаёли кетиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чу ўзлук кетиб, юзланиб ҳолате-
Ки ўздин ўзумга бўлуб ғайбате.

Ўзумдин ҳамул дамки ғойиб бўлуб,
Манга жилвагар кўп гаройиб бўлуб.

Қўруб ўзни бир тоза бўстон аро,
Қилиб гашт боғу гулистон аро.

Назоҳат келиб равза монанд анга,
Эрам сойири орзуманд анга.

Чамандин чаманға мен айлаб хиром,
Анингдекки эл тавфи Байтулҳаром[15].

Кўрунди бу ҳолатда жамъи касир[16],
Уруб ҳалқа, суҳбат тутуб дилпазир.

Алардин биров келди ул ёнки мен,
Чаманда анингдек хиромонки мен.

Манга етти, бор эрди шоирваше,
Жамоли хушу ҳайъати дилкаше.

Салом айлабон, марҳабо айлади,
Рисолат[17] тариқин адо айлади-

Ки: «Бу фаррух ойину фархунда хайл,
Қилурлар даме ихтилотингга майл».

Қабул айлаю, солиб ул ён қадам,
Ўзин дағи сўрдум, ҳамул элни ҳам.

Дедиким: «Алар зумраи маънавий,
Гуруҳики назм эттилар маснавий.

Хусусан аларким эрур «Хамса» санж-
Ки ҳар бирдур ул «Хамса»дин кони ганж.

Эрурлар бу мажмаъда ҳозир бори,
Сенинг сори муштоқу нозир бори.

Чу сўрдунг мени, эй ҳадисинг қавий,
Ҳасандур отим, халқ деб — Деҳлавий.

Эшитгач бу сўз, жисмима тушти тоб,
Саросима кўнглумга ҳам изтироб.

Қўлуб узр қучтум яна устувор,
Қадам қўйдум ул сори муштоқвор.

Борурда Ҳасан айтиб отин манга,
Қилиб ҳар бирин бошқа талқин манга-

Ки уч кимсадур садри мажлиснишин,
Қилиб шарҳ бир-бир аларнинг ишин-

Ки: «Ўртодағи пири фаррух жамол-
Ки васфида келди хирад нутқи лол.

Эрур ҳазрати Шайх[18], огоҳ бўл!
Ниёз айлабон хоки даргоҳ бўл.

Ўнг илғи сори анга пайравдурур,
Жаҳон офати — Мир Хисравдурур.

Яна бир ён устоду пиринг[19] сенинг,
Рақамхони лавҳи замиринг сенинг-

Ки бу хайл эрур жисму ул жонлари,
Агар жон булар бўлса, жононлари.

Яна икки ёндин бу қавм-ўқдурур,
Киши йўққи бу базм аро йўқдурур.

Қўрушгил бори бирла, ҳурмат била,
Далер ўлмағил сўзда — журъат била».

Қабул айлабон мен, неким айтиб ул-
Ки қатъ ўлди кўпрак бу мажмаъга йўл.

Дағи юз қарича масофат қолиб-
Ким ул базм эли қўптилар қўзғолиб.

Манга ўтру келмакка айлаб ситез,
Солиб мен алар сори гомимни тез.

Дебон бир-бир ул хайл отин раҳбарим,
Кўрушмакка дағи бўлуб ёварим.

Чу Саъдию, Фирдавсию, Унсурий,
Саноию, Хоқонию, Анварий[20].

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таддудда муҳтожи тафсил эрур,
Вале бўлса тафсил, татвил эрур.

Бори дастбўсиға топтим шараф,
Олиб ёндилар мени келган тараф.

Анга тегруким шайху пайрав эди-
Ки яъни Низомию Хисрав эди.

Яна бир бизинг пиру махдум[21] ҳам,
Қўпуб урдилар илгарирак қадам.

Бу икки юруб Шайхдин илгари,
Югурдум мени хаста ҳам ул сари.

Қўлум тутти пир ихтиёри била,
Кўруштурди ҳамроҳу ёри била.

Кўзумдин тўкуб қатра ёғин дағи,
Илигин ҳам ўптум, аёғин дағи.

Тутуб Жомию Хисрав икки қўлум,
Низомий сори бошладилар йўлум.

Тўкуб ашк — мендек асири ғаме,
Вале ҳар қўлумға тушуб оламе.

Вале мен бўлуб гарчи ўздин ниҳон,
Кириб икки илгимга икки жаҳон.

Манга Шайх бирла кўрушмак ҳамон,
Муборак аёғиға тушмак ҳамон.

Ўпуб туфроғини тўкуб сели ашк-
Ки андин ебон тўққуз афлок рашк.

Бошим ердин олиб иноят қўли,
Қилиб жилвагоҳим ҳидоят йўли.

Ёниб тутти ерлик ерида қарор,
Мени лек бехуд қилиб изтирор.

Чу Шайху ики ёри топти сукун,
Туруб мен ниёз ичра қаддим нигун.

Жулус ичра етти башорат манга-
Ки олинда қилди ишорат манга.

Чу бўлди манга ҳукм бирла нишаст,
Ниёз этти жисмимни туфроққа паст.

Талаттуф била Шайхи олий мақом.
Менинг сори бунёд қилди калом.

Бурун сўрди ҳолимни шафқат била,
Ер ўптум жавобинда ҳурмат била.

Яна деди: «Кей олам аҳлида фард,
Фалак табъинга келмайин ҳамнавард.

Сипеҳр айлаб эл ичра нодир сени,
Жаҳон назми таврида қодир сени.

Ғазал таврида чунки қилдинг хиром,
Сўз аҳлиға сўз дерни қилдинг ҳаром.

Тутуб эрди назминг жаҳон кишварин,
Жаҳон кишварин йўққи, жон кишварин.

Бу дам маснавийғаким айлаб шитоб,
Тўка бошладинг хомадин дурри ноб.

Ажаб иш бу ишда санга берди даст-
Ки эл назмиға берди назминг шикаст-

Ки қилдинг сўз ичра татаббуъ манга,
Не истарда эттинг тазарруъ манга-

Ки мен «Хамса»да айлаб эрдим ваид-
Ки «Ҳар кимки, айтурға тутса умид,

Қилай тиғи буррон сўзум досидин,
Урай бошин ул тиғ олмосидин».

Кўп эл очти даъвоға сўз бошини,
Бу даъво аро қўйди ўз бошини.

Чу кўргузди фарзанд Хисрав ниёз,
Ниёзи била топти ул ганжи роз.

Яна бир, ики, уч гадолиғ била,
Насиб олдилар бенаволиғ била.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Магар сенки бу йўлға қўйғач қадам,
Вужудунг хаёлини қилдинг адам.

Нечаким келиб рифъатинг тоғча,
Вале келмай олингда туфроғча.

Ниёз ашкидин лавҳи хотирни юб,
Фано ҳарфин ул сафҳа узра бутуб.

Топиб пир фарзанд Жомий киби,
Мумидду муовин Низомий киби.

Сунуб поклик бирла бу ишга қўл,
Очиб поклар руҳи олингда йўл.

Саҳар вақти ҳарфе савод этмайин-
Ки руҳум дуо бирла шод этмайин,

Фараҳ топмайин маънийи хос ила-
Ки ёд этмайин бизни ихлос ила,

Не менким, бори назм аҳлини пок,
Дуо бирла ҳар субҳ этиб завқнок.

Ниёзинг чу бу навъ ўлуб беадад,
Санга биз ҳам айлаб ададсиз мадад.

Йўқ эрса эрур асру савдойи хом,
Ики йилда бир «Хамса» қилмоқ тамом!...»

Чу сўз етти бу ерга, мен беҳарос
Қўпуб айладим бир дуо илтимос, ...

Тугангач дуо, айладим илтижо,
Қўюндин чекиб «Хамса»ни жобажо.

Солиб тийра туфроқ аро, йиғлабон
Бу янглиғ тузуб можаро, йиғлабон-

Ки: «Бу зодаи хотири хастани,
Кўнгулдин такаллумға пайвастани-

Ки ҳиммат тутуб эҳтимом эттингиз,
Демасменки мен сиз тамом эттингиз.

Қарам бирла туфроғдин ҳам олинг,
Иноят қилиб бир назар ҳам солинг-

Ки эл нозириға нузул айласун,
Улус кўнгли они қабул айласун».

Равон Шайх олди бу иблоғдин,
Гаронмоя нақдимни туфроғдин,

Боқиб Мавлавий сори қилди ружуъ-
Ки: «Сен қил дуо, зоҳир айлаб хушуъ-

Ки қойил эрур сўнгғи фарзандимиз,
Билик мазраидин барумандимиз.

Буларким анинг зоду пайвандидур,
Бори бизга фарзанд фарзандидур.

Санга ҳам чу шогирд эрур, ҳам мурид,
Дуосини сендин тутарбиз умид».

Чу Махдум[22] топти дуо сори йўл,
Яна очтилар борча оминға қўл.

Дуойики кўнглумга матлуб эди,
Муҳаввис[23] замиримға марғуб эди.

Қилиб, айладилар бу маҳзунни шод,
Манга чунки юзланди мундоқ мурод,

Сужуд эттим ул хайли огоҳға,
Дедилар: «Дегайсен дуо шоҳға».

Бу сўздин бўлуб ўзгача ҳолатим,
Ўзумга келиб, борди ул гайбатим.

Кўрарменки, ул ҳужрада пир эрур,
Жанобида ҳолимға тағйир эрур.

Бу дам гўйи эгнимдин олмиш қўлин-
Ки бу сори солмиш хаёлим йўлин.

Ҳамул олида бошим эрди қуйи,
Оқар эрди туфроққа ашким суйи.

Деди лутф ила ким: «Не навъ эрди ҳол?»
Яна бошни қилдим анга поймол.

Дедим: «Улча мен хастаға ҳол эрур,
Анинг шарҳида нотиқа лол эрур».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деди: «Улча бу дам санга берди даст,
Яна кимсага бермамиш эрди даст.

Қўпуб, шукр қил тенгри эҳсониға,
Бу тавфиқи беҳадду поёниға».

Ўпуб ерни, қўйдум чу ташқори гом,
Дегайсен: Менинг эрди олам тамом!...

«МАЖОЛИСУН-НАФОИС»ДАН

Учунчи мажлис

Алар зикридаким, ҳоло замон саҳоифида маоний абкори аларнинг дақиқ табълари ҳуллабофлиғидин назм либоси киядур ва назм либоси аларнинг амиқ зеҳнлари мўйшикофлиғидин санъат ва салосат нақш ва нигори топадурким, баъзининг мулозамотиға мушарраф ва сарбаланд ва баъзининг мусоҳабатидин хушнуд ва баҳраманддурбиз

Ул жумладин: қуёшеким ройи олам оройи била бу замон мубоҳий ва аҳли замонга шарафи номутаноҳий муяссардур ва дарёеки, табъи гавҳар зойи била бу даврон жайби гавҳардин тўла ва даврон аҳли қўйни ва этаги жавоҳирдин мамлу бўладур.

Ҳазрати махдумий шайхул-исломий мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий... дуруким, то жаҳон бўлғай аларнинг ёруқ хотирларининг натоижи жаҳон аҳлидин кам бўлмасун ва то сипеҳр эврулгай, аларнинг очуқ кўнгуллари фавоиди даврон халойиқидин ўксулмасун. Чун бу мухтасарда мазкур бўлғон жамоатнинг раъс ва раиси ул зоти нафис ва бу рисолада мастур бўлғон гуруҳнинг муқтадоси ва пешвоси ул гавҳари яктодур, муборак исмлари бу авроқда сабт бўлурдин гузир ва ёзилмаса дилпазир эрмас эрди, журъат бўлди. Чун алар латоифи назми андин кўпракдурким, ҳожат бўлғайким, баъзи битилгай ё элга маълум бўлсин деб, бирори сабт этилгайким, кутубларининг отин битилса, бу авроқдин ошар ва мусаннафотлари дурлари зикрин қилилса гардун баҳри андин тошар, ложарам чун бу маъни билилур ва дуо била хатм қилилур.

Р у б о и й:

Ё раб, бу маоний дурринінг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони.

Ким айладинг они олам аҳли жони,
Олам элига бу жонни тут арзоний.

Турфа буким, Хожа Муҳаммад Таёбодийким, бир қарн ул ҳазратнинг махсус мулозими эрди, назмларидин бир байт билмас, билса ҳам назм эмас ва насрларидан бир нукта фаҳм қилмас, қилса ҳам мақсудға мувофиқ демас. Боракаллоҳ, камоли қобилият мунча-ўқ бўлғай!

www.ziyouz.com kutubxonasi

«НАСОИМУЛ-МУҲАББАТ»ДАН

Аммо баъд: мундоқ арз қилур жаҳл водисининг марҳала паймойи Алишер алмулаққаб бин-Навоий...ким, секкиз юз сексан бирда бу бебизоати адимул-ститоат ҳазрати устодий ва саййидий ва санадий ва махдумий ва шайхул-исломий мавлоно Нурул-миллати вад-дин Абдураҳмон Жомий... хидматларида «Нафаҳотул-унс мин ҳазаротил-қудс»[1] китоби жамъи ва тартибининг боиси бўлдум; андоқки, ул шариф китоб феҳристида ул ҳазрат... анинг кайфиятини шарҳ била зикр қилибдурлар. Ўқуғонлар кўрмиш бўлғайлар ва ўқумағонлар, ўқусалар кўргайлар. Ва ул китоб халойиқ орасида машҳур ва ўқумоқ ва битмаги шоеъ бўлди. Ва машойихларнинг валоят осор ҳолатлари зикридин ва фоизул-анвор мақолоти фикридин қобил толибларға нафълар ва шавқу иродат аҳлиға файзлар етушти.

Доим ошуфта хотирға келур эрди ва парешон хаёлға эврулур эрдиким, ул китоб алфози форсийдур арабийға пайваста ва ибороти ишорот аҳли тилиға вобаста. Ва ул тиллар вуқуфидин баҳраварлар ва ул иборот ва ишоротдин бохабарлар андин ўз қобилиятлари хурдида иштиғоллари муқобаласида нафъ топарлар ва файз элтурлар, аммо турк улусидин баъзи кўнгул сидқ ва сафосиға баҳраманддурлар ва кимиё асар сўзлар таъсириға тенгри иноятидин аржуманд ва ул алфозға вуқуф қиллатидин ул файзлардин маҳрум ва бу ҳақойиқнинг дақойиқи аларға номаълум.

Бу фақир агар саъй қилсам, бу китобни туркий тилга таржима қила олғайменму ва ул дақойиқ мушкилотини равшанроқ алфоз била ва очуғроқ адо била ўткара олғайменму деб мутааммил эрдим, ва не бу хаёлдин ўзумни ўткара олур эдим, ва не ишнинг азимлиғи ва душворлиғи жиҳатидин шуруъ қила олур эрдим, то тарих тўққуз юз бирдаким, ул тарихдин йигирма йил ўтуб эрди, тенгри таоло тавфиқи била бу улуғ ишга илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум.

Ва ҳазрати шайх Фаридуддин Аттор... битиган «Тазкиратул-авлиё» баъзи кибори машойихким, «Нафаҳотул-унс»да дохил бўлмайдурлар эрди, ҳар қайсини муносиб маҳалда дохил қилдим.

Ва турк машойихи зикри ҳам озроқ эрди, они дағи ҳазрати шайхул-машойих Хожа Аҳмад Яссавий...дин бу замонғача улча мумкин бор — тилаб топиб, ҳазрати қутбул-авлиё шайх Фарид шакарганж...дин сўнгғи машойихғача илҳоқ қилдим, ва ҳазрати махдумий... ва муосир мусоҳиб машойих зикри дағиким, ул мутабаррак китобда йўқ эрди, мунда қўштум.

Ва ул китобда дағи авлиёуллоҳ закридин баъзи сўз замон аҳлиға кўп муҳтожун илайҳ эрмас эрди, итноб ваҳмидин таркин туттум ва бу таржимадин ўксуттум.

Ва чун бу валоят риёзи муҳаббат насимиға ва футувват шамимиға сабаб бўлди — анга «Насоимул-муҳаббат мин шамоимил-футувват» от қўйдум, умидим улким, бу насоимдин руҳлари тоза ва бу шамоимдин равҳлари беандоза бўлғон азизлар қоил руҳини бирор дуо била ёд ва бирор фотиҳа била шод қилғайлар...

* *
*

Шайхул-ислом мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий... Алар васфида хома тили лол ва тил хомаси шикаста мақолдур. Йиллар тақрир қилса ва қарнлар таҳрир суръати бирла битилса, улча ҳаққи бор, васфларининг адо топмоғи мутаассирдур, таърифларининг баёнға келмоғи мутааззир.

Бу бебизоати қалилул-ститоатнинг яқини мунга содиқ ва таҳқиқи мунга мувофиқдурким, бу умматда аларнинг камоли суварий ва истикмоли маънавийлари жомеяти била бўлғай. Чун аср фузалосидин ва замон уламосидинким, аларнинг шогирдлиғиға муаззаз ва мушарраф ва мумтоз ва сарафроз эрдилар — неча киши аларнинг сийрат ва камолоти шарҳида расоил ва кутуб битибдурлар ва тасониф сабт этибдурлар — ародадур; билай деган киши ул жамъ ва таълифдин ўз фаҳми хурдида махсус бўлур ва баҳра ола олур.

Бу заиф дағи бу бобда «Хамсатул-мутаҳаййирин» рисоласини битибмен, анда фил-жумла густохлиқ юзидин алар зикри била қаламимни гавҳарнисор этибмен. Турк улусида иродат аҳли ва ихлос хайли ул паришон авроқдин ва пароканда ажзодин иликка олсалар ва кўз солсалар бирор нима била олурлар ва шуур ҳосил қила олурлар.

Зоҳир юзидин ўзларин қутбул-муҳаққиқин ва ғавсус-соликин мавлоно Саъдул-миллати вад-динил-Қошғарий... му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риди кўрсатурлар эрди, аммо ҳамоноки, Увайсий эрдилар. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд... руҳониятидин тарбият топиб эрдилар. Замон машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо... муборак назарларига етиб эрдилар ва шайх Баҳовуддин Умар... суҳбатига мушарраф бўлуб эрдилар ва Хожа Абу-Наср Порсо ва Хожа Муҳаммад Амин Қаҳистоний ва мавлоно Саъдиддин Жожармий... ва соир замон машойихи била тутубтурлар. Ва ҳам бу тоифа ҳолот ва масоилидин барча баҳра топиб эрдилар ва ҳам баҳра еткуруб эрдилар. Сексан бир ёшқа еттилар ва секкиз юз тўқсон секкизда жумъа кечаси Ҳирот шаҳрида Хиёбон бошида ўз манзилларида тенгри раҳматига восил бўлдилар.

Аларнинг мухлисларидин бири мунаввар марқадлари устида олий иморат ясаб, баъзи муридлари ва шогирдларидин ул иморатда дақойиқ ва ҳақойиқ улумин ҳоло дарс айтиб, жамоати касир толиблардин алар руҳонияти баракатидин нафъи шомил ва файзи комил топадурлар.

Назм ва наср таълифларидин элликка яқин борким, замон аҳли андин баҳраманддурлар. Назмларидин уч девондур, аввалғи девон: «Фотиҳатуш-шабоб»ға машҳур, иккинчи «Воситатул-иқд»га маъруфдур, ва учунчи «Хотиматул-ҳаёт»ға мавсумким, олам аҳли тилида ул назмлардин ўзга оз назм жорий бўлур. Ва маснавийдин «Ҳафт авранг»дур, етти дафтар тартиб топибдурки, «Туҳфатул-аҳрор» ва «Силсилатуз-заҳаб» ва «Юсуф ва Зулайхо» ки, «Ошиқ ва маъшуқ»қа мавсумдур, «Лайли ва Мажнун» ва «Хирадноман Искандарий» ва «Субҳатул-аброр» ва «Саломон ва Абсол»дур. Ва насрларидин «Тафсир»дур ва «Шавоҳидун-нубувват» ва «Нафаҳотул-унс» ва «Шарҳи Фусус» ва «Ашиъатул-ламаот» ва «Лавоеҳ» ва «Лавомеъ» ва «Шарҳи рубоиёт»дур. Чун борчаси аларнинг «Куллиёт»ида мастур ва мазкурдур, теъдодиға ҳожат эмас. Ва аларнинг маоний ва никоти андин машҳурроқдурки, бирор нима сабт қилурға эҳтиёж бўлғай. Ул сабабдин ихтисор қилилди.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло алар руҳиға ўз вусул назҳатгоҳида қиёматғача ором ва ниёзмандларға алар асрор ва маонийсидин ком ва нишоти том насиб қилсун.

«МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН»ДАН

Яна бу фақирнинг пири ва устози ва тариқат аҳлининг соҳиби иршоди, жамъ аҳлуллоҳнинг муқтадо ва шайхул-исломи ҳазрати Махдумий Нурул-миллати ва вад-дин мавлоно Абдураҳмон Жомий...нинг руҳпарвар латойифи ва руҳ густар заройификим, андин ҳар ғазал кал-ваҳйил-мунзал ва ҳар рисола кал-аҳодисин-набийи мурсал олий шон ва рафеъ мақондурким, алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдорроқ ва ҳирқатда лаъли оташиндин барқ кирдорроқ. Ва иккаласи мазкур бўлғон азиз каломи муъжиз низомидин анда чошни ва насиб ва ўз ишқ ва камолоти ва ниҳояти ҳолоти мунга изофаки, ҳозо шайъун ажиб! Барчасиға кўп қатла ўтупмен, балки кўпин ёд тутупмен, ва қасоид ва ғазалиётларининг ғариб ва латофатин билибмен, балки ғариброқ ва латифроқлариға татаббуъ дағи қилибмен. Қасоиддин Амир Хусравнинг «Дарёйи аброр» иким, машҳур мундоқдурки, дер эмиш бўлғайки, «Юз минг байтдин ортуғ девонларим ғазалиёти ва қасоид ва маснавийларим абёти агар олам саҳифасидин ювилса ва даврон сафиҳасидин маҳв бўлса ва бу қасида қолсаки, анда маъни истийфоси вофийдур, бу фан аҳлиға менинг фазойилим далилиға кофийдур». Матлаи машҳурдурким,

назм:

Кўси шаҳ холию бонги ғуғулаш дарди сар аст,
Ҳар ки қонеъ шуд ба хушку тар шаҳи баҳру бар аст.

Бу шеърға ҳазрати Махдумий Нуран жавоб айтубдурлар ва отин «Лужжатул-асрор» битибдурлар. Ва матлаи будурким,

байт:

Кунгури айвони шаҳ к-аз кохи кайвон бартар аст,
Рахнаҳо дон к-аш ба девори ҳисори дин дар аст

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, агар ул дарёйи абрордур, бу абри баҳордурки, мартабада андин баландроқ ва баҳрада андин фойдамандроқдурки, анинг устига соя солурға ёйила олур ва бошиға дур афшонлиғ доғи қила олур. Фақир иккаласи бузургвори рафеъ миқдорға ниёзмандлиғ ва гадолиғ юзидин татаббуъ қилибмен ва отин «Туҳфатул-афкор» дебмен. Ва матлаи будурким,

б а й т:

Оташин лаъле, ки тоҷи хусравонро зеввар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

Ва кўп маъни ангез иборот ва таъмия омез ишорот изофа қилибменки, бу фан аҳлининг моҳирлари мусаллам тутуптурлар. Ва ҳар кишиға бу бобда тараддуд бўлса ҳазрати Махдумий Нураннинг «Баҳористон» отлиғ китобинким, ани «Баҳористони ҳаёт ва нигористони нажот» деса бўлур, бу матлаъни битибдурлар ва истишход юзидин таърифин айтибдурларки, бу маншури давлат сипеҳр тоқиға осилса ери бор ва бу туғройи саодатни Муштарий бўйниға овиза қилса мужиби мубоҳот ва ифтихордур. Ул китобни олдик ва бу маҳалини топиб назар солдик ва билдикки, улча мен таърифида таҳрир қилибмен — тақсир қилибмен.

Яна Мир Хусравнинг «Миръотус-сафо» отлиғ қасидасиғаким, халлоқул-маоний Хоқоний Шервоний татаббуи қилибдур ва матлаи будурким,

б а й т:

Дилам тифласту пири ишқ устози забондонаш,
Саводулвачҳ сабақу, масканат кунчи дабистонаш.

Ва ҳазрати Махдумий Нуран анинг жавобида «Жилоурруҳ» отлиғ қасидани дебдурлар ва матлаи будурким,

б а й т:

Муаллим кист, ишқу кунчи хомўшӣ дабистонаш
Сабақ нодонию доно дилам тифли сабақхонаш.

Ва фақир ҳам «Насимул-хулд» қасидасин иккаласи бузургворға татаббуъ қилибмен ва матлаи будурки,

б а й т:

Муаллим ишқу пири ақл дон тифли сабақхонаш,
Пайи таъдиби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш...

... Барчадин куллийрак санад буким, ҳазрати иршод паноҳий... Нуранки, ... форсий сўзда жамеъ алар сўзидин юқорироқ сўз йўқтур, кўпрак кутуб ва расоил ва ғазалиёт ва қасоиддаки, маоний гавҳарларин назм силкиға кийдурур эрдилар ва замир ниҳонхонасидин анжуман тамошогоҳиға жилва берур эрдилар, анинг мусваддасин бурунроқ бу фақирға илтифот ва эътиқод юзидин берур эрдиларким: «Бу авроқни ол ва бошдин оёғиға назар сол, хотирингға ҳар не айтқудек сўз келса, айт», деб ва ҳар не ишорат бўлғониким, мазкур бўлди, зоҳир қилсам мақбул тушар эрди. Бу даъвоға далил буким, ўндин ортуқ кутуб ва расоилда ул ҳазрат бу фақирнинг отин мазкур қилибдурлар. Ва кўпи табъ ва идрок ва мунға муносиб нималарға нисбат бериб, мастур қилибдурлар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

«МАҲБУБУЛ-ҚУЛУБ»ДАН

Яна бир жамоатдурларким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилибдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андоққи, маоний аҳлининг нукта пардози Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хисрав Деҳлавий ва тасаввуф ва диққат мушкилотининг гириҳкушойи Шайх Заҳириддин Саноии ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадиддин ва маъний адосиға лофиз Хожа Шамсиддин Муҳаммадул-Ҳофиз.

Яна жамъэ ҳам бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шеваға кўпрак роғибдурлар. Андоққим, Камоли Исфиҳоний ва Хоқонийи Шервоний ва Хожуйи Кирмоний ва мавлоно Жалолиддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва Абдулвосеъ ва Асир ва Салмони Соважий ва Носири Бухорий ва Котибийи Нишопурий ва Шоҳийи Сабзаворий.

Яна ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми икаласи тариқида вофий ва шомил, назм аҳлининг муқтадо ва имоми ҳазрати шайхул-ислом мавлоно Нурул-миллати вад-дин Абдураҳмонил-Жомий... дурким, аввалғи табақа равиши ва каломида ҳам шариф мақол ва сўнгғи табақанинг ҳам адоси латойифида соҳиб камолдурким, оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар...

Иккинчи қисм хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ, ишқ аҳлининг покбозлари ва шавқу ниёз аҳлининг назм тироз ва афсона пардозлари, мутақаддиминдин андоққим, назм бешасининг ғазанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари ва завқу ҳол водисининг покрави: амир Хисрав Деҳлавийдурким, пок нафас ва гуфтори, пок алфоз ва маонийлиқ ашъори — ишқ аҳли орасида ғавғо ва важду ҳол анжумани фазосида алоло солибдур.

Яна сўзи поку кўзи пок ишқ аҳлида мужаррад ва мунфарид ва бебок бу тоифанинг беназиру адил ва тоқи Фахрул-миллати вад-дин Шайх Ироқийдурким, ишқ сифотиға муттасифдур ва ламаоти пок маоний ва тарокибиға мунсифдур.

Ва мутааххириндин икки оламни бир дов била ўйнағон муқаммир шевалар покбози ва ишқ дайри фаносида ҳақиқат бодасидин маст риндлар ҳамрози Шамсул-миллати вад-дин Хожа Ҳофиз Шерозийдур.

Дунё ва охиратни бир оҳ ила ўртаган пок ошиқлар имоми ва мулк ва малакутда соирлар Шайхул-исломи ҳазрати муршидий ва махдумий Нурул-миллати вад-дин Абдураҳмон Жомий... дурким, агарчи алар васфи назмға нисбат берурдин юқорироқдур, аммо ҳар синф назмда беназир эрдилар ва нечаки таърифлари шеърда маҳоратдин ташқаридур, ва лекин ҳар услуб шеърда жаҳонгир эрдилар. Ва назмларида ҳар шеър била ишқ ўтин оламға урубтурлар. Шеърларида ҳар байт била дард аҳли жону кўнгул оламин куйдурубдурлар.

Яна ул ҳазрат жоми муҳаббатидин дурдкашлар ва иршоди сулукидин фонийвашларким, дарду ишқ таври адосида гуфторлари турк улусида ҳарорат омиз ва сорт хайлида офат ангиздур...

Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сурурсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур, ва мундин ўзга барча афсонадур, ва сўз ишқ сўзидур, ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур.

Б а й т:

Сўзки маъносида ишқ ўти нишони бўлмағай,
Бир таҳарруксиз бадан англаки, жони бўлмагай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«АРБАИН»ДАН

Сабаби таълифи манзума

Ул сафо аҳли пок фар жоми,
Пок фар жому пок фар Жомий.

Ул фано сори дастгир манга,
Муршиду устоду пир манга-

Ки тутубдур жаҳонни таснифи,
Назм девону наср таълифи.

Чунки ҳижратдин эл аросида сўз
Сексан олти эди-ю секкиз юз-

Ким яна туҳфаи аён қилди,
Туҳфаи турфаи баён қилди.

Наср ила назмни мураккаб этиб,
Форсий лафз ила мураттаб этиб,

«Арбаин»е чиқордиким, жонлар,
Балки қирқ арбаин чиқорғонлар.

Топтилар анда нашъаи мақсуд,
«Арбаин»дин нечукки аҳли шуҳуд,

Форсийдонлар айлабон идрок,
Ори эрди бу лафздин атрок.

Истадимки, бу халқ ҳам бори
Бўлмағайлар бу нафъдин ори,

Мен демакни чу муддао айлаб,
Ул ижозат бериб дуо айлаб.

Муддаоси бори савоб эрди,
Ҳар дуо қилса мустажоб эрди.

Бир-ики кунки эҳтимом эттим,
Кўз тутардин бурун тамом эттим.

Бор умидимки, шоҳи шаръи амин-
Ким наби шаръиға берур тазйин,

Улки авроқ ароки солғай кўз,
Айлағай кўнглиға асар бори сўз.

Насрдин дағи баҳравар бўлғай,
Назимдин дағи бохабар бўлғай.

Бу кун ўлса ҳадисларга мутеъ,
Тонгла бўлғай муҳаддис анга шафеъ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ХАМСАТУЛ-МУТАҲАЙЙИРИН»

1. **Ул умур** — у ишлар.
2. **Ул ҳазратнинг мусаннафоти** — Жомийнинг асарлари.
3. **«Хамсатул-мутаҳаййирин» тасмия қилмоқ** — Ҳайратланганлар хамсаси (бешлиги) деб ном қўймоқ, бу ердаги «Хамса»дан мақсад — асарнинг беш бўлим (муқаддима, уч мақола ва хотима) дан иборат эканини билдиришдир.
4. **Секкиз юз ўн етти** — бу ҳижрий йил ҳисобини ҳозирда қўлланмоқда бўлган милодий йил ҳисобига айлантирилса 1414 бўлади.
5. Милодий йил ҳисобича 1487/88.
6. **«Рашҳул-бол»** — юрак томчилари.
7. «Ой ва йиллар кенг майдонида худди коптокдай тақдир чавгони (эгри таёғи) билан ҳолдан ҳолга кўчиб турувчи бўлган мен — пайғамбарнинг Маккадан Мадинага қилган ҳижратидан саккиз юз ўн етти йил ўтганда, иззат ва қадимийлик парвозгоҳининг энг юқори чўққисидан мана бу энг тубанликка келиб қанот-қуйруқни бўшаштирганман. Букун эса ҳис ва хаёлнинг бу сиқинти ерида умр жиловини саккиз юз тўқсон уч тарихига тортиб келтирдим».
8. **898 ҳижрий** — милодий йил ҳисобича 1492. (Бу ҳисобда Жомий 78 йил яшаган бўлади).
9. **Бани Шайбон** — араб қабилаларидан бирининг номи.
10. **Умар** — Муҳаммад пайғамбарнинг иккинчи халифаси (ўринбосари).
11. **Қазо ва фатво** — қозилик ва муфтилик.
12. «Туғилган жойим Жом, қаламим томчиси шайхул-ислом (Аҳмади Жом) жоми (қадаҳи)нинг қултумидандир, бинобарин шеърлар дафтарида икки жиҳатдан тахаллусим Жомий бўлди».
13. **«Нафаҳотул-унс»** — ёқимли хушбўйликлар. (Авлиёлар ҳақида Жомий ёзган тазкиранинг номи).
14. **Шабоб аҳдининг авоили** — йигитлик даврининг бошлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

15. **Ясриб** — Мадина шаҳри.
16. Ҳиротга демак.
17. **«Ал-мажозу қантаратул-ҳақиқат»** — мажоз ҳақиқат кўпригидир.
18. **Иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сўзлар** — тасодифий ишлар ва қизиқ сўзлар.
19. **Кутуб байъ ва широси** — китоблар олди-соттиси.
20. **Шайба қасидаси** — қарилик ҳақида қасида.
21. «Бошим худди гуллаган дарахтдай оқарди, бу гуллашдан келган ҳосил ғам мевасидир, холос».
22. **Зуҳра** — планета номи (хонанда, созандалар ҳомийси ҳисобланар экан).
23. «Қандай яхшики, кўнгил ич-ичидан ҳар замон-ҳар замон сенга майл қилади».
24. «Менинг ёмғир қатрасидай кўз ёшларим инжу бўлди, ҳақиқатан сенинг суҳайл юлдузидай чиқишинг шундай таъсир беради».
25. «Сўз инжу, шоҳ қулоғига тааллуқи бор».
26. «Қад» сўзи эски ёзувда икки ҳарф ҳисобланиб, «абжад» ҳисоби билан сонга айлантирилса 104 бўлади.
27. **Музаффар Ҳусайн мирзо**—султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири.
28. «Шам ўчса ҳам осмон қуёши айланиб турсин, қатра тўкилса ҳам боқийлик суви барқарор бўлсин».
29. «Фарзанд умр дарахти шохидан бир мевадир, агар ундан мева тўкилса ҳам дарахт барқарор бўлсин».
30. **Оқ уй** — ўтов, чодир.
31. «Соғарий айтар эди: Маъни ўғрилари ҳар қаерда менинг шеъримда бир яхши маъни кўрсалар ҳаммасини олиб кетганлар».

Кўпчилик шеърларида бирор маъни йўқлигини кўрдим.

«Шеъримдаги маъниларни ўғирлаганлар», деб рост айтган у».

32. «Фонийлик ғорида улар йўқолсалар,
мен ҳам тўртинчилари — итлари бўлай».

33. «Мир (Алишер): «Тўртинчилари — итлариман», деди-ю, уларнинг қалбларидан сўз файзини топиб олди».
34. Бу ерда «Қалбуҳум» арабча таркиб булганидан «аз»ни ҳам арабча чиқиш келишик «мин» (дан) га айлантириб, грамматик таҳлил қилинган, бу ҳолда «аз қалбиҳим» шаклига ўтиб, қофия бузилади, дейилган.
35. **Таворуд** — бир-бирини билмаган ҳолда икки кишининг фикр ёки сўзининг бир хилда бўлиб қолиши.

36. «Эй хожа, мени ўз лутфинг билан парвариш қилдинг,
Орқа дунба келтириш билан семиртирдинг,
Ўтириб олиб, дунбани ўзинг мириқиб единг,
Орқалаб келтирганингни қорнингда олиб кетдинг».

37. «Хожа бизнинг дастурхонимиз учун сўйган бир-икки қўйининг орқа-пушт(эт)ини келтирди, лекин унинг улуғ сахийлик қўлидан бармоғим ҳам буланмади. Ўшандан ўзи тўғрисида шундай тасаввури борки, насабда икки пушт билан Ҳотамга етади».
38. «Хожа Деҳдор, Мир ҳадия қилиб юборган тилла-тангадан ҳар нима келтирса, оёқ ҳақисини ола туриб, санамай беш юзу минг, дейди. Ҳисоб кунида шарманда бўлиш фикрини ҳеч эсига келтирмайди».
39. «Деҳдорга айтдимки, менга ҳурмат қилиб юборилган ҳамиёндан ҳисса ол. Ўз ҳиссаси тўғрисида инсоф юзасидан сўз очиб: «Йўлда олганим етар», деди».
40 **Турдик** — бундаги «дик»—«син» ўрнида келиб, буйруқни билдиради: *турсин.*
41. «Бир хушхат (котиб) сўзларимни ҳусни хат билан гўзаллар юзидай безади. Лекин унинг ҳар ерида қалам хатоси билан гоҳо бир нарса орттирди, гоҳо камайтирди. Гарчи кўнгил тилагандек ҳолга келмаса ҳам, мен ўз хатим билан уни тузатдим. Сўзларим устида ҳар нима иш қилган бўлса, унинг хатига мен камчилик етказдим».
42. «Сизнинг ҳаётингиз бақоси бўлсин» маъносида бўлган бу жумладаги ҳарфларни «абжад» ҳисоби билан сонга айлантирилса, 880 *ҳ.* (1475 *мил*) йил чиқади.
43. «Латофат бўстонининг гули Сафий фонийлик боғидан жаннат томон кетганда бир улуғ киши (кўнгил) сўров йўли билан: «Сизнинг ҳаётингиз бақоси бўлсин», деб тарих айтди».
44. **Муттаҳам** — туҳматланган.
45. «Агар кўнгил билан қўл дарё ва кон бўлса, подшоҳнинг кўнгли ва қўли бўлур».
46. «Ҳар кимнинг оғзида тили бўлса, жаҳон шоҳи мадҳида булсин».
47. **Руқъалар** — ёзишмалар, хатлар, мактублар.
48. «Эшигинг тупроғидан бошим узоқлашгандан бери ҳар куни бирор хат орқали бош оғриғи қиламан. Сен томондан хат келганда, хат ичидан бехабар, сенинг тўғрингда не хабар бўларкин, деб бехуд бўламан».
49. «Сафарга жўнашинг тўғри келган пайтдан буён хотирдан ўтганингда у ёқ-бу ёқни искаб қўяман. Сен томонга қуш

www.ziyouz.com kutubxonasi

учса ёки шамол эсса, бирор хат билан бош оғриғи қилмоқ истайман».

50. «Қаламни олдим ва ўйлаб қарадим: бугунларда кетма-кет юборилган хатлар учун узр айтишдан бошқа бирор маъни кўнгилдан ўтмади ва хотирга ўзга сурат етишмади. Агарчи бу ҳам бош оғриғи дағдағасидан холи ва азиз вақтларини бекорга кетказишдан ташқари эмас.

Агар сенинг олдингда нолиш қилсам у ҳам дардисар бўлур, агар узрини сўрасам у ҳам бошқа бир дардисар бўлур».

51. «Кўнгилдан чиққан у мақтовлар
Ҳама руҳонийларга жон бағишлайди.
Бу фируза ранг макондаги у тоза ис,
Покизаликка мансублар димоғини хушбўй
қилади».

52. «Шоҳ ҳазратининг сояи давлатида
Эртаю кеч шундан бошқа ишинг бўлмасин:
Ўз манфаатинг хатини кўнгилдан тарошлаб,
Ҳақ учун халқ таянчи бўлгил».

53. «Юборган саломинг жон қушидай сайрайди,
Худди Исодай жон бағишловчилик қилади,
Ҳамма сўзлари айни келишганликдан
Аҳмади мурсал нутқидай ёқимлидир».

54. «Умидим шуки, Махдум иршоди билан
Мактуб юзасида ҳар бир нарса ёзилса,
Буйруғидан худди қаламдай бош тортмай,
Юзага келиш муваффақиятидан баҳра олай».

55. **Мавлавий** — Жалолиддин Румий (1207—1273).

56. **Тазмин** — бировнинг шеърidan ўз шеъри ичига байт, мисраъ ёки ибора кўчирма қилиб киритиш.

57. «Устодлар шоҳи Ҳасандан жудолик шарҳини
Қандай ҳикоя қилишни найдан эшит.
Унинг бўғим-бўғими бир-биридан ажралган,
Жудоликдан шикоят қилади».

58. «Қалам найи дилим таржимони бўлди,
Қандай ҳикоя қилишни найдан эшит.
Ўткир тил ва ёшли кўз билан
Жудоликлардан шикоят қилади».

59. Айрилиқ кунлари чўзилишининг ҳикояси ва муштоқлик тунлари узайишининг шикояти шундай зиёдаки, оғзи боғлиқ давот кўмакчилиги ва тили синиқ қалам дастёрлиги билан бу хат доирасида уни арз қилишга қудрат етармикин ва

бу саҳифа устида ўрмалашдан у ёзиладиган нарсани ёйса бўлармикин? Ноилож у бобга чек қўйиб, илтимос қилинади:

Ўзгалар ташвиши бўлмаган соатда,
Ёр бўлган қутлуғ мажлисда
Ҳар қанча таъзим билан ер ўпиб,
Дуогўйларнинг ер ўпиш (ҳурмат)ларини
етказгайсан.
Битмас давлат, туганмас саодат юзлансин...»

60. «Қаламинг найи маъни шакарини

Найшакардай ичидан чиқарган,
Унинг хатини мушкин рангли чизиққа
айлантирган,
Хат тагида зебо қизлар мазмунини дарж этган,
Балки, унинг нуқтасидан ҳар бир дона
Маъни тожи учун қимматли бир инжу бўлган».

«Илтифот юзасидан юборган мактублари, балки Уммонга ўхшаш табълари дарёсидан чиқарган гавҳарлари етишди. Ҳар ҳолда бош усти тожига тикилди ва кўз ҳамда кўнгил уйини у билан ёритилди.

Иршод қуёши ер юзи толибларига ва осмон ичидаги қобиллар бошига тоблансин, вассалом».

61. «Қаламинг найи маъни ёш боласини
Ҳусн наботи билан парвариш қилган.
Тонг бошини тун кокили билан
Навқиронлар чеҳрасининг рашкини
келтирадиган қилган.
Сўзнинг қисқаси, менинг узун тунимни
Парча-парча қилиб кундузга айлантирган».

62. «Маънилар билан тўлган шарофатли саҳифа, нозик нуқталар билан кўмилган гўзал иборалар ҳузурларга яқин бўлган узоқларни ва узоқдаги яқинларни шарафлантирди. Ҳар сатрининг шаклидан баҳра юз берди ва ҳар ҳарфининг аксидан шодлик тобланди. Шиква шиддатидан шукр ва мақтов ғунчалари етилтирди ва гина тиканидан яхшилаш ва дуо гуллари очилтирди.

«Агар сенинг лутфинг тиканзорларга етишса,
Тиканзорлар баҳористонга айланади».

63. «Гина ва шикоят ҳикояси шунинг учун юз бердики, ўзлари каминанинг мактубидан шундай нарса борлигини тасвирлаганлар ва ёзув ичига киритганлар, ҳолбуки:

Сендан шундай муомала бўла олмаски,
Бирор кимсага ундан гина етсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сендан гинадан бошқа ҳеч қанчалик гина йўқ,
Чунки лутфинг уни тубидан узди».

64. «Яхшилар дарёси».
65. «Сирлар теранлиги».
66. «Фикрлар туҳфаси».
67. «Подшоҳ ноғорасининг ичи бўшу, ғулғуласининг ҳайқириғи бош оғриғидир, кимики, ҳўл-қуруққа қаноатланса, денгиз ва ер юзининг шоҳидир».
68. «Подшоҳ қасри кунгираси Зуҳал мақомидан ҳам юксак бўлса-да, билгилки, ундан дин қалъасининг деворига рахналар бордир».

69. «Подшоҳлар тожини безовчи ўтли лаъл
Бошларида хом хаёллар пиширувчи лаққа чўғдир.
Жума куни, ражаб ойи унинг тарихи эди,
Қизиқроғи шуки, унинг тамомланиши шу кун ва ойда юз берди».

(Арабча ёзувдаги «явми жомеъ шаҳри ражаб» тугалланиш йилини билдиради, бундаги ҳарфларни рақамга айлантирилса, 880 ҳижрий йил чиқади).
70. **«Жумал қоидаси»**—«абжад» ҳисоби билан ҳарфларни сонга айлантириб ҳисоблаш қоидаси.
71. «Дуо айтиш вазифалари адосидан сўнгра маълум бўлсинки, янгидан чопар келди ва янги қасидани етказди,

У қасидадан бир неча жойини ўқиб,
Хослар дилини унга боғланган кўрдим.
Шу аснода ҳушёрлик кўзи очилиб,
Ҳамма дилларни овланган кўрдим.

Ҳарчанд бошдан то охиригача ҳар байт ва ҳар мисраъда ҳар бир ҳарфига хотир фахрланиш нақдиналари суръати билан синчиклаб қараган бўлса ҳам, лекин ҳеч бир нуқсон қоралиги, сўз ҳуснига ва мақола лутфига «кўз тегиш»ни дафъ этишга уринишдан бошқа ва ҳеч бир сохта нарсадан бу нуқсонлига камол мақтови либосини кийган ҳолда ўйлов назарига ташланмади, тўғри:

Пардозчи гўзаллар чеҳрасини безаганда,
Зарарни йўқ қилиш учун нилдан чизиқ тортади.

Унинг мазмунидан шундай маълум бўлдики, уларнинг хизматларини иқбол иродаси мақсад қибласига ва ёқимсиз кўринишлардан юз ўгиришга ундовчи бўлган. Аммо агар, масалан, юзадаги ишларни ўзгартиш ва зарур эмас нарсалар

билан шуғулланишни тарк этишга кўп уринилмаса, чунки бу азизлар мизожига уйғун эмас ва узоқ эмас ва ҳеч жой йўқки, мақсад зоҳир эмас ва зоҳир бўлиш жамолини зоҳир бўлиш камоли бекитувчи эмас».
72. «Такаллуф тожини тарк қилган бош дўпписини ва жаҳондан қўл ювган қўлнинг ҳўлини ўзига олувчи парча бўзни юборилди».

73. «Фақирлар эгнидаги кўп ямоқли тўн
Маъни олами юксаклигининг осмони ва юлдузидир».

74. «Эҳ, лочин табъинг шавқидан
Муқаддас қушлар тустовуқ бўлади,
Киши орқали бир яхши матлаъ юборгансан,
Сўз усталари орасида бунинг мисли борлиги айтилмайди».

75. «Қачонгача елдай ҳар томондан жилва қилай,
Хоҳлайманки, ўз сарвим томон елиб югурай.
Фарёд қилиб, бошимга тупроқ сочиб,
Айтаманки, қутқар бу дарбадарликдан».

76. «Жон кўзи билан агар жононга боқсанг,
Жаҳон бевошлигидан қачон ғусса чекардинг?
Бу бевошлик ҳеч қачон охирига етмайди,
Бевошлик орқали йиғноқ бўл, токи баҳра олгайсан».

77. «Дажла дарёси қирғоғида ёрдан узоқ, диёрдан жудоликда — шафақ ранг кўз ёшидан кўксимда қон дажласи бор».

78. «Айрилиқ шоми (туни) қуёшдай ғарб томонга яширинди,
Ё раб, етишув тонгини шарқ томондан чиқор».

79. «Бу мактуб, мактуб эмас, дардимни дафъ этувчидир,
Оғриқ билан тўла кўнглим оромидир,
Иссиқ дилим ва совуқ дамим тинчлигидир,
Яъни жаҳон кезувчи моҳимдан хабарчидир».

80. «Бу мактуб, мактуб эмас, ҳар бир шодликнинг негизидир,
Хурсандлик ва айш ҳосил қилишнинг яхши сабабидир,
Қисқа ва тўлиқ маъноли эканлиги билан
Гўёки «Жавомиул-калим»нинг қисқарганидир».

81. «Эй зангори фалак, инсоф билан айт,
Бу иккисидан қай бири яхшироқ юриш қилди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тонг отишдан чиққан жаҳонни ёритувчи қуёшингми,
Ёки Шом томондан кўринган жаҳонгашта ойимми?»

82. «Сенинг қаламингга қараб хат айтди: ўз юришингда
Шомдан Румга юзлаб яхши совғалар келтирдинг.
Агар ўртада сенинг оёғинг бўлмаса,
Айрилиқда қолганларга дўстнинг саломи
етишмасди».

83. «Бир назар ташла, тенгқурлардан фарқли бўлай,
Нажмиддинга манзур бўлган ит, ҳама итларга
бошчи бўлди».

84. «Эй шамол, дилим яна ёр томон йўналди,
Жонни ҳам олиб бориб, оёғига улоқтир,
У пайтда оёғи ости тупроғидан бир оз олиб,
Жоним эвази учун мен берилганга келтир».

85. «Эй шамол, сен ёр манзилидан келдинг,
Келишингдан кўнглимга сабру қарор етди.
Бу қадар билан жонга қарор келмади, зинҳор,
Энди сен уни олиб бориб, ўзинг билганга топшир».

86. «Саломнинг «с» ҳарфидан ўткир тиш қилиб,
Жон танобидан тугунлар очган,
Салом «л» сининг сочга ўхшаш каманди билан
Аҳли диллар дили тузоққа илинган.
Олий жаннатдан ҳам яхшироқ салом,
Ундаги «алиф» Тубо дарахтидай барваста,
У «алиф» остидаги «мим» чашмасидан
«Тубо» остида гўзал булоқ аён бўлган.

Шарафли суҳбат туҳфаси ва олий мажлис ҳадяси қилиб арз этиладики, мавлави хизмати учун узанги ўпиш шавқи жилов ушлатганидан, ўзимни унинг тасмасига боғлаш лозим кўринди, бинобарин янгидан таҳрирдан ўтган рисолага ҳамроҳ бўлган бу мактубни ҳузурларига юборилди, агар маслаҳат кўрсалар подшоҳга етказсалар, бўлмаса:

Ҳар нимаки пок дилингга мақбул бўлмаса,
Варақлар бетидан ювиб ташламоқ керак.

Келажак саодатига элтувчи тез келган давлат мукаммал равишда муяссар ва ҳосил бўлсин».

(Кейинги шеърларда араб алифбесидаги ҳарф шакллари орқали сўз ўйини қилинмоқда; масалан: س (с) ҳарфи данданасини тишга, ل (л) шаклини қайрилган сочга ўхшатилади ва ҳоказо...).

87. «Ҳаддан зиёд саждада қилган «ниёз»
(зорланиш) сабабли
Пешанаси «нун» нуқтасидан доғ бўлган,
Ўша пайтда кўз шавқи туфайли «ё» дан
Ёзув юзасида дил оҳини изҳор қилган.
Агар «алиф» орқали вафода ягона бўлса,
Чаман сарвидай оёғи ўз жойида бўлур.
«Зо»дан ғам тунини ёритса,
Тепасидаги ойи юлдуз аён қилур».

Юқорида ёзилгандек ниёз арзидан, қалам тилидан ўтган ихлос баёнидан сўнг, муқаддас ошён бандалари ҳузурига арз шуки, шундай эшитилдики, ўн-ўн беш кун хасталик юз бериб, маъни осмонининг тўлиқ ойи заифликка юз қўйган экан, мухлисларга бу хабардан осмон сингари саргардонлик ва зарра каби паришонлик ҳосил бўлди.

Худога шукурки, икки ҳафтадан сўнг у юксак юришли зот соғлик ва жамол буржига юз қўйган, қувват ва камол авжига майл этиб, шукрона саждаларини ерига етказган. Фалончини бу ҳолни аниқлаш ва бу сўзни тасдиқлаш учун юборилди. Илтимос шуки, тезда (у кишини) қайтариб юборсинлар ва бу фақирларни у хабарнинг яхшилигидан батамом хушҳолликка етказсинлар. Нукталар билан тўлиб-тошган рисола кайфиятидан ва қутлуғ мажлисдан ўтганлиги тўғрисида тезда олий мажлисга арз қилинур.

Раҳбарлик соялари қул ва эркинлар бошида абадий ва доимий бўлсин».

88. «Айтдим: кемам ҳар томон ҳайдалади,
Саргашталик келтирувчи ва йиғлатувчидир,
Йуқ-йўқ, билади ҳар нарсани, у билармондир,
У ҳам эса айлантирувчи қўлнинг асиридир».

89. «Бизнинг ёзмишимизга қалам
Юритувчи тангри биз билан сенга
Қадимий сирларни билдирувчидир.
Унга бизнинг дилимиз шундай бир
Парга ўхшашдирки,
Шамол уни орқа, ўнгига айлантира беради».

90. «Қаламинг овози билан узоқдагилар чақирилган,
Айрилиқда қолганларга етишиш нидоси
берилган.
Касалларга шифо топиш қонуни ёзилган,
У билан куйганларнинг ўти сўндирилган.

У покиза манзилдан садоқатли мухлисларга шарафли

www.ziyouz.com kutubxonasi

мактуб етишиб, ҳар бири беқарорлик тезлиги, фироқ ва изтироб аччиғлиги ва муштоқлик ҳароратининг шиддатидан оғриган кўздан ва доғли юракдан улфат ватангоҳида ва яқинлик манзил жойида тинчиди.

У дасту панжа роҳатга ёндошсин,
Чунки у бу иззат-обрў учун ранж тортди».

91. «Яқинлар дидоринг давлатидан узоқ бўлди,
Оғриган жисм билан жон эса ўзларидан кечганлар.
Ғойиблигингдан бунинг ҳар иккисига футур етади,
Васлингга етишиш билан мен шод бўлайин».

Юборилган мактубнинг назми паришон жон билан дилни интизом ипига тортди ва насри ёш тўкувчи кўз гавҳар ва дуррини каҳрабо ранг юзга сочди. Бу пайтларда узоқнинг узоғидаги мухлисларга айрилиқнинг етишиш давлати эришди. Қайғули жон билан дил изтиробини тинчитиш учун кўкракка қўйдим ва жонсўз йиғиларга ором бериш учун гирён кўз устидан жой бердим. Умидворлик шуки, айрилиқ куйганларини гоҳо шу хилда эслаб турсалар ва иштиёқ ўтида ёнганлар дилини мактуб билан овутиб шод қилсалар».

92. «Бошланиши шавқ ва севги билан тўлган ва ниҳояти қиёматгача чўзиладиган ҳамда худонинг мақбуллашига кўз тикилган дуо зорланиш йўли билан журъат ва хушнудликда йўлланади. Майл ва берилиш мулоқот шарафига эришишга шундан зиёдаки, қалам ва давот ишини эртаю кеч ишга солинса ўшандан озгинасини адо қилинган бўлур; ноилож қасд ва ният жиловини у орзудан қайтариб, бу икки байтга йўналтирилади:

қ и т ъ а:

Зийрак у кишики, дунё харобасида
Сирлар хазинаси эшигини қоқади.
Қисқа мартабани оёқ остига ташлаб,
Қўлни узайган давлатга уради.

Кетмас умид боғи мевадор ва абадий саодат дарахтининг шохи унга пайванд бўлсин, вассалом».

93. «Биринчи ҳарфидан ниёз (зорланиш) юзини зоҳир қилган ва иккинчисидан шавқ ўти шўъласини дилдан чиқарган ва бошқа томонидан дил ғамини кўрсатган ва саҳифаси

ўровининг чирмашувидан ўшандайин англанган нома (мактуб)ни арзга етказиб, маълум қилинадики, бу пайтда шарофатли мактуб келди;

м а с н а в и й:

Ўпиб кўзимга қўйдим,
Бош устига ўрнатдим,
Ҳам кўзим нурининг боиси бўлди,
Ҳам бошим осмондан ошди.

Хат келтирувчи оғзаки сўзлар билан эркалаб, «Муҳаббатнома» китоби ва сандал шаробини элтиш билан севинтирди. Ҳар иккисини қўлига берилди ва уни шарофатли хизматга юборилди. Умид шуки, фироқ меҳнатининг кўринишини унинг мутолаасидан тасаввур қилсинлар ва иштиёқ дарду ранжини висол шарбати билан даво этсинлар. Юксак соялари муридлар бошидан йўқолмасин, вассалом».

94. «Дашт томондан булут кўринди-ю, кетди,
Ташна лаблардан узоқдан ўтди-ю, кетди.
Биз жигар сўхталар умиди кесилиб,
Нам тўкмай йўлдан қайтди-ю, кетди.

Ҳар ҳолда ноумидлар умиди ҳосил бўлмади ва номуродлар муроди охирига етмади.

Умид шуки, у остона ходимларининг у кишига тааллуқли бўлган ҳамма диний ва дунёвий маслаҳатлари ва у давлатхона хизматчиларининг у кишига боғлиқ бўлган моддий ва маънавий саодатлари энг яхши ва энг мукаммал йўл билан муяссар бўлсин, вассалом».

95. «Кўнгил васлинг давлати туғини кўтарганда,
Жон ҳам шу йўналишга ўз ҳаёлини йўллади.
Ҳар қайсиси шу муродга яқин етганда,
Фалак номуродларни муродга етказмади.

Арзимиз шуки, толеъ юлдузи агарчи иқбол матлаидан порласа ҳам, аммо нима фойдаки, ҳасадчи фалак гардишидан шараф буржига етмай қайтиб кетди.

Йўлга чиқиб, хизматгорлик давлати белбоғини боғлаган ва хизматда ҳозир бўлган давлатмандлар қаторига кирмокчи бўлган ёронлар маҳрумлик кўзини оёқ кафтларига суркаб, ўрду томонига қайтдилар...

Агарчи қуёш узоқ кунларимда порлаб турса ҳам,
Фалак Исо нафаслига мени эриштирмади.

Агар равшан хотирни шунга келтирсалар ва олий ҳимма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тини шунга ташласаларки, қутлуғ қўшун байроғи шаҳар томон майл қилса ва кундан-кунга ортувчи давлат аркони биргаликда юриш қилсалар, шоядки, азизлар туфайли бу кўзёши тўкувчи камтарин ҳам ўша саодат ва иқболга, яъни етишув давлати шарафига мушарраф ва баҳраманд бўла олсам, вассалом».

96. «881 йилда дарвишлар дўсти ва уларнинг мухлиси, ҳамма машғулотдан тўқ, фақирлик йўлига ботир амир Низомиддин Алишер (бу киши ўз ҳоҳиши ва ихтиёри билан даража ва эътиборнинг аъло мартабасидан бет қайтариб, таслим ва ризо қадами билан фақирлик ва фонийлик йўлини қабул қилган) бу фақирдан, кўнгилдан ўтган ва хотирда қарор топган шаклдагидай илтимос қилди, бу билан қадимги орзу янгиланди ва илгариги майл куч олди ва таъкид даражасига етди. Бинобарин чин ҳиммат ва холисона ният билан ўша истакни ўташга ва топшириқни бажаришга киришилди.

Яхши аҳлоқ ва шафқат маросимлари илғори бўлган мутолаачилардан умид шуки, «Муқаддас томонлардан эсган ёқимли хушбўйликлар» номланган бу тўплам ва асарнинг мутасадди ва боисини хотирнинг бир чеккасидан унутмасинлар ва хайрли дуо билан ёд қилсинлар».

97. **Ҳазрати рисолат** — пайғамбар.

98. «Соҳиб давлатки, замонимиз унинг вужуди билан шарафлидир, ҳарчанд унинг қадрининг пояси даража ва ҳашамат мартабаларига, ҳашаматли подшоҳга яқинликка назаран, фазл ва адаб бобидаги ҳамда табиий ва ҳосил қилинган фазилатлар бобидаги маънавий мадҳияларга қиёсан шундай баланддирки, уни шеър билан таърифланса-ю назм санъати билан тавсиф қилинса. Аммо шариф хотири тавозуъ фазилатини ўзига олиш ва шикаста нафслик воситасила шунга бориб етгандирки, ўзини бу тоифа қаторига ўтказган, бошқаларда уни улар табақасида тутиш ва улар тўдасидан ҳисоблаш жиҳатидан чекиниш пардаси юқори кўтарилгандир, аммо инсоф шуки, ҳар қаерда бу тоифа бўлсалар — у бошдир, ҳар қачон бу табақа ёзилса — у дафтарнинг тепасидадир...

Унинг гавҳар номи шундан улуғроқдирки, назмнинг ҳар тури унинг садафи бўла олур ва шеърнинг ҳар мақоми ундан шараф топа олур. Шеърдаги тахаллуси бу «муаммо»дан мафҳум бўлур, (буни) қайд қилинди.

Навоий номига «муаммо»:

Номининг моҳиятини тахаллусларда ҳеч ким
тополмайди,
Топувчилар лабига ундан бир наво билгил, холос.

Агарчи унга табиат қуввати ва қобилият кенглиги жиҳатидан ҳар икки хил шеър: туркий ва форсий муяссар бўлса ҳам, аммо табъининг майли туркийга форсийдан кўра ортиқроқдир ва унинг ғазаллари у тилда ўн мингдан зиёда бўлиши керак, Низомий «Хамса»си муқобаласида айтган маснавий (иккилик)лари ўттиз мингга яқин, айтгандек у тилда ундан илгари ҳеч ким шеър айтмаган ва назм гавҳарини тешмагандир. Форсий шеърлари жумласидан шу қасидадирки, Хусрав Деҳлавийнинг «Даръёйи аброр» номли қасидасига жавоб тарзида воқеъ бўлган ва нозик маънилар ва латиф хаёлларнинг кўпини ўз ичига олгандир. Бошланмаси будир:

Подшоҳлар тожини безовчи ўтли лаъл
Бошларида хом хаёллар пиширувчи лаққа чўғдир.

Баъзи бир Ҳижоз сафаридан қайтганларни (Жомийнинг ўзини — *П. Ш.*) табриклаб, бу рубоийни мактубда ёзган эди:

Эй зангори фалак, инсоф билан айт,
Бу иккисидан қай бири яхшироқ юриш қилди?
Тонг отишдан чиққан жаҳонни ёритувчи қуёшингми,
Ёки Шом томондан кўринган жаҳонгашта моҳимми?

Бу бошқа рубоий бошқа бир мактубда:

Бу мактуб, мактуб эмас, дардимни дафъ этувчидир,
Оғриқ билан тўла кўнглим оромидир,
Иссиқ дилим ва совуқ дамим тинчлигидир,
Яъни жаҳон кезувчи ойимдан хабарчидир.

Бу бошқа рубоий янгидан бошқа бир мактубда:

Агар бутхонада бўлсам сенинг гап-сўзингда бўлай,
Агар Маккада бўлсам сени қидирувда бўлай,
Ҳозирлигингда рўпарангда бўлай,
Ғойиблигингда кўнгил билан сен томонда бўлай».

99. Бу асар «Муҳокаматул-луғатайн» билан бирга Навоий «Танланган асарлар»ининг III томи сифатида 1948 йилда Ўздавнашр томонидан нашр этилди.

100. **Муаммо** — бирор байт ёки мисрада бирор номни бекитиш усули, бунда бекитилган номни, махсус қоидага асосан, рамз, имо, ишорат, тескари айлантириш, ўхшатиш ёки «абжад» ҳисоби ва бошқа йўллар билан топиб олишга тўғри келади. Бу санъат Жомий ва Навоий даврларида жуда авж олган. Бу ҳақда Жомий учта рисола ва Навоий ҳам битта рисола ёзган.

101. **Интиқод, таркиб, таҳлил** — муаммо қоидаси терминлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

102. «Ё раб, бу гўзал ҳурлар рашкини келтирувчини,
ва бу жаннат боғининг гўзалини
Ҳар бир ҳушёрнинг кўнгил ва кўзига
Манзур бўлиш муваффақиятига эриштир.
Хусусан у фақирлик йўлидаги ботирга ҳам
Ботирлигидан унга икки шер ном бўлган,
Ундан бири дин йўлида худонинг шеридир,
бошқа бирининг панжаси ҳар бир ов учун очиқдир».

103. Қамина камтариннинг туҳфаси.

104. **«Хамсатайн»** — икки «Хамса», Низомий ва Хисравники.

105. «Шоҳгау аркони давлатга муборакдир:
У арслон ҳайбатли ва шер савлатлилар.
Айниқса у мард йигит қадимдан
Насаби ҳам исмидай шер устига шердир.
Мардлик жангалининг ботири бўлганидан
Жаҳон мардлари ичида номи икки шердир:

Бириси даврон қалъаларини қўпарувчи
Бириси қулонларга панжа урувчидир.
Муаммо йўли билан ундан ном чиқардимки,
Умумнинг хаёли ундан узоқдадир.
Шундай бўлмаганда фаҳму идрок у тўғрида нима қила олади,
Чунки бу пок гавҳарни юзларча қутичага яширгандир.
Табъи шеърда қилни қирққа ажратади,
У қилдан қаламининг учи шеър тўқийди.
Бу мушкин шаър(соч)дан кўнгилга тузоқ қўяди,
У ширин шеърдан кўнгил тилагини беради.
Ошиқлар дили у бирдан бандда қолган,
Гўзаллар лаби бу бирдан ширин кулган.
Инсонларга нур иниши охирга етгандай,
Бу равшан нафаслар унинг зикри билан тугалланди.
Тўғри, одамийлик корхонасида
Ундан бошқалар маҳрамлик йўлини кам топди.
Ҳамиша (ўнга) даври-олам ҳадияси бўлиб тургунча,
Очкўзлар табъи шоду хуррам бўлаверади.
Кўнгил олам худосига шунчалик сиғинсинки,
Олам ҳадиясини хотирига келтирмасин.
Сўзни дуо билан тугалладинг,
Тилни афв сўрашга чоғлагин, эй Жомий».

106. **Тавилуз-зайл** — кети узун.

107. «Баъзи бир ой ва йил доирасидан ташга чиққанлар зикрида ва баъзи хол нуқтасининг марказнишинлари дуосида».

108. «Соқий, у узоқ йиллар турган майни бер,
У эритилган ёқуту суюқ лаълни бер.
У майки, дўстлар ичсинлару,
Бир-бирлари билан меҳр-вафога киришсинлар.
Ҳуркканларга ором бўлсин,
Кесилганларга пайванд бўлсин.
Дўст агар дўстга пайвандлик қилса,
Умид-орзу дарахти унумдор бўлгай.
Умид хазинасининг калити дўстдир,
Абадий айшнинг хушхабарчиси дўстдир.
Мавжудлик мақсади дўстдан бошқа кимдир,
Бу савдо ва фойда дўстдан бошқа нима учундир.
Мавжудликнинг бошланишидан хотимасигача
Бирор қуш ёрдай парвоз қилолмайди.
Хусусан ошналик боғида
Вафо шохида Навоий туради.
Яъни Навоий лутф қилса,
Шикасталар дилини эркалайди.
Бундай иш ўрнида бошқа иш йўқдир,
Жаҳон дўстларининг барчаси бу дўстга фидодир».

109. «Кел Жомий, умр бўйи машаққат тортиб,
Кўнглингдан бу «беш хазина»ни дунёга чиқординг.
Сенинг бу «беш»инг шундай кучли панжа бўлдики,
Ундан дарё кафлар қўли буралиб кетди.
Икки бошли қалам ажиб аждаҳодирки,
Гавҳар хазиналарини тўкиб ташлайди.
Аждар хазина эшигидан жой олади,
Лекин хазина туғадиган аждаҳо оз топилади.
У аждаҳо сенинг муштингда хазина бўлди,
Унга илон бармоғинг чирмашиб олди.
Бу хазина билан илон гавҳар сочар бўлганидан,
Дунё этаги гавҳарга тўлиб кетди.
Бироқ кўраманки, ҳар хазина ўлчовчи қаламидан
Бу ўтар дунё «Беш хазина» билан тўлгандир.
У «беш»ларга сенинг «беш»инг қачон тенглашарди?
Уларнинг бир хазинаси сенинг юз хазинангдан яхшидир.
Хусусан у панжаки, Ганжадан сарпанжа урган
Шерга қарши ўз сарпанжасини урди.
Туркий тилда ажойиб бир нақш келдики,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жоду дамлар лабига муҳр босиб қўйди.
Бу қаламга фалакдан офаринлар бўлсин,
Чунки бу ёқимли нақш ўша қаламдан туғилди.
Бу қалам форсий тил эгаларига, форсича
Назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди.
У ҳам агарда форсий тилда ёзганда, (бошқаларга)
Сўз айтишга мажол қолмасди.
У мўъжизали назмлар мезонида
Низомий киму Хисрав қанақа бўларди?
У бошқа бир тилда сўз юритганидан,
Ақлнинг орадаги фарқни ажратишига йўл қолмади.
Эҳ, сенинг табъинг сўз устодидир.
Қаламинг очқичидан сўзга кушойиш бўлур.
Равнақи кетиб қолган ва хорлик
Бурчагидан ўрин олган (туркий) сўзга
Сен янгидан обрў бердинг.
Уни ижод майдонига тортиб чиқардинг.
Сенинг фикринг нуридан сафоли бўлди,
Лутфинг навосидан наволи бўлди.
Бу назм дарахтини ўстиришимга,
Юрак қони билан ҳосилга киритишимга
Сенинг сухандонлигингдан бошқа,
Илмий сўз юритишингдан ўзга сабаб йўқдир.
Ваҳолонки, мен уни безаганимда
Ҳеч кимдан на эҳсон ва на таҳсин истадим.
Бахилнинг эҳсонидан нима чиқарди-ю,
Нодоннинг мақтовидан нима келарди!
Сўз лутфи билан сени мақтар эканман,
Сени ўз билимим чегараси қилиб кўрсатдим.
Бу мол ва мартаба жонпарвар бўлса ҳам,
Сўз етуклиги ҳаммасидан юқоридир.
Бу кўҳна фалак бирвошдан айланишдан тўхтар,
Бироқ жаҳон бор сўз қолур.
Сўз ҳам агарчи доим бақолидир,
Хомушлик эса ажойиб дилкаш ва ёқимлидир.
Кел, эй соқий, дилкаш қадаҳ келтир,
Оловдай иссиқ ва равшан май келтир.
Токи у дилкаш қадаҳга лаб теккизай,
Барча қалам ва дафтарни ўтга ирғитай.
Кел, эй созанда, чангни тезлатиб юбор,
Чолғу мизроби билан куйни юксалтир,
Кўнгил қулоғидан пахтани олайлик,
Ҳама ёқни қулоққа айлантириб, дам олайлик.

110. «Кўринадики, бу камина аслий табиат ва туғма қобилияти туфайли қутлуғ оқибатли сўз санъати ҳукмлари ўқларининг нишонаси тушгани ва «мутакаллим» улуғ исми сирлари жавҳарларининг садафи бўлганидан, ҳаргиз ўз вақтларини буткул бирор назм юзага келтириш ва бирор наср яратишдан фориғ топабилмади ва холи қилолмади; бинобарин йил ва ойларнинг айланиши ва замон ҳамда даврларнинг ўтиши билан насрий асарлардан турли-туман рисола ва китоблар ва маснавийлардан хилма-хил дафтарлар ва қасида ҳамда ғазаллардан бўлак-бўлак девонлар тўпланган эди. Бу пайтларда ҳижрий тарихининг тўққиз юзга тўлишига уч йилдан ортиқ қолмаган эди, дарвишлар дўсти ва мухлиси, балки уларнинг дўст тутган ва ихлос қўйган кишилари Низомиддин Алишер ўзининг шарафли ҳимматини шунга олиб келганки, сони учга етишган қасида ва ғазаллар девонини учта тоза писта мағзини бир пўст ичида парвариш қилгандай, бир жилдга бириктириб, бу фақирдан шуни илтимос қилдики, ҳар бириси бир хос исм билан махсусланса, бу билан дудмоллик ва аралашлик туҳматидан халослик суратини қабул қилса.

Бинобарин, юзага келиш вақтлари мулоҳазаси билан, биринчи девон йигитлик пайтларида тинчлик ва омонлик замонининг аввалларида юзага келганлигидан «Ёшликнинг бошланиши» деб аталади. Иккинчи девон тирикчилик кунлари боғланишларининг ўрталарида тартиб топганидан «Боғланиш воситаси» деб номланади. Учинчи девон ҳаёт охирларида уни тартибга солиш бошланганидан «Ҳаёт хотимаси» деган исм берилади.

Умидворлик худога аёндирки, ҳама азизларнинг номлари яхши ишлари ва ёқимли сўзлари воситаси билан турмуш саҳифаларида қолади:

Бу тўла жафоли фалак ҳеч қачон
Бизнинг номимизни борлиқ бетидан йўқ қилмасин.
Чунки унинг (номнинг) боқийлиги дастлабки ўлимдан кейин,
Донишмандлар айтадиларки, иккинчи ҳаётдир...

111. **Мусиқий ва адвор** — музика ва унинг назарияси ҳақида рисола.

112. «Эй комил, доимо, жоҳилдай бошингда улуғлик айланади,
Мақсадинг мартаба бўлганидан сени комил эмас, жоҳил дейман».

113. «Гўзал дилдорим жамолин бир лаҳза кўрсам кошки,
Ул оёқ тупроғидан кўз равшан этсам кошки.

www.ziyouz.com kutubxonasi

114. **Мусаддас** — олтилик, шеърда бир шоирнинг ҳар икки мисраига тўрт мисрадан қўшиб, олтиликка айлантириш.

115. Дўст йўли тупроғига жо қилсам эрди кошки,
Ул оёғ тупроғига юз суртсам эрди кошки,
Ул гўзал сарв ўз кўчасидан чиқса эрди кошки,
Порлаган юздан пардасин кўтарса эрди кошки.
Гўзал дилдорим жамолин бир лаҳза кўрсам кошки,
Ул оёқ тупрогидан кўз равшан этсам кошки.

116. **Девоний қилмоқ** — мусодара қилмоқ.
117. **Буғро** — лағмонга ўхшаш хамир овқат.
118. «Менинг қулоғим Масиҳга ўхшаш малакдан сўрсаки, қаерда ҳарам эшагининг ҳанграши хотирга ташвишли бўлади?»
(**Ноҳиқ** — эшак; **наҳиқ** — эшак ҳанграши маъносида).
119. Жомийнинг вафот тарихини бизнинг ҳозирги ҳисобга айлантирилса 1492 йил 8 ноябрга тўғри келади.
120. **Мусалло** — намозгоҳ, катта мачит.
121. **Миҳаффа** — тобут.
122. Навоийнинг ўзи.
123. **Хуруф роқими** — ҳарфларни битувчи (Навоий).

124. «Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат дарёсининг инжуси
Ҳақга етишди ва дилида бошқа нарса йўқ эди.
Илоҳий сирнинг кашфиётчиси эди, шу сабабдан, шаксиз,
Вафоти тарихи «кашфи асрори илоҳ бўлди».

(«Кашфи асрори илоҳ»даги ҳарфлар сонга айлантирилса 898 ҳ. (Жомий вафоти) йили чиқади).

Марсия[125]

Ҳар дам осмон анжуманидан бошқа бир жафодир,
Унинг ҳар бир юлдузи бошқа бир бало доғидир.
Кундузу кечаким кўку қорадир унинг тўни,
Кечаси бошқа бир аза-ю кундузи бошқа бир азадир.
Балки ҳар лаҳза йўқлик даштидан бир азодирки,
Ҳар дам ажал гуруҳидан бошқа бир фано гардидир.
Дунё бир мотамхонадирки, ҳар тарафидан
Бошқа бир оҳ тутунию, бошқа бир нолаву войдир.
Унинг оҳи дилга қоронғилик ортдирур,
Войи ҳам жонга бошқа бир қайғу солур.

Бу боғ гуликим, мотамзадаликдан юз порадир,
Ҳар бири куйган бошқача қатма-қат тўндир.
Унинг суви заҳару, ҳавоси бадбўй, нима қизиқ,
Чунки бу манзилда ҳар лаҳза бошқа бир вабодир.
Аҳли диллар поклик гулшани томон майл этдилар,
Бу шунинг учунки, унда обу ҳаво бошқачадир.
Ишонч эгалари қарашида бу дунё жой эмас,
Бу тоифанинг ҳақиқий ватани бошқа жойдир.
Шу сабабдан, азал жоми майининг масти бўлган Жом орифи
Сархушлик билан фано уйидан ватан томон кетди.

* *
*

Эй, сенинг жойинг худога яқинлик ҳарамию,
Жаннат боғи томон қачон парвойинг бор?.
Ер ҳарамидан фаришталар оламига сайр қилганингда,
Малак гуруҳи анжуманига ғавғо тушди.
Поклик ҳарами тўтилари сенга дилдан муштоқлар,
Ҳамдамлик чамани булбуллари сенга жондан шайдолар.
Қазо кимёгари сиймойинг равшанлиги асаридан осмонга бошқа бир қуёш чиқарди.
Тўққиз фалак чарх уриб атрофингга келишди,
Гўё ҳар бирининг бошида савдойинг бор.
Олами арвоҳга шунинг учун ғавғо тушдики,
руҳпарвар нуктангни жон билан ёзсинлар.
Қутблар руҳи истиқболингга келишди,
Авлиёлар жони хоки пойингга йиқилишди.
Сени қўлма-қўл бир жойга олиб боришдики,
Бу ғам маконида ҳам у жойни хоҳлардинг.
Сен ҳақиқий мақсадга эришдингу қолди қиёматгача жаҳонда дод-фарёдинг.
Сенинг фироқингда гамзадалар дили гамгин қолди,
Шундан мотамда қолганлар мотам уйининг чекаси қоронги қолди.

* *
*

Сен кетдингу жаҳон халқининг дили зор қолди,
Қиёматгача фироқингга гирифтор қолди.
Қуйганлар дили оҳининг ўтидан, абадиян,
Бу айланувчи гунбаз букрисида тутунлар қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўфийлар етук муршидсиз юришиб,
Юзларча ҳал бўлмаган мушкиллари шундайича қолди.
Художуйлар сулукида сендан камол етар эди,
Равишларида ожизликлару атворларида нуқсонлар қолди.
Уламога машъал бўлдингу дарс сендан нурланди,
Машъал қоралашдию қиёматгача қоронғи кеча қолди.
Динга юз халал йўл топдики, диндорлар
Тасбиҳи синиб, кафда зуннор ипи қолди.
Ҳақ сирри парда орқасига яшириниб, кўз ёши тўкишдан
сирлар хазинаси дурлари лойга қоришганча қолди.
Наинки юз алам тикани эрклилар дилигагина қадалди,
Икки юз ситам юки яхшилар танида қолди.
Толиблар фано йўлининг равиши қўлдан кетди,
Ҳар бири юз хаёл пардаси орқасида қолди.
Сенинг ўлимингдан даврга қандай зилзила тушди,
У зилзиладан исломга қандай халаллар тушди!

* *
*

Бу азодан олам бўйлаб на гадо қолди, на шоҳ,
Сенинг мотамингда тортдилар икки юз нолаву оҳ.
Булутдай ўкириб, наъра уриб соя ташлади
Сенинг тобутинг устига карам қуёши — тангри кўлакаси.
Муяссар бўлсайди тобутни елкамга тортиб,
Мендай дили куйган мазор томон ҳамроҳ бўлардим.
Жаҳон шоҳлари тандаги тўнни чок қилиб,
Тобутинг олдида қаттиқ қайғи билан қадам ташлайдилар.
Жаҳон кеккайганлари тобутинг остида паст бўлиб,
Ҳаммалари йиғлаб, сенинг юкингни букчайиб кўтариб борадилар.

Тобутинг ҳар пояси бир қутб (улуғ киши) елкасида,
Лекин тўртовлари бир бўлиб, дод солиб йиғлайдилар.
Бир оламни бошқа бир оламга элтмоқлиқ
шундай огоҳ юк ташувчилардан бошқа мумкин эмас.
Улуғ бетоқатлик тушдики, шу қадар кўз билан
айланувчи осмон у томонга қарай олмади.
Гарчи сенинг тунинг нур билан ойдиндай оппоқ бўлса-да,
Лекин бундай қора кунни ҳеч ким кўрмаган.
Намозингга минглаб кишилар тўпланди,
Юз минглаб фаришталар ҳавода саф боғлади.

* *
*

Ҳамма фиғон тортиб, чок дил билан олиб борди сени,
Хазинадай жойладилар тупроқ кўксига сени.
Муридлар гуруҳининг ҳаммасида кўкс тилик,
Буларнинг ҳар бири сени тилик кўксга тортмоқ истади.
Жаҳон покларининг боши эдинг, шунингчун пок тенгри
пок келтирди-ю яна ҳамон пок олиб кетди сени.
Висол дарёсига чўмгансанки, ҳимматинг кўзида
Сенга жаннат гулхану (ундаги) туби дарахти хашакдир.
Пок руҳинг тўққизинчи осмонга (чиқишга) шошилди,
Шунинг учун ҳам таннинг ер остига кетишидан сенга нима зиён?
Осмондан сенинг пок танингга келгани —
Ҳамма жаҳон поклари пок танига етишди.
Фалакларга сайринг шунинг учун бўлдики, пайғамбар
Сен билан ҳамдам бўлишни худодан сўради.
Маъниларни идрок қилишда ақли расо эдинг,
Шунингчун ҳам идрок сени фикрлай олмайди.
Ёронларинг ҳиссаси зору ғамгинлик экан,
Лекин мен ғамгиндай сенга бирор зор йўқдир.
Махдум чиқсин, деб улуғлар саф тортдилар,
Мухлисларни юзингни кўришдан маҳрум этма.

* *
*

Дўстлар, ҳама фанда олам ягонаси қани?
Одам болалари жинсининг афзали ва энг фасиҳи қани?
Орзуси биёбонида халойиқ ҳалок бўлди,
Ҳаманинг давоси бўлган Ийсо нафас Хизр қани?
Фироқи тигидан дўстлар дили юз захм бўлди,
Яхши хулқи ҳаммага марҳам бўлган киши қани?
Қалам юзини қора қилиб, ўз кўксини уриб чок қилиб,
деди: олимлар аълами бўлган менинг эгам қани?
Ҳужра бўшу китоб ва қоғозлар чочилган,
Ҳужра эгаси қаёқда, уларга назар солувчи қани?
Қасрда ғамзадаларнинг ўз-ўзини ўлдиришида бошқа гап йўқ,
Уларга таскин берувчи ва улар ғамига ғамдош бўлувчи қани?
Хуросондагина ҳеч кимса хурсанд эмас деб бўлмайди,
Ер юзида топилган кишининг хурсанди қани?
Бу мотам ёлғиз зоҳидлик хонақоҳига тушмади,
Фонийлик дунёсида ҳам мотамдан бошқаси қани?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй қолган умрни фонийликда ўтказишга аҳд қилувчи,
Бу фонийлик дунёсида боқийлик аҳдининг маҳкамлиги қани?
Ишқибозлар қайғудан дилга ўт солдилар,
Жон фидо қилувчилар ҳам бу ғам ўтидан куйдилар.

* *
*

Эй сен узундан узоқ сафарга равона бўлдинг,
Бу хилдаги сафарга кимки чиқди — яна қайтмади.
Наинки қалам учидан сеҳрни яна боғладинг,
Балки тил банди билан жаҳондан мўъжизани олиб кетдинг.
Поклик нафасингни бирор кимсадан қайта топиб бўлмайди,
Чунки пайғамбардан кейин ҳеч ким ваҳй билан имтиёз топмади.

Шоҳнинг жонида сенинг ҳижронинг ўтидан ёнғин қолди,
Банданинг юз пора дилида сенинг ғамингдан ёниб эриш қолди.

На шоҳ, на банда, қиёмат кунигача дунёда
ҳар ким турса, сенинг мотамингда фарёд қилур.
Гарчи юзингни васл пардаси билан яширсанг-да,
Иззат ва ноз ҳарамида то абад жилва қилурсан.
Пурнур руҳингдан ҳам мадад етказки,
Сенинг ҳажрингда талай талабгорлар харобдир.
Эй рафиқлар, ҳамманинг ишининг оқибати шудир,
Охирнинг фикрини бошда қилиш яхшидир.
Ҳар ким жаҳонда юз аср қолса, афсун билан
ўйин кўрсатувчи фалак жаҳондан тортиб олади.
Маъни шоҳининг агар сурати шундай бўлса,
Қиёматгача сурат билан маъни шоҳ бўлсин, омин.

ҲАЙРАТУЛ-АБРОР

1. «Кўриниш жойи (юлдуздай) юксак осмон, сув ичар булоғи «аниқлик» манбаидир».
2. **Олами кубро** — улуғ олам, яъни инсон ва кўнгил.
3. **Қаптон** — уруш кийими.
4. Икки байт мазмуни: «Таважжуҳ (қалбан худога йўналиш, сиғиниш) пайтида (бир жойда қимир этмай) бошини қуйи солиб турганда равшан кўнгил билан яшиндай сайр этади, бу сайрда фалакни ҳижолатга солади-ю, ерни эса (худо айтган «катаййис-сижил» хат варақлари айланишидай) айланиб чиқади».
5. Бу икки байтнинг мазмуни: «У (Жомий) қалами билан ёзишга киришар экан, унинг қалами (ҳозирги тушунчада: ручкаси) дан чиққан қора (тушь) булутдек хуруш қилиб вақт қуёшини парда билан тўсиб қўяётгандек бўлади. Бу парда яширин ҳолатларни ёпиш учун ясалган, (қоғоз) саҳифалари ҳам гўё бу ҳолатларни беркитиш, сир тутиш учун ёзилган».
6. Бу байтда Навоий: «Жомий бирор асар ёзса, менга кўрсатмасдан бурун бошқа кишига кўрсатмас эди», дегандан кейин, ўзини тупроққа ўхшатиб яна камтарлигини баён этишда давом этади.
7. **«Хамсатайн»** — икки Хамса». Низомий ва Хисрав Деҳлавий «Хамса»лари кўзда тутилади.
8. **Ўн турфа** — икки «Хамса»даги ўн достон.
9. **Икки бурунғи** — иккала «Хамса»даги биринчи достонлар.
10. **«Туҳфа»** — Жомий «Хамса»сининг биринчи достони «Туҳфатул-аҳрор»нинг қисқартирилган номи.
11. **«Ул икки»** — Низомий «Махзанул-асрор»и билан Хисравнинг «Матлаул-анвор»и бўлиб, мунда, яъни Жомий асарида у икки достон мазмунини топса бўлади, лекин бундаги туҳфаларни улардан топиб бўлмайди, дейилади.
12. «Устозлар қўллаб, йўллагандан кейин: «Навоийнинг нукта сурудига — иш бошлашига (яъни шу хилда янги бир достон ёзишга) навоси (қобилияти) бўлмас», дейиш тўғри эмас».
13. Айтишларича, мушк Хўтан кийиги киндигининг териси ичида бўлар эмиш.
14. Бу икки байтда Навоий қадимги грек материалист файласуфлари тушунчасидаги аносир (элементлар) масаласини мисолга олади, ўша тушунчага кўра, зарурий аносир (элементлар) тўртта бўлиб, ўт, сув, ҳаво ҳамда тупроқдан иборатдир. Бу тўрт элементнинг учтаси қанчалик дилпазир — яхши бўлса, тўртинчи элемент — тупроқ ҳам улар қаторида бўлмасдан иложи йўқ, деб уч улуғ шоирни «дилпазир» бўлган ўт, сув, ҳавога, ўзини эса тупроққа ўхшатган.
15. «Улар (Низомий, Хисрав, Жомий) боқийлик ғорига кириб ғойиб бўлсалар, мен ҳам уларнинг тўртинчилари — итлари бўлай, ўшалар қаторига қўшилай».

Бунда Навоий «Асҳоби каҳф» номли афсонага ишора қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФАРҲОД ВА ШИРИН

1. Бу байтларда Жомийни улуғлаш мақсадида уни, Низомий, Хисрав каби шоирлар ва Зинда пили Аҳмади Жомий каби мутасаввифлар билан таққосланган, шеъриятда Низомий ёки Хисравнинг кучи икки пилча бўлса, Жомийники юз пилча ва тасаввуфда эса худди Зинда пилнинг ўзидай («муҳаббат жоми (кадаҳи)нинг қуйқасини ичувчи», «ваҳдат жомининг ўта масти», «ҳақиқат майини ичганда осмон жом бўлган тақдирда ҳам бир чакра қолдирмайди») деб таърифланади, кейинги мисраларда бу муболағали фикрлар яна давом эттирилади.

2. **Нафъйи вужуд** — ўзликни йўқотиш.

3. **Маъдум** — йўқ бўлган, адамга (йўқликка) айланган.

4. «Фано (йўқлик) мулкида шунчалик фоний бўладики, уни бир саводи аъзам (узоқдан кўринган каттакон қоралик-дай) фаҳм этадилар.

5. **Макнат** — куч-қудрат.

6. «Жаҳон эмас, олами кубро (энг улуғ олам) дегил, жаҳонда мақсади ақсо (энг сўнгги мақсад) дегил уни».

7. «Чунки олами суғро (кичик олам)да мавжуд бўлган ҳар бир нарса бу олами куброда топилади».

8. **Жуллоб** — қанд ва гулобдан тайёрланган шарбат маъносида.

9. **Пир** — Абдураҳмон Жомий.

10. **Туби (Тубо)** — Жаннат дарахти.

11. **Иккинчи ҳотиф — ҳотиф** — ғайбдан овоз берувчи демак, биринчи ҳотиф сўзи боб юқорисида баён қилинган. Иккинчи ҳотиф деб, Жомийга ишора қилинади.

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

1. «Бош оғриғига сандал ёғочини майдалаб пешанага суркалгани каби, фаришта Жомий қавшлари гардини юзига суртади» демак.

2. «Букулишдан асоси бошида пайдо бўлган тоб, икки жаҳонни тортмоқ учун илмоқдир».

3. «Учидаги найзаси ғазабга кирса, дев билан шайтонларни кўр қилади».

4. **Ҳабли матин** — маҳкам ип.

5. **Ибриқ** — сув идиш; **вузу** — юз-қўл ювиш, таҳорат.

6. **Қаъб** — оёқ товони.

7. Қўштирноқ орасига олинган сўзлар Жомий асарларининг номини билдиради.

САБЪАИ САЙЁР

1. Юқоридаги байтларда Жомийнинг ўз замонасида етук олимлиги айтилиб, ҳатто илми ҳикмат, риёзиёт, астрономия каби аниқ фанларни ҳам ўзлаштиргани баён қилинади. Жомий араб филологияси соҳасида ҳам атоқли олимлардан эди. Араб тили грамматикаси олими Ибни Ҳожибнинг «Кофия» номли асарига Жомий катта ҳажмли шарҳ ёзган, бу асар «Шарҳи мулла» номи билан машҳур бўлиб, асрлар давомида Хуросон ва Туркистон мадрасаларида бирдан-бир дарслик сифатида ўқитилиб келинган. Жоруллоҳ Замахшарий хоразмлик олимлардан бўлиб, араб тили ва адабиёти соҳасида кўп асарлар яратган.

Мазкур байтларда Жомийнинг фазлу камолда шу олимлардан ҳам юксаклиги изҳор этилган.

2. **Ибни Ҳажар** — тафсир ва ҳадис устида иш олиб борган олимлардан.

3. Бу ерда ва бундан кейин қўштирноқ орасига олинган сўзлар Жомий асарларининг номларидир.

4. **Имоми Аъзам** — Абу Ҳанифа номли ислом фиқҳи (ҳуқуқ илми) олимининг лақаби, Жомийни ҳам фиқҳ бобида шу кишига тенглаштирилмоқда.

САДДИ ИСКАНДАРИЙ

1. Бу достоннинг VII боби (44 байт) Жомий мадҳига бағишланган. Навоий кейинги XV бобдан бошлаб Искандар достонига киришади, бу бобда Искандарнинг насаби, келиб чиқиши, шахсияти (кимлиги) тўғрисида сўз юритиб, бунда тарихчилар ва илгари достон ёзган шоирлар ўртасида турли фикр ва ихтилофлар борлигини айтиб, чигални ечишда бу масала билан шуғулланаётган Жомийга мурожаат қилади ва ундан мадад олади.

Биз шу бобдан Жомий ҳақидаги ўн байтни олдик. Бунда ҳам Навоий Жомийнинг фикрларига юксак баҳо берганлиги кўриниб туради.

2. **Оранж** — тирсак; **бозу** — билак.

3. **«Панж ганж»** — Низомий «Хамса»сининг номи.

4. **Пир**дан мақсад — Абдураҳмон Жомий.

5. **Азми ҳарам қилмоқ** — Маккага (ҳажга) бормоқ.

6. «Хилват эмас, юксак осмон, хилватда ўтирувчи (шахс) эмас, Жабраил фариштадир».

7. **Атрок** — турклар.

8. Беш байт мазмуни: «Оламда мисли бўлмаган бу хилдаги рангдор қора (ёзув)ни чиқорган замон қора (ёзув)ларига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар ким кўз солса, қора туни машаққатга қолади. Бу шундай зулматки, унда оби ҳаёт йўқ; шундай тунки, унда порлоқ қуёш йўқ. Агар у дунёга хуш ис мушк сепса, кўнгилни хира ва кўз олдини қоронғи қилади. Бу ўрмонда иккита мард шер бор, бу дарё ичида иккита қўрқмас наҳанг балиқ бор».

9. **Саводин жузвидон аро солмоқ** — кўчирилмаган нусхасини папкага солмоқ.

10. **Анинг сори** — Жомий томон.

11. **Вазн** — оғирлик ,салмоқ.

12. **Пири кошиф** — Жомий.

13. «Сафинам (асарим) дарё (Жомий) томон йўлангач, дарё (Жомий) кафини у жузвларга узотди».

14. «Қандай енгки, уни осмонга ташласа, қийшиқ юзини букиб юборар эди».

15. **Эл тавфи Байтулҳаром** — одамлар Каъба атрофида айлангандек (Каъба — Маккадаги зиёратгоҳ).

16. **Жамъи касир** — бир тўда кишилар демак.

17. **Рисолат** — элчилик.

18. **Ҳазрати Шайх** — Низомий Ганжавий (1141—1209).

19. **Устоду пир** — Абдураҳмон Жомий (1414—1492).

20. Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1204—1292), Абулқосим Фирдавсий Тусий (934—1020), Абулқосим Ҳасан бинни Аҳмад Унсурий (Балхдан — 1040 й. да вафот этган), Саноий Ғазнида туғилиб, ўша ерда 1181 йилда вафот этган. Хоқоний Афзалиддин Иброҳим бинни Али Шервоний — (1120—1199), Анварий Авҳадиддин — 1153 йилда Балхда вафот этган.

21. **Пиру Маҳдум** — Жомий.

22. **Мавлавий, Махдум, пир**дан мақсад — Жомий.

23. **Муҳаввис** — ҳаваскор.

НАСОИМУЛ-МУҲАББАТ

1. 881 ҳижрий йили милодий йил ҳисобида — 1476.

2. Нафаҳотул-унс мин ҳазаратил-қудс-пок — зотлардан ёқимли хушбўйликлар.

3. **Феҳрист** — мундарижа, кўрсаткич.

4. **Вуқуф қиллати** — кам воқифлик, оз хабардорлик.

5. 901 ҳижрий йили милодий йил ҳисобида — 1495.

6. **Муҳтожун илайҳ** — унга муҳтожлик, эҳтиёж.

7. **Итноб** — чўзилиш, узайиб кетиш.

8. **Насоимул-муҳаббат** мин шамоимил-футувват — мардлик хушбўйлигидан муҳаббат шаббодалари.

9. **Увайсий** — Увайс Қараний исмли тасаввуф бошлиғи йўлини тутган. (Увайс ҳижрий биринчи аср бошларида ўтган).

10. 898 ҳижрий йили милодий йил ҳисобида — 1492.

11. **Аларнинг мухлисларидин бири** — Навоийнинг ўзи. (Бу гап Хамсатул-мутаҳаййирин охирида ҳам айтилган).

МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН

1. Алардин ғазал кал-ваҳйил-мунзал ва ҳар рисола кал-аҳодисин-набийи мурсал — уларнинг ҳар бир ғазали худодан инган ваҳйдек ва ҳар бир рисола элчиликка юборилган пайғамбар сўзидек.

2. **Ҳозо шайъун ажиб!**— бу қизиқ нарса!

3, 4, 5, 6, 7, 8 — бу тожикча шеърларнинг таржимаси «Хамсатул-мутаҳаййирин» охирига илова қилинган «Изоҳлар» қисмида берилган.

П. Шамсиев.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Улуғ дўстлик лавҳаларидан 5
Абдураҳмон Жомий 13
«Хамсатул-мутаҳаййирин» 19
«Ҳайратул-аброр»дан 78
«Фарҳод ва Ширин»дан 83
«Лайли ва Мажнун»дан 87
«Сабъаи сайёр»дан 90
«Садди Искандарий»дан 94
«Мажолисун-нафоис»дан 111
«Насоимул-муҳаббат»дан 112
«Муҳокаматул-луғатайн»дан 115
«Маҳбулбул-қулуб»дан 118
«Арбаин»дан 120
Изоҳ ва таржималар 123

На узбекском языке

АБДУРАХМАН ДЖАМИ
И АЛИШЕР НАВОИ

Изд-во «Фан» Уз[illegible]
Ташкент — 1966

Муҳаррирлар *Ҳ. У. Нурмуҳамедов, А. Аҳмадхўжаев*
Рассом *В. С. Тий*
Техмуҳаррир *В. М. Бубнова*
Корректор *М. Алиева*

Р00216. Теришга берилди 2/III-66 й. Босишга рухсат этилди 13/IV-66 й. Формат 60×90¹/₁₆= 4,75 қоғоз л.—9,5 босма л. Ҳисоб—нашриёт 8,0. Нашриёт № 1618. Тиражи 5000. Баҳоси 78 т.

Ўзбекистон [illegible] „Фан" нашриётининг босмахонаси, Л. Б. Шастри кўчаси, 21. Заказ 84
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

www.ziyouz.com kutubxonasi